

ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ:

хавотирлар
қанчалик асосли?



5

ХАЛҚ САЙЛАГАН ВАКИЛЛАР:

қаердадир улар бор,
қаердадир...

22



@mahalladoshuz



@mahalladosh_uz



www.mahalladosh.uz

№30

(1960) 2020 йил
10 — 17 сентябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

ИМТИХОНЛАР АДОЛАТЛИ ЎТЯПТИМИ?

Шубҳалар қанчалик
асосли?

12

«ВИЖДОН ДАФТАРИ»

коррупцияни йўқота
оладими?

14

ПАХТА МАВСУМИ БОШЛАНДИ

мажбурий
меҳнатга йўл
қўйилмайдими?

15

ВАЛЮТА СИЁСАТИ:

қачонгача
«қора бозор»дан
кўнгил
узолмаймиз?

21

МАКТАБ ТАЪЛИМИДА

қандай
ўзгаришлар
бўлади?

10



**«ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ»
14 СЕНТЯБРДА ТОПШИРИЛАДИ**

2

ХАЁТИЙ ТАЖРИБА

йўқлиги қотилликка
етакладими?


20



НАВАЛЬНИЙНИ

заҳарлаш
операцияси
уюштирилганми?

29





«ҒАЛАБА БОҒИ» ёдгорлик мажмуаси фаолияти ташкил этилади

Президентимиз 2020 йил 9 сентябрь куни «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарор билан Мудофаа вазирлиги ҳузурида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ташкил этилади. Мажмуа ҳудудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти, Ҳарбий оркестрлар хизмати, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

Махсус жамғарма ташкил этилади

Мажмуа ҳузурида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ҳар йили мажмуада олиб борилаётган илмий-маърифий, оммавий-маданий тадбирларни ўзида атрофли ақс эттирадиган китоб-альбом тайёрланиб, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида нашр этилиши йўлга қўйилади.

Қарор асосида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронторти фахрийларининг қаҳрамонлигига оид материалларни тўплаш ҳамда Мажмуа таркибидаги «Шон-шараф» давлат музейи фондида сақланаётган экспонатлар ва маълумотлар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва Мажмуа фондини доимий равишда бойитиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Шунингдек, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси объектларида Республика олий ва олий ҳарбий таълим муассасалари талабалари (курсантлари), магистрантлари ва докторантлари томонидан уруш йилларига оид илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари учун алоҳида ўқув хоналари ажратилади.

Онлайн чипталар савдоси йўлга қўйилади

Ҳужжат билан мажмуага кириш чипталарининг онлайн савдоси йўлга қўйилиб, хорижий тилларда онлайн гид ва онлайн экскурсия ўтказиш тизими ташкил этилади. Шунингдек, «Шон-шараф» давлат музейининг замонавий сайти яратилиб, унда «3D» ва «360°» форматдаги фотоальбом шакллантирилиб жойлаштирилади.

Бундан ташқари, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейи ҳудудида миллий эсдалик совғалари маҳсулотлари ҳамда музейда сақланаётган ашёлар нусхаларининг савдоси йўлга қўйилади. Мажмуа ҳудудида эсдалик совғалари маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи хунармандлар фақат ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади ва «Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги»га киритилади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 9 сентябрь куни «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Аҳоли сифатли озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминланади

Қарор асосида мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратилади. Маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделлари ишлаб чиқилади.



Шунингдек, мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари – янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳалар амалга оширилади. Замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чоралари кўрилади.

Янги бошқарма тузилади

Қарорга асосан, юклатилаётган қўшимча вазифаларни самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизида Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш ҳамда инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаб берилади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдори тўланади.

Мазкур қарор асосида «Ўзбекистон озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)» ҳамда «5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)» таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртқи таълим шаклларида ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич ошириб борилади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

«Президент совғаси» 14 сентябрда топширилади

Жорий йилда ҳам одатдагидек 1-синф ўқувчилари учун «Президент совғаси» топширилади.

Махсус комиссия қарорига биноан, пандемия шароитини ҳисобга олиб мактабларда янги ўқув йилининг биринчи куни 14 сентябрь этиб белгиланди. Мактабларда айни шу куни 650 мингга яқин ўқувчига «Президент совғаси» топширилиши режалаштирилган.

1-синф ўқувчиларига бериладиган «Президент совғаси» таркибидан 12 турдаги ўқув қуроллари, жумладан, портфель, дафтарлар, расм дафтари, акварель бўёқлари, рангли қоғоз, қаламдон, шарикли ручка, рангли ва оддий қаламлар, пластилин, елим ва ўчирғич ўрин олган.

Шунингдек, «Президент совғаси»



ўқишнинг анъанавий ёки масофавий шаклини танлаганидан қатъи назар, барча ўқувчиларга берилади. Бунда «Президент совғаси» масофавий ўқишни танлаган 1-синф ўқувчиларининг ота-оналарига топширилади.

Шахло БҶРОНОВА,
Юнусобод туманидаги 86-умумтаълим
мактабининг бошланғич синф
ўқитувчиси.



Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни Мустақиллик куни билан табриклади.

ЕР ҲИСОБИ ВА КАДАСТР ЮРИТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Сўнгги йилларда ерлардан оқилана, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимиздаги иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ушбу тизимнинг тўлақонли, шаффоф ва замонавий стандартлар асосида ишлашини тақозо этмоқда.



тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Шу тариқа энди улар ҳокимларга эмас, фақат Кадастр агентлигига бўйсунди.

2021 йил давлат рўйхатидан ўтказилади

Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Солиқ кодексига, яна бошқа ўнлаб қонун ҳужжатларида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлиги белгиланган. Кўчмас мулк деганда биринчи навбатда, ер участкаси, унга бўлган мулк ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи тушунилади.

– Афсуски, бизда қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан деярли ўтказилмаган, – дейди «Давергеодез-кадастр» давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Ҳабибуллаев. – Яъни фермерлар, кластерлар, деҳқон хўжаликлари ва ердан фойдаланувчи бошқа шахслар ер ажратиш ҳақидаги қарорни қўлларига олиш билан чекланадилар. Агар уларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказганида эди, ер ҳисоби ҳам ўз-ўзидан аниқ бўлган, ер кадастрини ҳам шунга қараб юритиш мумкин бўлган бўлар эди. Фармонда ушбу масалага биринчи маротаба тизимли ёндашилган. Яъни бундан буён ер участкасига бўлган ҳуқуқларни Миллий геоахборот тизимида тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтказиш тизими жорий этилмоқда. Яъни нотариус бирор-бир бинони сизга ўтиши ҳақидаги шартномани тасдиқлаб, уни бир вақтнинг ўзида онлайн режимда кадастрдан давлат рўйхатидан ўтказиб беради. Фармонда ер участкасига бўлган ҳуқуқ ҳам, у вужудга келган пайтнинг ўзида рўйхатдан ўтиши лозимлиги белгиланмоқда.

«БТИ»лар ўрнида янги орган ташкил этилади

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ҳар бир вилоятдаги «Ермулккадастр» давлат корхоналари негизига Давлат кадастрлари палатаси ташкил этилмоқда. Эндиликда Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фақат Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш билан шуғулланади.

Бир сўз билан айтганда, фармон ижроси таъминлангандан сўнг халқимиз очиқ ва шаффоф маълумотлардан фойдаланишади.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг аниқ тизими ва босқичларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжат билан **Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг** қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари **Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилмоқда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган** ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш эса **Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги** доирасида амалга оширилади. Шунингдек, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси негизига **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги** ташкил этилмоқда.

Хўш, қўмита фаолиятини қайта кўриб чиқишга нима сабаб бўлди? Эндиликда ушбу фармон билан нима ўзгаради? Бу халқимизга нима наф беради? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида атрофлича маълумот берилди.

– Қўмитанинг ҳозирги фаолияти бугунги кун талабига жавоб

бермай қолди, – дейди **Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси Халилилло Тўрахўжаев**. – Қолаверса, мурожаат қилган фуқароларнинг иши тез битмаслиги, сарсон бўлиб юриши, соҳада коррупцион элементларнинг мавжудлиги халқнинг бу қўмитага бўлган ишончини йўқотди. Шу сабабли қўмитанинг фаолияти қайта кўриб чиқилди. Эндиликда манфаатлар тўқнашувига барҳам берилиб, тизимни бошқариш горизонтал эмас, вертикал тарзда олиб борилади. Бошқарув оптимallasштирилиб, тизимда ўзига хос бўлмаган функциялар керакли ташкилотларга ўтказиб берилди. Бундан буён мазкур соҳа инсон омилсиз, IT технологиялар асосида бошқаришга ўтилади. Самарали ер назоратини амалга ошириш учун IT платформаси ҳам жорий этилади.

Халқимизга нима наф беради?

– Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлгандан кейин тизим ҳам халқ манфаатига хизмат қилиши керак, – дейди **Халилилло Тўрахўжаев**. – Халқимиз қачон манфаатдор бўлади, агар тизим шаффоф, ошқора, тўғри, ҳаққоний маълумотлар билан тўлдирилса, ва ундан фойдалансагина. Халқимизга шундай тизимни яратишга ваъда берамиз. Чунки очиқ, шаффоф, онлайн тарзда, яъни республикамиздаги ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар кадастр агентлигининг онлайн геопорталга киритилади. Бу бизга нима беради? Аввало, ернинг ҳақиқий ҳолатини онлайн тарзда кузатиб бориш имкониятини ҳамда очиқлик ва ошқораликни беради. Энди биз нафақат ҳар бир ердан фойдаланувчи ва ер ҳақидаги маълумотни очиқча кўришимиз, балки захирадаги ер майдонлари ҳақида геопортал орқали били-

шимиз ҳамда қайси ер аукционга қўйилганини кузатиб боришимиз мумкин.

Кадастр органлари энди ҳокимга бўйсунмайди

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси эндиликда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги сифатида фаолият юритади. Фармонга кўра, Кадастр агентлиги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия ва картография ҳамда давлат кадастрларини юритиш соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Мазкур агентлик кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши. Геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш билан шуғулланади. Шунингдек, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади.

Бундан ташқари, Агентлик ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади.

Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари негизига Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилади. Уларнинг бошлиқлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга



**Ўзбекистонга Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи
мақомини бериш масаласи кўриб чиқилди.**

Деярли барча давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тез суръатларда ривожланган интернет, алоқа турлари ва усуллари ахборот алмашинуви ҳақидаги ғояларни тубдан ўзгартирди. Шу сабабли замонавий ахборот технологияларини судлар фаолиятига жорий қилиш долзарб ҳисобланиб, аҳолининг судга мурожаат этишида тезкорлик ва қулайликни ҳамда ахборот алмашинувини тезлаштиришни келтириб чиқарди.



лик ва жинойт ишларни кўришда судьялар ўртасида тақсимлаш механизми мавжуд бўлса-да, бироқ, шикоят ёки протест келтирилганда ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўрилишида судьяларга автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланиши мавжуд эмас эди.

Эндиликда 2021 йил 1 июлдан бошлаб ишларни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда судьяларнинг иш ҳажми ҳисобга олиниб, автоматик равишда тақсимланади. Бунда инсон омили қатнашмайди, яъни вилоят суди раисининг ишлар тақсимотига аралашининг олди олиниб, суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатишини бартараф этади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда одил судловга бўлган ишончни оширади.

Судьялар малакаси оширилади

Бугунги кунда судлар фаолиятига жорий қилинган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари фақат суд мажлисларини видео-конференция режимида ўтказиш, суд қарорларини интернетда чоп этиш билан чекланиб қолмоқда. Бу эса суд тизими ўз фаолиятига замонавий ахборот технологияларини самарали жорий қилинишини ҳамда уларнинг узлуксиз юритилишини таъминлаши учун етарли технологик ва кадрлар салоҳиятига эга бўлишини талаб этади.

Шу сабабли судьялар ҳамда судлар аппарати ходимлари ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитилади. Ўқув дастурларига судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулининг киритилиши эса мазкур соҳада етук кадрларнинг етишиб чиқишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, судларга замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши судлар фаолияти самардорлигини ошириш, электрон судлов тизимини соддалаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқароларнинг судларга мурожаат этиш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан янада кенг фойдаланиш, ортиқча оворагарчиликнинг олдини олиш, ишларни кўриб чиқишнинг муддатларини сезиларли даражада қисқартириш, ишда иштирок этувчи шахсларни реал вақт режимида суд мажлиси жараёни ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Отабек ТОШЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтини масъул ходими.

Суд тизими рақамлаштирилгач, ШАФФОФЛИК ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНАДИ?

Бироқ судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви ўзаро интеграция қилинмагани сабабли, асосан, қоғоз шаклида амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб борилишини таъминлаш имконияти ҳам мавжуд эмас.

Кунни кеча Президентимиз ана шундай муаммоларни бартараф этиш, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларининг янги турдаги интерфаол суд хизматларини жорий қилиш орқали мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш, ортиқча сансалорликларга чек қўйиш, судлар фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, бу борадаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида «**Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарорни имзолади.

Қандай қулайликлар яратилмоқда?

Илгари фуқаролар судга ариза билан мурожаат қилишганда

натижасини билиш учун ўзининг қимматли вақтини сарфлаб судга боришига тўғри келар эди. Эндиликда мазкур қарор билан фуқаролар энг чекка ҳудуддан туриб ҳам вақт ва маблағини йўқотмасдан судга қилган электрон мурожаатини кўриб чиқиши, натижасини онлайн кузатиб бориши мумкин.

Қолаверса, суд мажлисларини ўтказишда барча иштирокчиларни муддатида хабардор қилишда ҳам муаммолар мавжуд эди. Хусусан, тарафларга суд мажлисининг ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги суд чақирув қоғозини юбориш почта хизмати орқали амалга оширилди. Бу эса маълум харажат ва муддатни талаб қиларди. Эндиликда қарор билан бундай ортиқча оворагарчиликка чек қўйилиб, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида барча иштирокчиларни бепул «SMS» хабар орқали хабардор қилиниши белгиланди.

Бу аввало, тарафларнинг суд мажлиси тўғрисида қисқа муддатларда ва аниқ огоҳлантирилишини таъминласа, иккинчидан, суд мажлисига қасддан келмасдан суд ишларини сунъий чўзмоқчи бўлган тарафларнинг суд мажлиси тўғрисида огоҳлантирилганлигига далил бўлади.

Шунингдек, қарор билан суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этилиши белгиланди. Бу эса фуқароларнинг сарсон бўлиб судга келишининг олдини олишга ва масофадан туриб ҳам суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиб беради.

Электрон маълумотлар алмашинуви янада кенгайтирилади

Қарор асосида судларда одил судловни

амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг электрон маълумотлар алмашинуви янада кенгайтирилиб, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаб борилади. Бу билан ишни кўриш жараёнида муассасалардан талаб қилиб олиниши лозим бўлган ҳужжатларни олиш муддатлари қисқаради, тарафларнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйилади. Яъни, судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш орқали муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олинади.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш жорий қилинмоқда. Бу эса суд ишларини кўриб чиқишда инсон омилининг ролини сезиларли даражада камайтиради. Қолаверса, вақтида суд мажлиси баённомаси билан таниша олмаслик ҳамда суд мажлиси баённомасига гувоҳларнинг судда баён қилган кўрсатмаларини тўлиқ ёритмаслик ҳолатларининг олдини олади.

Судья ишлари электрон тарзда тақсимланади


Илгари судларда жорий қилинган электрон судлов тизими бўйича келиб тушган даъво ариза, шикоят, ариза, маъмурий, иқтисодий, фуқаро-

Дарвоқе...

Судлар фаолиятига ахборот-технологияларни қўллаш тажрибаси бўйича хорижий давлатлар, хусусан, Сингапур, Корея, Малайзия, Германия ва Эстония каби давлатлар тажрибасидан маълумки, судларга ахборот-технологияларнинг жорий қилиниши иш жараёнларининг оптимallasштиришга ва судларнинг иш унумдорлигининг оширилишига эришилган.

5 йилга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинади.

Молия вазир Тимур Ишметов Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат бюджетининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси бўйича маърузасида айтиш пайтда давлат ташқи қарзи 17,3 млрд. долларни, давлат ички қарзи 2,3 млрд. долларни ташкил этаётганини билдирди. Рақамлардан кўринадики, мамлакатимизнинг ташқи қарзи миқдори салмоқли даражада.



ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ: хавотирлар қанчалик асосли?

Айни ҳолат жамоатчилик орасида хавотир уйғотаётгани ҳам бор гап. Ҳақли саволлар туғилмоқда: давлат қарзи ниманинг ҳисобига олиб бормоқда? Қарз олиб кетишининг қандай таҳликалари бор?

Айтиш керакки, давлат ташқи қарзини муҳтожлик туфайли олинган оддий қарз маъносида тушунмаслик керак. Ушбу тушунча мақсадли кредитлар, сармоялар ва бошқа маблағларнинг мамлакат иқтисодийотидаги кириб келишини билдиради. Бундай қарзни қайсидир маънода давлатга бўлган «ишонч миқдори» деб ҳам тушунса бўлади. Ахир, қарз (ёки инвестиция) дуч келган одамга ёхуд давлатга берилавермайди-ку. Аввал унинг ишончлилиги, иқтисодий имкониятлари ва истиқболлари текширилади.

— Мазкур маблағлар, асосан, кредитор мамлакатлар (Хитой, Япония, Германия ва бошқалар) ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар (Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Ислон тараққиёт банки) томонидан жалб қилинган, — дейди Молия вазирлиги департамент бошлиғи Жасур Қаршибоев. — Қарзлар узоқ ва ўрта муддатларга олинган бўлиб, имтиёзли даврда қарз суммаси эмас, фақатгина фоиз ставкаси тўланади.

Ташқи қарз, асосан, икки: инвестиция ва бюджет камомадини молиялаштириш мақсадларида олинади. Инвестицияга йўналтирилган ташқи қарз уларнинг «ҳосили» ҳисобидан қайтарилса, бюджет камомадини қоплаш учун ишлатилган қарзни қайтариш солиқ тўловчилар гарданига тушади. Мамлакатимиз шароитида эса ташқи қарз, асосан, ижтимоий ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилмоқда.

Коронавирус шароитида қарз олиш қанчалик тўғри?

Экспертларнинг фикрича, ҳозирги шароитда қарз олиш жуда тўғри қарор. Чунки пандемия сабабли келиб чиққан инқироз бошқа даврлардаги инқироздан бутунлай фарқ қилади. Ҳарб мамлакатлари ушбу инқирозга қар-



ши қуралишда «қандай зарурий чоралар керак бўлса, шуларни амалга ошир» тамойилига асосан иш кўришмоқда.

— Ҳозирги вазиятда иқтисодий фаоллик пасайиб, бюджетга тушумлар камайиши табиий, — дейди Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази етакчи илмий ходим Халилulloҳ Ҳамидов. — Бундай ташқи қарз олиш узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни кўзлаб амалга оширилмоқда. Бунинг ягона ечими эса онгли равишда ташқи қарз маблағларини жалб қилиш ҳисобланади. Зеро, ўзи шундоқ ҳам коронавирусдан азият чекаётган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ёрдам қўлини чўзиш ўрнига, уларга солиқ юкини ошириш ёки ички бозордан қарз жалб қилиш иқтисодиёт фанида рационал ечим ҳисобланмайди.

Маълумки, карантин шароитида давлат харажатлари ошишига қарамай, солиқ имтиёзлари, кредит таътиллари ва бошқа молиявий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бу узоқ муддатли истиқболда ўз сўзини айтади. Аммо бундай харажатларни молиялаштириш учун ҳам маълум миқдорда маблағ зарур. Шу маънода жалб қилинаётган ташқи қарз маблағлари келажак учун қилинаётган инвестиция ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат: айнан коронавирус инқирози даврида ташқи қарз жалб қилиш ички валюта бозори барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Зеро, хорижий инвестициялар оқими секинлашиб, экспортдан валюта тушумлари ва чет элдан пул жўнатмалари сезиларли даражада камайётган бир пайтда, ташқи қарз маблағлари ички бозорда валюта таклифини кўпайтириб, сўм алмашув курсига босимни пасайтиради.

Олтин захиралари ишлатилиши керакми?

Нима учун давлатлар олтин-валюта захираларини сақлаб туришади? Айтиш керакки, ушбу активлар жуда кўп мақсадларга хизмат қилса-да, аммо Марказий банклар уларни миллий валютадаги мажбуриятларини, шу жумладан, тижорат банклари депозитларини кафолатлаш учун сақлаб туришади. Бундан ташқари, улар халқаро миқёсда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда мақбул тўлов воситаси ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу активлар пул-кредит сиёсатида таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланилиши мумкин. Қисқаси, олтин-валюта захираси марказий ҳукуматга ўзгарувчан бозор шароитида янада мослашувчан ва барқарор бўлишга имкон беради. Жаҳон олтин кенгаши маълумотида кўра, Ўзбекистон июль ойида 11,6 тонна олтин экспорт қилиб, дунё мамлакатлари орасида олтин сотиш бўйича мутлақ етакчига айланди.

— Умуман олганда, Ўзбекистоннинг халқаро резервлардаги пули ҳозирда 22 млрд. долларни ташкил этади, — дейди Молия вазирлиги ўринбосари Одилбек Исоқов.

— Бу қийматнинг ярми олтин, ярми валюта кўринишида. Фақат банкларга депозит қўйвермасдан босқичма-босқич молиявий бозорларга чиқишни ҳам йўлга қўйиш керак. Чунки шу орқали депозитлардан кўра кўпроқ фойда олиб келиш имкониятлари мавжуд. Олтинни ҳам аслида кўп ушлаб туришимиз керак эмас. Олтин ўзи кўп, у бизга ҳеч қанақа пул келтирмайди. Олтинни пул келтирадиган, фоиз ҳисобида фойда келтирадиган нарсаларга тикиш керак.

Жамоатчилик назорати лойиҳалар натижасига ҳам қаратилиши керак

Таъкидланишича, ҳозирда Ўзбекистонда давлат ташқи қарзлари билан боғлиқ барча жараёнлар бўйича мустақил мониторинг тизими яратилиши кутилмоқда. Давлат қарзини олишдан бошлаб, якунлангандан кейин ҳам мустақил мониторинг қилиш бўйича тизим ишлаб чиқиш бўйича қарор

лойиҳаси тайёрланяпти.

— Давлат ташқи қарзи ҳозирда мунозараларга сабаб бўлиб келаётган мавзу ва бу тўғри, — дейди О.Исоқов. — Бу мавзу халқимиз, оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлиши керак. Қанча қарз оляпмиз, қаерга сарф-ляпмиз, бунинг натижаси қандай бўляпти, ҳаммаси жамоатчилик назоратида бўлиши керак. Истардикки, жамоатчилик назорати нафақат давлат ташқи қарзининг статистикаси билан, балки лойиҳаларни амалга ошириш жараёни, уларнинг натижадорлиги бўйича ҳам бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ташқи қарз қанчалик таҳликали?

Ташқи қарз, бир томондан, мамлакатда иқтисодиёт ривожланишига олиб келса, иккинчи томондан, қарз ўз вақтида тўланмаса, муддати кечиктирилган қарздорлик пайдо бўлиши ва бу мамлакат кредит рейтингини тушиб кетишига сабаб бўлади. Рейтинги паст мамлакатларга эса ҳеч ким қарз бермайди. Бу мамлакатда хорижий валюталар курси ошишига ва оқибатда иқтисодий таназзулга сабаб бўлиши мумкин.

Экспертлар мамлакат учун ташқи қарз ялпи ички маҳсулотга нисбати 60-70 фоиздан ошганда хавфли бўлишини айтади. Таҳликланинг оstonаси давлат ўзининг танқислашган бюджетини молиялаштириш олмай қолганда ва бу ташқи қарз ЯИМнинг 70-80 фоизига етганда бошланади ҳамда 100 фоиздан ўтганда улкан таҳлика юзага келади. Муайян чегарадан олиб кетган давлат қарзи иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсата бошлайди.

Айни ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўрта муддатли давлат қарзини бошқариш стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси методологиясига кўра, давлат қарзи ЯИМнинг неча фоизигача Ўзбекистон учун хавфсиз, деган меъёрларга эътибор қаратилди. Айтиш керакки, давлат қарзи бўйича халқаро меъёрларга кўра, Ўзбекистоннинг ташқи қарзларни тўлаш қобилияти юқори.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани, Наманган шаҳри таркибида Давлатобод тумани ташкил этилади.



ҚОРАКЎЛЧИЛИК муаммоларга энг

Иқтисодий тангликдан қандай чиқиш мумкин? Бой берилган вақт учун тўланадиган тоvon ҳажмини қисқартиришнинг чораси борми? Вазиятни ўнглаш учун нима қилмоқ керак?

Пандемия аксарият мамлакатлар олдига айни саволларни кўндаланг қўйди. Хусусан, Ўзбекистонга ҳам. Инвестицияларга умид боғлаш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридан унумли фойдаланиш, банкротлик ёқасидаги корхоналарга кўмак бериш, тадбиркорларга имтиёзлар ажратилиши — мамлакатимизнинг вазиятдан чиқиш учун танлаган биринчи йўли эди.

Бироқ бу билан кифояланиш ярамайди. Боиси бало талафотлари шу билан тўхтаб қолмади. У ҳануз нафақат иқтисодиёт, балки бутун инсоният ҳаётига зарар етказишда давом этмоқда. Бундай шароитда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолмоқ учун имконияти кенг, бироқ фойдаланишга улгурилмаган манбаларга мурожаат қилиш лозим. Ҳам фойдали, ҳам истикболли лойиҳаларга кечиктирмасдан қўл урилиши шарт.

Юртимизда пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантиришга яна бир бор қаратилган эътиборни шундай ечимлардан бири, дейиш мумкин. Боиси Ўзбекистон пиллачилик ва қоракўлчилик соҳасида дунёга машхур. Айниқса, юртимизнинг табиий-иқлим шароити, мавжуд ресурс ва салоҳиятидан жаҳоннинг аксарият мамлакатлари хабардор. Бу ушбу тизимга янги ва иннова-

цион технологиялар қўлланилса кутилганидек натижа беришини таъминлайди.

Аслида республикада бу тармоқларни ривожлантириш, хусусан, пилла етиштириш ва

Мавзуга оид маълумот:

Дунё бўйича 50 га яқин мамлакатда қоракўл қўйлари боқилади. Уларнинг умумий сони тахминан 31 млн. бош-ни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 6.2 млн. бошни ташкил қилади. Аммо сўнгги йилларда юртимизда қоракўл қўйлари-нинг насли бузилгани сабабли гўшт ҳосилдорлиги 25-35 кг.га тушиб кетган. Олинадиган тери ҳажми эса кичрайган.

уни қайта ишлаш жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмла-



рини ошириш, тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича ҳаракатлар аллақачон бошланганди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса йўналишларнинг яқин келажақдаги аҳамияти, ўрни ва тараққиётини белгилаб берди.

Фармон билан янги Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси иш бошлаши

белгиланди. Хўш, бу билан нима ўзгаради? Кўмита соҳалар тараққиётида бирон ўзгариш ясай олади-ми? Бундан кўзланган асосий мақсад нима?

— Фармон билан қоракўлчиликни янада ривожлантиришга кенг имкониятлар берилмоқда, — дейди **Қоракўлчилик уюшмаси раиси маслаҳатчиси Мухтор Ҳакимов**. — Фармон лойиҳасини тайёрлашда ҳудудлардаги чўпонлар, қоракўлчиликка ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари ва уюшма мутахассислари фикрларига таянилди, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилди. Берилган тақлифлар эса янги ҳужжатда ўз аксини топди.

Янгилиги нимада?

— Қоракўл қўйларида олинадиган тери қадимдан жуда қадрланган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Хаитов**. — Мамлакатимизда пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларининг мавжуд салоҳиятини ҳар томонлама ишга солиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг рентабеллигини ошириш учун қулай шароитлар яратиш орқали ушбу соҳаларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бироқ ҳозирги давр тармоқлардаги инфратузилма ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, насл

Республикаимиз бўйлаб 8,1 млн. гектар яйлов ажратилган бўлса, шундан 3,9 млн. гектарида ҳосилдорлик пасайган.

Салкам 3 миллион гектарда эса ҳосилдорлик деярли йўқ. 3 млн. гектар яйловда чорвани суғориш имкони мавжуд эмас.

кўрсаткичларини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ишлар қўламини янада кенгайтиришни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони бу борада муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Негаки, унга мувофиқ, 2021 йил 1 июлга қадар республиканинг яйловларга эга барча



«Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан 26 минг киши тақдирланади.

КЛАСТЕРИ: мақбул ечим

Худудларида озуқа базасини яратган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш назарда тутилди. Шунингдек, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қорақўлчилик кластерлари ташкил қилинадиган бўлди. Эндиликда кластерларга

қорақўл зотли қўйларни боқишга мўлжалланган, шу жумладан, ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижарага берилади.

Аҳамиятлиси, 2021 йил 1 январдан кластерларга худудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш учун



Дарвоқе...

Афғонистон, Жанубий Африка Республикасида қорақўл зотли қўйларнинг урғочилари 45-55 кг., қўчқорлари эса 85-90 кг. гўшт беради ва уларнинг териси маҳаллий териларга нисбатан 1,5-2 барабар катта.

120 миллион сўмгача миқдорда субсидиялар бериш тартиби қўлланилади.

Бундан ташқари, фармонда республика «Қорақўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шарти билан Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида субсидиялар ажратилиши ҳам кўзда тутилган.

Муаммоларга ечим топиладими?

— Фармон билан пиллачилик соҳасидаги муаммоларнинг илмий ечимларини топишга ҳам эътибор қаратилди, — дейди **Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори Шухрат Абдулазизов**. — «Ўзипаксаноат» уюшмаси хузурида Ипакчилик соҳасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш белгиланди. Жамғарма экспортдан тушадиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади. У эса соҳа-

нинг илмий салоҳиятини ривожлантириш учун босқичма-босқич йўналтирилади. Мақсад, ишлаб чиқарувчилар ва илмий тадқиқотчиларнинг ўзаро ҳамкорлигида йўналишдаги муаммоларга самарали ечимларни топишдир.

Сирасини айтганда, пиллачилик ва қорақўлчилик кластерлари хомашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишни таъминлайди. Бу мамлакат иқтисодиёти учун ҳар жиҳатдан фойда келтиради: янги иш ўринлари яратилади. Пировардида аҳолининг турмуш фаровонлиги янада ортади.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Бугунги кунда 1 та қўйдан бор-йўғи 1,5 кг жун олинади ва унга 2,5 минг сўм сарфланиб, олинган жун сараланмаганлиги учун килограмми минг сўмгача баҳоланиб сотилмоқда, аксарият ҳолларда эса сотилмай қолиб кетмоқда.

Мисол учун, тармоқдаги хўжаликларда 500 тоннадан ортиқ қорақўл жуни сотилмасдан йиғилиб қолган

10 СОТИХДАН 100 МИЛЛИОН СЎМ...



Қўшработ туманида 18 мингдан кўпроқ томорқа эгалари 4 минг гектарга яқин ер майдонида меҳнат қилиб, рўзгорини бутламоқда. Хусусан, «Оқтепа» маҳалласида яшовчи Улуғхон Бегматов шундай омилкор томорқачилардан бири.

— 12 сотих томорқамиздан 10 сотихи узумзор, — дейди **У. Бегматов**. — Икки сотихида сабзавот маҳсулотлари етиштирамиз. Йиллик даромадимиз 100 миллион сўмдан кам бўлмайди. Карантин пайтида уйда фарзандларим билан бирга меҳнат қиляпмиз. Янги ток кўчатлари экдик. Қатор ораларида ҳозирча полиз экинлари экиб турамиз.

Яқин вақтгача оқтепаликлар томорқасида фақат узум етиштириб, чорвачилик билан шуғулланган бўлса, сўнгги йилларда иссиқхона ташкил қилиб, ҳовлисининг бир четида қуёнчилик ва паррандачилик билан ҳам машғул.

— Ҳаётдан нолимайман, — дейди **Анорбой Ҳасанов**. — Оиламизда 8 кишимиз. Меҳнат қилмасдан ма-

ҳалладан ёрдам сўраб турсак, бир марта берилар, икки марта берилар, бошқа пайт-чи? 10 сотих томорқамизнинг 6 сотихига картошка экканмиз, 1,5 сотихида иссиқхона, қолган ерда бошқа керакли маҳсулотлар етиштирамиз. 80 бошдан зиёд қуён боқамиз, 100 дан ортиқ товуғимиз бор. Шундан рўзгоримиз обод.


Оқтепада кичик томорқадан яхши даромад қилиб, катта рўзгорни тебратаетганлар кўпчилигини ташкил этади. Бунинг учун улардан кўп нарса талаб қилинмайди — ҳар бир қарич ернинг ва ҳар дақиқанинг қадрига етадилар, холос.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»



ОТБ ва ЮНИСЕФ Ўзбекистонга 952 минг долларлик тиббий воситаларни етказиб берди.

ЭСКИЛИККА АЙЛАНМАСДАН муаммолар гирдобидида қолган тизим?



БИРИНЧИ ҲОЛАТ. Илҳом машинасидан телефонини ўғирлатиб қўйди. Уни топиш мақсадида Чилонзор тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Шунда масъуллардан бири йўқолган телефонларни топиш ваколати ички ишлар органларидан олиб қўйилганини айтди. Илҳом эса бошини қаерга уришию дардини кимга айтишини билмай қолди.

Мурожаатдан сўнг, вазиятга ойдинлик киритиш учун масъулларга юзланганимизда, фуқаро телефонини ўғирлатганда ёки эҳтиётсизлик сабаб олдириб қўйган тақдирда ички ишлар бўлимига бу ҳақда ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини билдиришди. Илҳомнинг вазияти ҳақида маълум қилганимизда, унинг мурожаати ҳам кўриб чиқирилиши айтишди.

Аслида, ҳар қандай чалкашлик кишининг ўз ваколатлари ва вазифаларини тўғри тушуниб етмаслиги оқибатида келиб чиқади. Юқоридаги ҳолатга биз ҳам айни шундай баҳо бердик.

Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Эсингизда бўлса телефон қурилмаларимиз IMEI кодларини рўйхатдан ўтказганимизга ҳали кўп бўлмади. Ҳайратланарлиси, қурилма тизимга уланган бўлса, уни топиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни безовта қилиш шартми? Ўғирланган телефонни қидириш ва топиш амалиётида бирон ўзгариш ясалмас экан, унда янги тизимни жорий қилишдан муддао не бўлган?

ИККИНЧИ ҲОЛАТ. Ҳамкасбим планшетининг IMEI кодини рўйхатдан ўтказишга бир ҳафтадан буён уринаётгани, бироқ сўрови текширувдан

IMEI ro'yxatdan o'tkazish uchun tasdiqlash kodi: 033. Ushbu kodni uchinchi shaxslarga ma'lum qilmang.

Hurmatli mijoz! 02.08.2020 sanasidagi 2009-raqamli arizangiz tekshiruvdan o'tmadi. IMEI kodlar ro'yxati: 3518-raqamli 43. 6 oy ichida chegara kesib o'tish kuzatilmagan.

ўтмаётганини айтди. Ҳар гал 1170 рақамидан қурилма 6 ойдан буён чегарадан ўтмагани ҳақида жавоб келаётган экан.

Ҳақли савол туғилади: ҳамкасбим ўз планшетидан фойдаланиш учун чет элга чиқиб келиши керакми шунда? Наҳот белгиланган сумма тўланса-да, киши ўз буюмининг IMEI кодини ололмаса?

Аслида, қурилмаларни IMEI кодини рўйхатдан ўтказишдан кўзланган мақсад нима эди?

Мақсад нима эди?

Мақсад – мобиль қурилмалардаги ўзига хос идентификация кодлари тўғрилигини текшириш, мулкдорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, аппаратлардан уларнинг эгаларини огоҳлантирмасдан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймаслик ва сифатсиз қурилмалар сотилишининг олдини олиш эди.

Шунингдек, мобиль қурилмалар нолегал олиб кирилишини қисқартириш ва божхонада расмийлаштирилмаган товарни аниқлаш имконини бериши назарда тутганди.

Бироқ юқоридаги икки ҳолат янги тизимнинг амалдаги ҳаракатида тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Киши кўнглига турли бўлмағур фикрлар оралайди: буюм пул ишлашнинг бир йўли бўлгандир балки...

Тизимнинг тизимидан миси чиқди?

Сўнгги пайтларда шу код атрофидаги маш-машалар болалади.

Хориждан келаётган ҳамюртларимиз ҳам телефонларини рўйхатдан ўтказишда турли муаммоларга дуч келаётганини айтишди. Вазиятга масъуллар қандай изоҳ беради?

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасининг маълум қилишича, хорижий давлатлардан мамлакатимизга келаётган фуқароларнинг шахсга доир маълумотларидан учинчи шахслар томонидан ноқонуний равишда фойдаланилиб, уларнинг маълумотлари асосида «UZIMEI» мобиль қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш тизими орқали келиб чиқиши маълум бўлмаган уяли алоқа воситалари рўйхатга қўйилаётгани ҳақидаги мурожаатлар сони ортиб бормоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шахсга доир маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонуни билан ҳи-

мояланган. Фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини қонунга ҳилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46²-моддасига асосан, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ўша ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса ёхуд оғир оқибатларга сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 141²-моддасига асосан, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бошқарма телефонларининг IMEI кодлари билан боғлиқ муаммолар юзага келса, яшаш манзиллари бўйича ички ишлар органларига мурожаат қилишини тавсия этмоқда.

Ишонч телефони ишга тушди

Ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарларда фуқароларимиз хориждан олиб кирган шахсий мобиль қурилмалари кодини Uz IMEI тизимидан рўйхатдан ўтказиш вақтида уларнинг номига бошқа мобиль қурилмаларни уларнинг хабарисиз расмийлаштирилгани, бунда паспорт маълумотлари учинчи шахсларга турли хизмат

ходимлари томонидан тақдим этилган бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилганди.

Давлат божхона қўмитаси вазиятга аниқлик киритди.

— Текшириш натижаларига кўра шахсларга доир маълумотларни йиғиб, сақлаб, улардан ғаразли ниятларда фойдаланиб келаётган жиноий гуруҳ фаолияти фош этилди, — дейди Божхона қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Нурбек Саломов. — Ўрганишлардан О.А. шериклари М.Б. ва Т.Р.лар билан тузган ўзаро жиноий режага кўра қўшни давлатларга ўтиб, у ерда юртимизга кириб келаётган Ўзбекистон фуқароларининг паспорт маълумотларини телефон ёрдамида расмга тушириб, «Телеграм» мессенжери орқали юбориб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган мобил қурилмаларни Uz IMEI тизими орқали ушбу фуқаролар номига рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланиб келгани маълум бўлди. Биргина фуқаро Б.М.нинг уяли алоқа воситаси кўздан кечирилганда, телефон хотирасида Ўзбекистон фуқароларининг 200 га яқин паспорт расмлари борлиги, у ушбу паспорт маълумотларни йиғиб, жиноий шериги О.А.га етказиб бергани учун ҳар бирига 5 АҚШ доллардан ҳақ олгани ойдинлашди. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 141²-моддасининг 2-қисми «а» ва «в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов органига юборилди.

Бу каби ҳолатларга дуч келган фуқароларимиздан қўмитанинг ишонч телефони 11-08 рақамига мурожаат қилишини сўраймиз.

Қизиғи, бир тизим атрофида бўлаётган бу ғиди-бидиларга негадир энг муҳим унитар корхона қўшилмаяпти, муносабат билдирмаяпти.

Ҳурматли масъулларнинг тизимга оид саволларга жавоб беришни чўзганлари билан ҳеч нарса ўзгармайди. Яхшиси, сан-сол, ман-солни йиғиштириб, вазифасига масъулият билан ёндошиши лозим. Шунда деди-дедилар кўпаймайди, аҳоли турли гумонга бормайди.

Рисолат МАХСУМОВА

Дарвоқе...

IMEI (ингл. International Mobile Equipment Identity – мобиль қурилманинг халқаро идентификатори) – одатда, 15 та рақамдан иборат бўлган, аппаратнинг ўзида (клавиатурада *#06# терилганда экранда кўринади), аккумулятор батареяси остида, ўрамида ва кафолат талонида кўрсатиладиган ноёб рақам. GSM, WCDMA ва IDEN тармоқлари уяли алоқа телефонлари, планшетлар ва айрим йўлдош алоқа телефонларида IMEI кодлари қўлланилади.

Самарқанд ва Львов ўртасида авиақатновларни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Фарғона вилоятидаги 54 та маҳалла фуқаролар йиғинида давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Иккита маҳалла фуқаролар йиғини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қуриляпти. Ўз биносига эга бўлмаган 141 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 119 тасини бино билан таъминлаш учун шаҳар ва туман ҳокимларининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ШАРОИТ БЎЛМАГАН ЖОЙДА тараққиёт, ривожланиш бўлмайди



Бир қараганда, ҳамма иш рисоладагидек. Лекин хануз эътибордан четда, кўздан йироқ маҳалла фуқаролар йиғинлари борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Биргина **Фарғона туманида** ўз биносига эга бўлмаган 19 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Уларнинг 10 таси корхона ва ташкилот ҳамда хусусий тадбиркорлар биносига жойлашган бўлса, 6 та маҳалла фуқаролар йиғини қўшни маҳалла биноларида фаолият юритиб келяпти. 3 та фуқаролар йиғини эса таълим ва тиббиёт муассасаларига жойлаштирилган.

Тумандаги «Мозортаги» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бугунги ҳолат кишини таажжубга солади, ҳайратини оширади. Йиғиндаги ҳақиқий манзара билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур ҳудудда бўлдик.

Каталакдек бир хонада ижарада «жон» сақлаётган маҳалла фуқаролар йиғинида оёқ қўйгани жой топилмайди. Битта фуқаро келса, бошқа бири эшик олдида навбат кутиб туришга мажбур. Тор хона, тўртта штат бирлиги ишлаётган масъуллар учун иккита стол-стул, 1 та компьютердан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Маҳалламиздаги мавжуд ҳолатдан тумандаги масъуллар хабардор, — дейди **«Мозортаги» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Малоҳат Мелибоева**. — Масаланинг амалий ечимлари хусусида мутасаддиларга кўп бор мурожаат қилганмиз. Улар йиғин биносини қуриш учун жой йўқлигини важ қилишади, холос. Раисимиз кўчадан келмайди, профилактика нозири кўшни «Аввал» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтиради. Кейинги йилларда ҳудудимизда жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар 3 тага ошди. Чунки маҳаллада ёшлар, ота-оналар билан учрашиб суҳбат ўтказиш, тарғибот ишларини олиб бориш учун имкониятимиз йўқ. Бирон-бир тадбир ўтказишдан олдин жой ҳозирлиги учун елиб-югураемиз, ундан-бундан илтимос қиламиз.

Уч минг нафарга яқин аҳоли яшаётган кўҳна маҳаллага янги фуқаролар йиғини раиси ва оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари сайланганига уч кун бўлгандан хабар тоғдик. Энди «улоқ» янги

раисга ўтибди. У ҳам қаердан, қандай қилиб қулай ва муқим жой ҳозирлигини кўриш билан андармон.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади? Қулай иш шароити, моддий-техника базасига эга бўлмаган маҳалла фаолларидан нима талаб қилиш мумкин? Ахир, шароит бўлмаган жойда тараққиёт, ривожланиш бўлмайди.

«Жон ҳовучлаб ўтирибмиз»

«Барқарор—ҳамжихатлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги собиқ

машина трактор паркидаги икки хонали, таъмирталаб бинода жойлашган. Қулай шарт-шароитларга эга бўлмаган йиғин биноси тадбиркор ихтиёрида. Шу боис бинони бўшатиб беришни қонуний тарзда талаб қилмоқда. Маҳалланинг борарга жойи йўқ.

— Тадбиркорнинг қош-қовоғига қараб, жон ҳовучлаб ўтираемиз, — дейди **фуқаролар йиғини раиси Маъмуржон Ҳожиматов**. — Энди бу ердан кўчишимизни талаб қилмоқда, бироқ қаерга боришни билмаймиз. Моддий-техника таъминотини гапирмасак ҳам бўлади. Таъмирталаб хоналар, эски стол-стулларда ишлаб кун ўтказяпмиз. Маҳалламизда давлат-хусусий шерикчилик асосида бино қуриш истагида бўлган тадбиркорлар бор. Аммо қурилиш учун жой йўқ. Шу боис 2010 йилда фуқаро Сухроб Сулаймонов номига берилган ер майдони ҳақидаги ҳоким қарорини бекор қилиш ва ташаббускор тадбиркор ихтиёрига қайта расмийлаштириш хусусида туман ҳокимига мурожаат қилганмиз. Лекин масалага қонуний ечим топилмаяпти. Ер эгаси мана, ўн йилдан буён ҳеч қандай қурилиш, ободончилик ишларини амалга оширгани йўқ.

Маҳалла марказидаги ҳайхотдек ер майдони бир неча йилдирки, қаровсиз. Атрофини бегона ўт-ўлан қоплаган, шағал ва чиқиндилар уюми дилни хуфтон қилади.

Муаммолар ечими эътиборда...(ми?)

— Туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига бўш турган биноларни бириктириб бериш ҳамда туман захирасидан ер майдонлари ажратиш хусусида ҳоким қарори қабул қилинган, — дейди **Фарғона тумани маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўлими етакчи мутахассиси Ҳожиакбар Уланбоев**. — Айни кунда «Обод», «Қора янтоқ», «Қўрғонтепа», «Майдон» маҳалла фуқаролар

йиғинлари жойлашган давлат мулк объектлари бўлган бинолар маҳалла ихтиёрига ўтказиб берилди. «Оқ олтин», «Тинчлик», «Ўрта шўра» «Тошқўрғоназиз», «Гулпиён» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун ҳудуддаги бўш турган бинолар ажратилди. Шунингдек, «Хонқиз», «Хуршиди тобон» маҳалла фуқаролар йиғинларида давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий бинолар қурилиши якунланмоқда.

Бошпанасиз маҳалла фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш борасида бошланган амалий



ишлар мавжуд муаммолар ечимида кўл келаётганидан кўпчилик хурсанд. Лекин бошланган ишлар ҳали поёнига етгани йўқ. Хусусан, тумандаги 76 та маҳалла фуқаролар йиғинининг деярли ярмида ер-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи кадастр ҳужжатлари йўқ. Аксарият маҳалла фуқаролар йиғинлари интернет тармоғига уланмаган. «Вазие», «Юксалиш», «Чекшўра», «Кўриқ», «Хуроба», «Фарғона» маҳалла фуқаролар йиғинларида оддий компьютерлар ҳам етишмайди.

Сирасини айтганда, йиллар давомида эътибордан четда қолган маҳалла ҳаёти учун муқим бўлган масалалар ечими ижроси доирасида амалга оширилган ютуқлар соясида қолаётган маҳаллалар борлигини унутмаслигимиз керак.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

(Муаллиф олган суратлар).

Дарвоқе...

Фарғона туманида 3 та маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ реконструкция қилинди, 53 таси жорий таъмирланди.

Қорақалпоғистон Республикасида бир кунда 10 та оилавий меҳмон уйи очилди.

МАКТАБ ТАЪЛИМИДА ҚАНДАЙ

Коронавирус пандемияси мактабларда масофавий таълим тизимидан кенг фойдаланишни қатъий талабга айлантирди. Аслида бу вақтинчалик чора эмас, таълим соҳаси ривожланиши жараёнида юзага келадиган ўқитиш усулидир. Бошланган янги ўқув йилида таълим жараёни янги шакл ва мазмунда ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, бу борада ўтган ўқув йили охирида орттирилган озроқ тажриба бор. Лекин у олдиндан режалаштирилмаган, узоқ муддатга мўлжалланмаган ишлар эди. Шу боис бир қатор камчиликлар кузатилганди. Мисол учун, интер-

бошланади. Масофавий шаклда таълим олаётган ўқувчилар шу лойиҳа доирасида ташкил этиладиган машғулотларда қатнашиши мумкин. Бунда мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси масофавий таълимдаги ўқувчиларнинг



нет алоқаси сифатсизлиги туфайли катта ёшли ўқитувчи аёлнинг уй томига чиқиб масофавий дарс машғулоти олиб бораётгани акс этган видеотасвирга ижтимоий тармоқларда кўзимиз тушган.

Тўғри, бу йил мактабларда таълим икки хил шаклда — анъанавий ва онлайн тарзда олиб борилишини кўзда тутсак, масалага унчалар жиддий ёндашиш шарт эмасдек туюлади. Ҳар ҳолда масофавий таълим ўқувчиларнинг маълум бир қисмини қамраб олади-да. Аммо пандемия ҳали-бери тугамаслигини инобатга олсак, карантин билан боғлиқ вазият эртага нима бўлиши номаълум. Ўқувчилар муайян муддат тўлиқ масофавий таълимга қайтиши ҳам мумкин. Шундай экан, бу борада ишларни қай тартибда ташкил этиш режалаштирилган? Ушбу соҳада педагогик технологиялар ва техник имкониятлар талабга жавоб берадими?

Телевизион дарслар энг малакали педагоглар иштирокида тасвирга олинмоқда

— Жорий ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилиб, пандемия шароитида таълим жараёни ташкил этишнинг ҳар бир жиҳати ҳисобга олинди, — дейди **Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Лайло Рустамова**. — Хусусан, «Онлайн мактаб» телевизион дарслари жорий йилнинг 14 сентябрдан эфирга узатила

кундалик давоматини юритиш, «Онлайн мактаб» лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган дарсларда бериладиган вазифаларни текшириб, бажарилишини назорат қилиб боришдир.

Тартиб-қоидага кўра, гибрид усулдаги таълим шаклида ўқитувчи ҳам мактабдаги, ҳам уйдаги ўқувчига дарс ўтиб бермайди.

Таъкидлаш жоизки, 18 августдан 1-11-синфлар учун телевизион дарсларни тасвирга олиш ишлари бошлаб юборилган. Онлайн дарсларни тасвирга олиш ишларига республикамизнинг 117 нафар энг малакали педагоглари жалб этилган. Бундан ташқари, ушбу дарслар устида 8 нафар сурдо-таржи-

мон ҳамда 15 нафар муҳаррир ишламоқда.

9 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилди

Чекка ҳудудларда уяли алоқа сифати ва интернет тезлиги анча паст даражада экани ҳеч кимга сир эмас. Онлайн машғулотларни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни ушбу замонавий имкониятларсиз тасаввур қилиш мушкул. Ҳўш, янги ўқув йилида қишлоқ ўқитувчилари учун яна асаббозарликлар бошланмайдими?

— Юртимиздаги 10 мингга яқин халқ таълими муассасаларида оптик толали алоқа линиялари қурилади, масофавий таълим учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида алоҳида имтиёзли «Мактаб» тариф режаси ишлаб чиқилади, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги матбуот котиби Шерзод Аҳматов**. — Маълумки, карантин режими эълон қилинган вақтдан бошлаб ўқувчиларга уйда фанларни бемалол ўзлаштириши учун барча маҳаллий тармоқ ва мобиль операторлари томонидан таълим

МАГИСТРАЛ ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎТКАЗУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИ ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИ ДАРАЖАСИДА 2 БАРОБАР, ТУМАН МАРКАЗЛАРИГАЧА ЭСА 4 БАРОБАР ОШИРИЛГАНИ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН ЯНАДА КЕНГРОҚ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ.

ахборот-ресурслари жойлаштирилган веб-сайтларга бепул кириш таъминланди.

Масофавий таълим беришда устоз ва мураббийлар учун мобиль алоқа хизматларидан қулай шартларда фойдаланиш учун махсус «Таълим» тариф режаси жорий этилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу тариф режасига янада кўпроқ қулайликлар киритилмоқда. Шу мақсадда алоҳида имтиёзли «Мактаб» тариф режаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, йил бошидан бугунги кунга қадар интернет тармоғига кенг полосали ураниш имкониятларни кенгайтириш мақсадида 9 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилди. Уларнинг асосий қисми ижтимоий соҳа объектлари учун ташкил этилди. Магистрал телекоммуникация тармоқларининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказлари даражасида 2 баробар, туман марказларига эса 4 баробар оширилгани фойдаланувчилар учун янада кенгроқ имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, мобиль алоқа хизматлари қамровини кенгайтириш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 1 минг 375 та қўшимча янги мобиль алоқа база станцияси ўрнатилди ва 3000 дан ортиқ мавжуд база станциялари юқори тезликдаги интернет технологиялари асосида модернизация қилинди.



Мактаблар очилиши бўйича қарорни фақат маҳаллий кенгаш депутатлари қабул қилади.

ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Йил якунига қадар яна 4 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилади ва 800 дан ортиқ қўшимча янги база станциялари ўрнатилади.

Янги ўқув йили жиддий ислохотлар босқичи бўлади, қачонки...

Албатта, онлайн дарслар ташкил этиш ва ахборот технологияларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ва амалга оширилаётган ишлар масофавий таълимнинг сифатли йўлга

даги оптик толали алоқа линиялари ўрнатилиб, интернетга уланиш имкониятлари кенгайтирилиши нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки барча аҳоли учун ҳам катта қулайликдир. Шунинг баробарида онлайн таълим ҳақида сўз юритилар экан, олис ҳудудларда электр энергияси муаммосини ҳал этиш бўйича жиддий чора-тадбирлар кўриш ҳақида бош қотириш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, мазкур ўқув йили ва унда амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар



қўйилишида асосий омиллар саналади. Аммо шуниси борки, чекка ҳудудларда учраб турадиган электр энергияси таъминотидаги муаммолар замонавий ўқув машғулотидаги жиддий халал бериши турган гап. Айтайлик, ток ўчиб қолса, телевизион дарсларни томоша қилиш ҳам, интернетдан фойдаланиш ҳам имконсиз ҳолатга айланади. Қолаверса, кечки пайтда ўқувчилар берилган вазифаларни қандай бажаришади?! Айниқса, қиш фаслида қишлоқларда электр энергиясидаги узиллишлар тез-тез такрорланади.

Демоқчимизки, катта узунлик-

таълим соҳасига замонавий ёндашувларнинг муваффақиятли олиб кирилишида катта тажриба босқичини бажариши мумкин. Гап фақат электр энергиясида эмас. Педагогларнинг масъулияти ва бошқа жиҳатларда ҳам камчиликка йўл қўйилмаслиги керак. Акс ҳолда, нафақат илғор таълим услубларини жорий этишда ютуқларимиз кам бўлади, балки халқ таълими соҳасида эришган даражамиз бой берилиши эҳтимолдан холи эмас.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Дарвоқе...

6 ой танаффусдан сўнг 329 та мактаб ўз фаолиятини бошлади

Ўзбекистонда илк бор коронавирус инфекцияси аниқланганидан сўнг, 16 мартдан бошлаб, анъанавий таълим жараёнлари вақтинчалик тўхтатилиб, болалар уй шароитида онлайн таҳсил олишни бошлаган эди. Бугундан бошлаб 329та мактабда синов тариқасида таълим жараёнлари бошланди.

Санитария хизмати марказлари 5 сентябрга қадар мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтказди, бундай тренинглар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли қарор санитария эпидемиология ва осойишталик марказининг ҳулосаси асосида маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва туман ҳокимлигида «Mehr ko'zda» лойиҳаси тақдироти ўтказилди.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЯНГИ ЛОЙИҲА: «МЕНР КО'ZDA»

Тадбирда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур нодавлат нотижорат ташкилот фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Эндиликда ташкилот пойтахтимизнинг Бектемир, Юнусобод, Яккасарой ва Яшнобод туманларидаги 40 та маҳаллада истиқомат қилаётган ишсиз, турмуш шароити

ти оғир хотин-қизлар, ёшлар ва фуқароларга ҳуқуқий, психологик, тиббий, ижтимоий ва бизнес йўналишда маслаҳатлар бериши маълум қилинди. Мутахассисларнинг тавсиялари оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ҳаётга бўлган муҳаббатини оширишга хизмат қилади.

Носир ҲАЙДАРОВ
«Mahalla»

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

«МАҲАЛЛАДА ФУТБОЛ» МУСОБАҚАСИ СТАРТ ОЛДИ

Айни кунларда республикаимиз ҳудудларида «Маҳаллада футбол»-мусобақалари ташкил этилмоқда.

Хусусан, Фарғона вилоятида 13-14 ёшлилар ўрта-сидаги беллашувлар юқори савияда ўтказилляпти.

— Ҳар бир мусобақа карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда, — дейди Фарғона вилояти футбол Ассоциацияси биринчи вице-президенти Носир Отақўзиев. — Чунончи, Марғилон шаҳрида «Футболимиз келажиги» мусобақаси мурасасиз кечди. «Маҳаллада футбол» беллашувларида эса ҳар бир жамоа ўйинларга қизгин тайёргарлик кўргани ойдинлашди. Бу вилоятимизда футболга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини кўрсатади. Қолаверса, баҳсларнинг кескин



ва мурасасиз тарзда ўтаётгани ёшларимиз орасида иқтидорли футболчилар камол топаётганидан далолат беради.

Соғлом рақобат руҳида ўтаётган спорт ўйинлари давом этяпти.

Саъдулла ТУРСУНОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ САМАРА БЕРДИМИ?

Тошкент тумани маркази Келес шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Меҳнат ярмаркасида тумандаги 45 та корхона ва ташкилот 1 минг 114 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада иштирок этган 350 нафардан зиёд фуқаронинг 280 нафари ёшлардир. Тадбир доирасида жами 255 нафар фуқарога маслаҳатлар берилган бўлса, 65 нафарига ишга киришга, 2 нафарига касбга ўқитиш марказига ва 15 нафари жамоат ишларида ишлайдиган бўлишди. Шунингдек, 5 нафар фуқарога кредит олишга тавсия берилиб, банкларга йўналтирилди.



Мафтуна ҲАКИМЖОНОВА,
ЎзЖОКУ талабаси.



Қурилишдаги сифатнинг электрон
назорати жорий этилмоқда.



ИМТИҲОНЛАР

Шубҳалар қанчалик асосли?

Шу боис ҳам, ижтимоий тармоқларда тест синовлари топшириш жойларида учраётган тартибқоидаларга зид ҳолатлар суратлари ёки видеолари қўйилиб, қизгин муҳокама қилинмоқда, масъулларга қарата таъна-дашномлар айтилмоқда. Мисол учун, айрим ҳолатларда бўш қолдирилган ёки бир нечта вариант бўялган жавобларни тўғри деб ҳисоблаб, балл берилаётгани танқид қилинди.

Дарҳақиқат, бу каби ҳолатлар ўтган йили ҳам кузатилганди. Шунинг учун, ДТМдаги тест жавобларини текширувчи қурилмалар мукамал ишламаяпти, деган шубҳалар пайдо бўлди. Ёки имтиҳон пайтида телефон ёки шпаргалкадан фойдаланилаётгани акс этган тасвирлар назорат бироз суғ эмасмикан, деган гумон уйғотади.

Хўш, тест имтиҳонлари жараёнида содир бўлаётган қоидабузарликлар қай тариқа юзага келмоқда ва бундай ҳолатларга қарши қандай курашилмоқда?

Жараён етарли назорат остида

— Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига қабул бўйича тест имтиҳонлари тўлиқ қонун талаблари асосида ўтишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда, — дейди Давлат тест маркази директори ўринбосари Сардор Ражабов. — Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тест синовлари жараёнида видеокузатувлар орқали абитуриентнинг тар-



ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИНИНГ ШАФФОФ ВА АДОЛАТЛИ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛИШИ УЧУН КЎПЛАБ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН.

тиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса, абитуриент тест синовлари жараёнидан четлаштирилади ва натижалари чиқарилмаслигига асос бўлади. Афсуски, баъзида шундай ҳолатларга дуч келинган ва уларга нисбатан қонуний асосда чоралар кўриляпти. Мисол учун, 8 сентябрь куни 1-сменада 55 минг 317 нафар абитуриент иштирок этган бўлса, имтиҳонга телефон олиб киришга уринган 33, шпаргалкадан фойдаланмоқчи бўлган 3 нафар абитуриент тестдан четлаштирилди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида 2 нафар сохта абитуриент аниқланган. Яна 51 нафар абитуриент тест жараёнларидан турли қоидабузарликлар учун чиқариб юборилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, бу каби ҳолатларга қарши етарли назорат йўлга қўйилган.

Ижтимоий тармоқларга чиққан «қаҳрамон»ларга чора кўрилдими?

Тест синовларининг илк кунда ижтимоий тармоқларда абитуриентнинг тест синовиди

телефондан фойдаланаётгани акс этган видео тарқалди. Мазкур ҳолат Давлат тест маркази томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ўрганилганда, у Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри марказий стадионида бўлиб ўтаётган тест синовларидан олинган маълум бўлди. Ушбу абитуриентга тегишли тарзда чора кўрилди.

2 сентябрь ва 3 сентябрь кунларидаги тест синовлари жараёнида тест топшириқларининг расмга олинганлиги ва интернет нашрларида эълон қилинганлик ҳолатлари бўйича ҳам текширув ўтказилди. Текширув давомида расми кўрсатилган тест топшириқлари китоблари жорий ўқув йилига тегишли эканлиги ва ушбу саволлар китоблари компьютер тақсимотига кўра, қайси манзиллардаги нечанчи гуруҳларга юборилгани маълум бўлди. Тезкор ҳаракат асосида ҳолатни амалга оширган абитуриентларнинг барчаси аниқланган ва уларнинг уч нафари жараён давомида, бир нафари жараёндан кейин четлатилган.

Жавоби бўялмаган саволга нима учун балл берилган?

ДТМнинг изоҳ беришича, бўялмаган ёки барча муқобил жавоб доирачалари бўялган бўлса-да, балл берилган ҳолатда ҳеч қандай қонун бузилиши аниқланмади. Бунда абитуриент



МЕНДА САВОЛ БОР...

Тест имтиҳонлари қачон якунланади?

— Юртимиз олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест қачон якунига етади?

Отабек Мўминов.
Самарқанд вилояти.

Барно РАЖАБОВ,
ДТМ бош бошқарма бошлиғи:

— Республика бўйлаб 13 сентябрда ҳамма имтиҳонлар тугатилиши режалаштирилган. Айрим ҳудудларда барвақтроқ тугайди. Масалан, Фарғонада 11 сентябрь куни 1-сменада тест синовлари тугатилади.

Аммо ҳарорати кўтарилган абитуриентлар учун об-ҳаво яхши бўлиб турса, тахминан 17 сентябрь куни тест ўтказилади. Шундан сўнг ҳисобланганда бир ҳафта муддатда, яъни 24 сентябрда абитуриентларнинг ўқишга кирган-кирмагани ҳақидаги маълумотлар эълон қилинади.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» тугатилади.

АДОЛАТЛИ ЎТЯПТИМИ?

◀ томонидан расмда кўриниб турган саволларга нисбатан эътироз билдирилган ва унга мос доирача бўялмасдан қолдирилган. Эътирозни ўрганиш натижасида абитуриентнинг эътирози асосли топилиб, унга балл берилган. Таъкидлаш керакки, шундан сўнг эътирозли деб топилган шу савол қайси тест топшириқлари китобларида тушган бўлса, барчасига балл берилган. Тегишли доирача бўялмаган ёки ўша саволнинг барча доиралари бўялган бўлса ҳам.

Нега изох беришга шошилишмаяпти?

Қизиқ томони, Давлат тест маркази бунга ўхшаш ҳолатлар ҳақида ўз вақтида изохлар беришга шошилмагандир. Ваҳоланки, ДТМ ўтган йили жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйишда анча фаол ишлаганди. Эътирозли вазиятларга тез муддат ичида расмий изох берилар эди. Жорий йилда эса бло-



герларнинг танқидий фикрларидан сўнггина айрим тушунарсиз ҳолатлар ҳақида баёнот берилди. Айни пайтда эса тест имтиҳонлари билан боғлиқ барча вазиятлардан одамларни хабардор қилиб бориш қанчалар муҳимлигини тушуниш қийин эмас.

Вақтинча буюм сақлаш ҳам сердаромад «бизнес»га айланди

Юқорида имтиҳон пайтида телефон билан кўлга тушаётган абитуриентлар ҳақида сўз юритдик. Бунга баъзан уларнинг синонга кириш пайти кўлидаги буюм-нарсасини ишониб қолдириб кетадиган жой йўқлиги ҳам сабаб бўлмаяптимикин. Қизиғи, кимлардир бу вазиятдан уddaбурунлик билан фойдаланаётир. Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги маълумотга

кўра, Гулистон шаҳар марказий стадионининг кириш қисмида абитуриентлар имтиҳонга киришдан олдин телефон аппаратларини чиққунича сақлаб туриш жойи ташкиллаштирилибди. Қарангки, тестдан чиққан ҳар бир абитуриентдан телефонини қайтариб олиши учун 2 соат сақлаш харажати сифатида 10 000 сўмдан пул олинмоқда. Бу ҳолат ягона эмас, кўп жойларда учратиш мумкин. Катта сарф-харажат талаб этмайдиган бу қулайлик манфаатдор шахслар томонидан атайлаб ташкиллаштирилган туюлади.

Хулоса ўрнида

Бугунги кунда олий ўқув юрларида олиб борилаётган қабул

жараёни уч-тўрт йил олдингидан тубдан фарқ қилади. Тест имтиҳонларининг шаффоф ва адолатли тарзда ўтказилиши учун кўплаб замонавий услуб ва технологиялар жорий қилинган. Албатта, бу дегани жараён камчиликларсиз кечишини аниқлатмайди. Барибир қандайдир хатоликлар, қонунбузарликлар юз беради. Имкон қадар бундай ҳолатларни камайтириш асосий мақсадга айланиши керак. Шундагина юртимиз малакали ёш кадрлар билан бойиб, олий таълимга сарфланаётган маблағлар том маънода ўзини оқлайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Дарвоқе...

Магистратура абитуриентлари кириш имтиҳонига фақатгина ПАСПОРТ ва магистратурага кириш имтиҳонларида қатнашиш учун РУХСАТНОМА билан келишлари лозим.

Қоғоз ва ручка тест ўтказиладиган аудиторияда тайёрлаб қўйилади.

Микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, шпаргалкалар олиб кириш мумкин эмас. Шунингдек, тест ечишда ёрдам бериш, бир-бири билан гаплашиш ҳамда бошқа тест топширувчиларга халақит бериш тест синовларидан четлатишга асос бўлади.



Мавзуга оид маълумот:

Абитуриентнинг паспорти йўқолган бўлса, имтиҳонга қандай киради?

Шахсни тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, йўқолган ёки ҳужжат олиши керак бўлган абитуриентлар ўз ҳудудидаги ИИВнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (халқ тилида - паспорт стол) мурожаат қилиши керак. Масъул ташкилотлар пандемия даври бўлишига қарамасдан фаолиятини мунтазам давом эттирмоқда. Тест ўтказиш жараёнларида ИИВ ҳам масъул ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат борасидаги муаммоларни улар бартараф этишга кўмаклашади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, паспортини йўқотган абитуриентлар зудликда янги паспорт олиш учун ариза беришлари лозим. Бошқа абитуриентлар эса тест кунлари яқинлашаётгани ҳисобига шахсий ҳужжатларига эътиборлироқ бўлишлари ва эҳтиёткорликни оширишлари мақсадга мувофиқ.



Импорт қилинаётган тайёр электротехника маҳсулотларига утилизация йиғими жорий этилади.

Кейинги пайтларда коррупцияга қарши кураш, унга барҳам бериш масаласи давлат идоралари ва аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинаётган асосий мавзулардан бирига айланди. Зеро, бошқа илож ҳам йўқ. Чунки бу иллат аллақачон газак олиб, хавфли даражага келиб қолганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Муаммо юзасидан депутатлар, турли вазирлик ва идора раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ўз муносабати, таклифларини билдиришяпти.

«ВИЖДОН ДАФТАРИ» коррупцияни йўқота оладими?

Биз айна масалада **Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари Умиджон Муҳамедов**нинг фикрлари билан қизикдик.

Қанча қамамайлик, иллатни тугатиб бўлмаяпти

— Қанчалик курашилмасин, коррупция жинояти содир этилмоқда, — дейди **У.Муҳамедов**. — Биргина Департаментимиз кейинги пайтда коррупция билан боғлиқ 2 минг 335 та жиноятни фош этди. Кўпчилигимиз Европага ҳавас қиламиз, у ердаги давлат органларининг фаолиятини илғор деб биламиз. Лекин улар эришаётган ютуқларнинг асосий сабаби, мукамал қонунлар ёки ривожланган технологиялар эмас, балки инсон омилidir. Наҳотки, муайян жазо таҳдиди билангина қонунбузарликка қарши курашиш мумкин бўлса? Коррупция фақат қонунга итоаткор жамиятда ривожлана олмайди, чунки ҳар қандай «амалдор»ни ўша жамият тарбиялайди ва назорат қилади. Албатта, иллатга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланми чоралар кўришмоқда. Хусусан, ўтган даврда биргина Департаментимиз бюджет, давлат ва жамият манфаатларига 643,6 млрд. сўмлик зарар етказилиши, 620 нафар тадбиркорлик субъ-

ектларидан пора талаб қилиш, 175 ҳолатда пора эвазига ишга киритиб қўйиш ҳамда 173 ҳолатда 524,4 гектар ер майдони ажратиб беришда таъмагирлик ҳолатларини аниқлаган.

Жиноятга қўл урганларнинг 1002 нафари туман, 281 нафари вилоят ва 67 нафари республика миқёсидаги мансабдор шахсларни ташкил этади. Уларнинг 389 нафари ташкилот раҳбари, 864 нафари раҳбар ўринбосари ва бўлим бошлиғи ҳамда 1082 нафари ижрочи ходимлар ҳиссасига тўғри келади. Лекин бу чоралар мазкур иллатни йўқ қилишга етарли бўлмаяпти.

Нима қилмоқ керак?

— Вужудга келган вазиятда биз, биринчи навбатда, кадрларни эмас, балки мансабдор шахсларнинг амалидан фойдаланувчиларни «тарбиялашимиз» керак. Зеро, ҳар бир давлат хизматчиси қонун талабларини, касб одобномаси, ички тартиб-қоидаларни яхши билади ва билиши шарт. Ҳар қандай мансабдор шахс коррупциявий ҳолат, яъни қонун-қоидаларга зид илтимослар, кимгадир ён босиш, қайсидир масалани тезроқ ҳал қилиш, пул ёки бошқача манфаат кўриш таклифи ҳақида юқори турувчи раҳбариятнинг ёки ваколатли давлат органини хабардор қилиши шартлиги «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган. Лекин қонуннинг мазкур нормаси амалда тўлақонли ишляптими?

Дафтар тутмаган 5 йил мансабдор бўла олмайди

— Амалиёт коррупцияни келтириб чиқарувчи мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, уруғ-аймоқчилик ва таниш-билишчилик каби омилларни бар-тараф этиш учун ностандарт ёндашувлардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Мисол учун, давлат хизмати фаолиятининг барча соҳаларида «Виждон даф-

тари» (Илтимосларни қайд этиш китоби) институтини жорий этиш масаласини муҳокамага ташламоқчимиз. Албатта, барчада бир савол туғилади: мансабдор «илтимос»ни дафтарда қайд этмаса-чи? Ёки мурожаат мазмунини ўзгартириб ёзиб қўйса-чи? Ушбу ҳолат «сирли кўнғироқ» ёки «сирли ми-

ишини битириш учун таваккал қилмаса керак.

Мазкур талаб лавозимидан қатъи назар, барча даражадаги давлат хизматчилари учун мажбурий бўлиши керак. Дафтарда мурожаатнинг ҳар қандай тури қайд этиб борилади. Таклиф этилаётган институт илғор хорижий давлатларда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бироқ «давлат хизматчиси этикаси» кодекслари қабул қилинган бўлиб, шунга ўхшаш нормаларни тартибга солади.

Халқаро тажриба қандай?

Масалан, Сингапурда давлат хизматчиларининг коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар бериши қонун



жоз» ёрдамида назорат қилиб борилади. Яъни вақти-вақти билан «уюштирилган» кўнғироқ(мурожаат)нинг китобда қайд қилинган-қилинмагани текширилади.

Албатта, бу институтни жорий этиш қонунчиликка тегишли тузатишлар киритишни ҳам талаб этади. Бунда ходимнинг дафтар юритиш тўғрисидаги мажбурияти меҳнат (хизмат) шартномасида кўрсатилиши шарт бўлади. Ходим мурожаатни дафтарга қайд этмагани учун унга йил давомида икки маротаба имконият берилади, учинчи ҳолат уни «касбига доғ туширгани» сабабли ишдан бўшатишга ва 5 йил давомида давлат хизматида ишлай олмаслигига сабаб бўлиши лозим. Дафтарга ходим ҳар қандай илтимос ва мурожаатларни қайд этиб бориши зарур (қонуний, ноқонуний, ваколати доирасига кирадиган, кирмайдиган, маслаҳатлар ва ҳ.к.).

Мазкур амалиёт, авваламбор, давлат хизматчисини назорат ёки таъқиб қилишга эмас, балки унга кўнғироқ қиладиган қариндош, таниш-билишларни турли «илтимослар» билан мурожаат қилишдан тийиб туришга хизмат қилади. Чунки ўз яқинининг тақдирига бефарқ бўлмаган инсон ҳеч қачон

хужжатларида ҳам мустаҳкамланган, амалиётда ҳам мавжуд. Уларга ҳаттоки таннархи арзимаган майда совғаларни (сувенир, эсдалик ва ҳ.к.) олиш мумкин эмас. Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар йили даромадлар декларациясини тақдим этади, шубҳа остига олинган даромадлар юзасидан суриштирув ўтказилади.

Швецияда эса «даромадлар декларацияси» институти мавжуд эмас. Аммо солиқ хизматида барча фуқароларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд ҳамда унинг шаффофлиги таъминланган. Яъни ҳеч ким даромадидан яшириб бировга «пора» бера олмайди. Чунки даромадини нимага ва қанча ишлатгани ҳисоб-китоб қилинади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

МАЗКУР АМАЛИЁТ, АВВАЛАМБОР, ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИ НАЗОРАТ ЁКИ ТАЪҚИБ ҚИЛИШГА ЭМАС, БАЛКИ УНГА Кўнғироқ қиладиган қариндош, таниш-билишларни турли «ИЛТИМОСЛАР» БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИШДАН ТИЙИБ ТУРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Адлия вазирлиги коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлик сертификатига (37001) эга бўлди.

Собиқ шўро ҳукумати ўйлаб топган пахта сиёсати Ўзбекистон мустақилликка эришгач ҳам халқимизнинг елкасини яғир қилди. Ташкилоту муассасалар ходимлари, айниқса, шифокорлар, ўқитувчилар ўзларининг зарурий иши қолиб, мажбурий тарзда далага ҳайдалди. Юқори синф ўқувчилари кўп йиллар мактаб очилиб тўрт-беш кун ўқир-ўқимас, терим майдонларига йўл олишарди. Пахтанинг нима сабабдан барча муҳим ишлардан-да муҳим дея кўрилганини бугунги кунгача бирон-бир киши тушунтириб бера олгани йўқ. Лекин шу баҳона мамлакатимиз узоқ йиллар мажбурий меҳнат тамғасидан қутулолмагани ҳақиқат.



ПАХТА МАВСУМИ БОШЛАНДИ, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайдими?

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси туфайли вазият бутунлай бошқа томонга ўзгаргани барчага аён. Бу халқаро даражада ҳам эътироф этилаётир. Шунга қарамай, бу борада айрим камчиликларга йўл қўйилаётир, аҳамиятлиси, ушбу қонунбузилишлар яширилмай, уларни содир этганларга чоралар кўрилмоқда. Шу кунларда терим мавсуми бошланди. Хўш, бу жараёнда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик учун кўриладиган чораларда ўтган йилларга нисбатан ўсиш кузатиладими? Бу борадаги муаммолар қандай бартараф этилади?

Ҳеч бир кўнгилли ишчи шартномасиз далага чиқмайди

— Жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумини ташкил этишда муҳим ўзгариш жорий этилган, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Умрзоқов. — Янгилик шундан иборатки, ёлланма теримчилар билан тегишли шартнома тузилади, ҳеч бир кўнгилли ишчи шартномасиз далага чиқмайди. Бунинг учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида қўшма ҳужжат имзоланди ва унга асосан низом ишлаб чиқилди. Энди пахта терими мавсумига ҳашар сифатида қараш эскирди.

Бунга қандай эришилади? Албатта, моддий рағбат ва қулай шароит яратиш орқали. Иш берувчи ва ёлланма пахта терувчи ўртасида тенг ҳуқуқли муносабат белгиланган. Ёлланма ишчилар икки гуруҳга — яшаш жойидаги пахта теримида қатнашувчилар ва бошқа вилоят, туманларга бориб жараёнда иштирок этувчи теримчиларга бўлинади. Барча маълумотлар янги ташкил қилинган **terim.uz** сайтга жойлаштириб борилади. Ҳар бир гуруҳ 50-70 теримчидан иборат бўлади. «Ўз ҳудудимда пахта тераман», деганларга алоҳида молиявий муносабат, «Йўқ, бошқа узоқ вилоятга бориб тераман», дегувчиларнинг ҳар



бирига 500 минг сўмдан молиявий ёрдам берилади. Терган пахтасига эса алоҳида белгиланган нархда пул олади.

Мамлакатимизда бу йилги мавсумда асосий эътибор мажбурий меҳнатга умуман йўл қўймаслик, ихтиёрий меҳнатни рағбатлантиришга қаратилади. Хусусан, кеча эълон қилинган «2020 йил пахта ҳосилини йиғиб-териш олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига асосан, жорий мавсумда машинада терилган 1 тонна пахта учун — 920 000 сўм, қўлда терилган 1 кг пахта учун биринчи теримда — 1000 сўмдан, иккинчи теримда 1400 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперациялари ушбу нархлардан кам бўлмаган ҳолда мустақил нарх белгилашлари, пахта хомашёси учун меҳнат ва хизмат ҳақини ҳар 5 кунда, зарурат бўлганда, ҳар куни тўлаш тавсия этилди.

Бундан ташқари, бир қатор вилоят ва туманларда қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун тавсия этилган тариф ставкасига давлат бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 200 сўмдан устама ҳақ тўланади.

Тегишли ташкилот вакиллари муносиб меҳнат шароитларини яратишга эътиборни кучайтиради. Касал бўлиб қолиш, шикастланиш каби ҳолатларнинг олдини олиш

чоралари кўрилади. Пахта теримига сафарбар этилган фуқароларнинг 100 нафарига битта ҳам-шира бириктирилади. Уларнинг махсус хонаси бўлиб, барча зарур дори-дармон берилади.

Бошқа ҳудудга борадиган теримчилар учун барча шароит яратилади.

Қанча муддат пахта териш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида

Теримчилар ўзи истаган муддатта шартнома тузиши мумкин. Хоҳласа, бир ҳафта, хоҳласа, 15 кун, хоҳласа бир ой. Ҳеч ким қанчадир муддатта шартнома тузишга мажбурланмайди.

Шартномаларни расмийлаштириш жараёни маҳаллий бандлик марказлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳамда маҳалла вакиллари иштирокида амалга оширилади. Шунингдек, пахта теримига чиқишидан олдин ҳар бир ишчининг тана ҳарорати ўлчанади. Бу масала санитария-эпидемиология ходимларига топширилади.

Меҳнат ҳуқуқи бузилса, қаерга мурожаат қилинади?

Йиғим-терим жараёнида меҳнат ҳуқуқини таъминлаш қатъий эътиборда бўлади. Хусусан, болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолати, шунингдек, меҳнат ҳуқуқлари поймол этилаётган ёки иш берувчи

томонидан ваколати ва мажбуриятига кирмайдиган ишга мажбурланаётган фуқаролар вазирлик томонидан Telegram мессенжерига ишга туширилган «@mehnatuqur» боти ҳамда **dm.mehnat.uz** га мурожаат этишлари мумкин. Мурожаат қилган шахс сир сақланиши кафолатланади. Ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар ҳам таҳлилий-танқидий ўрганилади.

Кўрқитиш эмас, рағбат кўзда тутилган

Одамлар теримга жалб этиш билан боғлиқ турли босимлардан чўчиши ёки асоссиз ваъдаларга ишониб қолиши керак эмас. Мисол учун, баъзи бир ҳудудларда маҳалла ходимлари томонидан 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга моддий ёрдам пули пахта йиғим-теримида қатнашган фуқароларга берилиши ҳақида ёлгон ташвиқот, яъни «Чиксанг, мана шу ёрдам пулини чиқариб берамиз, чиқмасанг, ёрдам пулини узиб қўямиз», деб мажбурлаётган ҳолатлар кузатилаётган экан. Бу нотўғри, албатта. Бундай ҳолатларга дуч келган фуқаролар юқоридаги Telegram мессенжерига ва телефон рақамига мурожаат қилиши мумкин. Қонунчилигимизда бундай талаб белгиланмаган.

Ҳукумат қарорига кўра, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари таълим, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳамда таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларини пахта хомашёси йиғим-теримига жалб қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга чек қўйиш юзасидан шахсан масъул эканликлари белгиланди. Қолаверса, кўнгилли равишда пахта тераман деган одамларнинг ҳар бирига олдиндан 500 минг сўмдан берилади. Аҳолини мавсумга мажбурлаш эмас, моддий рағбатлантириш тизими орқали жалб этиш асосий мақсад-муддаодир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»



Пандемия шароитида мактабларга кириб-чиқиш тартиби ишлаб чиқилди.

Кашқадарё вилояти Нишон туманининг чекка қишлоғи аҳолисини анчадан буён табиий газ йўқлиги муаммоси қийнаб келарди. Шу боис Шерзод 10 йиллар аввал биогаз ишлаб чиқариш қурилмасини яратди. Уни амалиётда қўллаб ижобий натижа ҳам олди. Қўни-қўшнилариининг илтимоси билан уларга ҳам ясаб берди. Бироқ маълум вақтдан сўнг профилактика инспектори Шерзоддан бундай қурилмаларни ясаб бермаслиги ҳақида тушунтириш хати олди.



ЁШЛАР АКАДЕМИЯСИ

ёш иқтидорларга қандай кўмак беряпти?

Шундан сўнг у биогаз қурилмасидан фойдаланишни тўхтатди. Танишларининг илтимосини ҳам рад этди. Орадан 10 йил ўтди. Бироқ ушбу қурилма ҳануз аҳоли турмуши учун долзарблигини йўқотмаган. Тўғри, ҳудудга газ баллонлари олиб келина бошланди. Бироқ бу билан аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Бундан ташқари, қурилма иссиқхоналарда фойдаланиш учун ҳам ниҳоятда қулай, боз устига, ҳамёнбоп.

Ҳақли савол туғилади, Шерзоднинг ишларига ким, нима мақсадда тўсқинлик қилди? Бугун ушбу қурилмани ишлаб чиқариш ва амалиётда фойдаланиш мумкинми?

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «**Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида**»ги қонунига кўра, Шерзоднинг қурилмаси фойдали модель сифатида эътироф этилади. Бироқ у амалиётга татбиқ этилишидан аввал кўриқдан ўтказилади. Ҳар қандай қурилма қулайлик яратиш баробарида, аввало, инсонларга зиён етказмаслиги шарт.

Шерзод бу янгиликни амалиётга татбиқ этиши, ҳозиргача бирмунча даромад кўрган бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ...

Хўш, бугун вазият ўзгарганми? **Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида ташкил этилган Ёшлар академияси** бу борада бирон нарсани ўзгартира олди? Ёки академия фақат марказдагилар учун ташкил этилганми? Балки ўз йўлини топганларни қўллаб-қувватлаш ниқобидан фойдаланилаётгандир? Шу саволларнинг жавоби бизни қизиқтирди ва уларга жавоб топишга киришдик.

Академия нима учун керак?

Олим ТҲҲЧИЕВ,
Инновацион ривожланиш
вазирининг ўринбосари:



— Ёшлар академияси ташкил этилганига 1 йил бўлди. Мақсад — иқтидорли ёшларни топиш, уларга

кўмаклашиш, мамлакатимизни инновацион ривожланишга жалб этишдан иборат. Ёшлар — инновацияларни очиқ ва кенг тарғиб қилишда асосий куч. Боз устига, инновацион ривожланишда инсон капитали биринчи ўринда туради. Айни жиҳатларни эътиборга олиб, академия 4 та: ғоялар генератори, стартаплар, инновацион тадбиркорлик ва бўлажак академиклар платформасида иш олиб борапти. Бунда қайси ҳудуд ёки қандай илмий даражага эга бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ёшнинг фикрларини эшитиш, лойиҳаларини ривожлантириш мақсад қилинган.

Аввалгиларидан фарқи нимада?

Фирдавс НЕЪМАТЗОДА,
Инновацион ривожланиш
вазирлигининг Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи:



— Ёшларда ғоялар, фикрлар кўп. Уларни йўналтириш, мақсадли ҳаракатга келтириш учун академия яқин

маслақдошга айланиши лозим. Натижа қоғозда эмас, амалда ўзини

тўла кўрсатиши керак. Шу мақсадда 2 миллиард сўм қийматга эга 20 та стартап лойиҳа учун танлов эълон қилинди. Унга 570 та лойиҳа келиб тушди. Саралаш техник ва молиявий экспертизадан ўтади, энг яхши 20 та стартап молиялаштирилади. Ҳақли савол туғилади: бундай танловлар аввал ҳам бўлган, буниси улардан нимаси билан ажралиб туради? Мақсад — иқтидор эгасини аниқлаш билан кифояланиш эмас. Ғояга маблағ берилди, бўлди дегани ҳам эмас. Лойиҳани кейинчалик амалиётга татбиқ этиш, сотиш, патент олишига кўмаклашиш жараёнлари ҳам биргаликда амалга оширилади. Бозорини топишига эътибор қаратилади.

Вазирлик масъулининг изоҳи

— Инспекторнинг бунга ҳаққи йўқ, — дейди **Ф.Неъматзода**. — Шерзод таслим бўлмаслиги бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиши керак эди. Аслида мана шундай ички цензура сабаб кўплаб лойиҳалар фақат ғоя ёки жавонда битта қоғоз шаклида қолиб кетяпти. Унинг амалиётга татбиқ этилиши эса, аввало, яратувчига, унинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Чунки янгилик амалиётда қўлланилсагина, унинг камчиликлари ўрганилади. Тақомили учун тақлифлар билдирилади. Биз иқтидорли ёшлар учун ҳамини очиқмиз. Шерзод ҳам келсин, фикрлашамиз, ғоялари билан танишамиз, қўлимиздан келган ёрдамни берамиз.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган...

Кунгабоқарни ҳеч кузатганмисиз? Тонгда куёшни қулиб қарши олади, шомда худди шу қиёфада кузатиб қўяди. Қарангки, шу кунга қадар куёш энергиясини олишда табиат мўъжизаси бўлган бу жараёндан прототип олинмаган

экан. Амалда бўлганлари куннинг маълум қисмидагина куёш энергиясини тўплайди. Қолган вақтда ўз вазифасини ҳаминқадар бажаради. Ўзбекистонлик ёш стартапчилар эса куёшни ҳаракатига қараб ҳаракатланувчи куёш панелларини яратишибди. Лойиҳа энергия олиш самарадорлигини 60 фоизга оширади.

Чўлли ҳудудларда эса ҳадемай саксовуллар роботлар томонидан экилади. Жараён қандай амалга оширилади? Робот бакига саксовул уруғлари солинади. Темир ишчи эса куёшдан энергия олиб вазифасини бажараверади. Маълум қилинишича, чўл зонасида 100 та одам ўрнига, 3 та робот ишлайди.



Тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я, деб юборасиз ўз-ўзидан.

Аслида ҳар қандай янгилик жамиятни ривожлантиради, инсонлар ҳаётини қулайлаштиради. Янги тузилмаю академиялар ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам инсонларнинг яшаш даражасини юксалтириш, уларга у ёки бу соҳада манзилли кўмак кўрсатишдан иборат. Аммо барча «ўзига хослик»лар ҳам ўзини оқламапти-да.

Ёшлар академияси учун бу ҳулосани беришга ҳали эрта. Боиси ёш академия ташкил топганига эндигина 1 йил тўлди. Демак, тизимнинг самарали бўлиш-бўлмаслиги савол остида. Биз бу мавзуга яна қайтамыз...

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Тошкентда 4 та замонавий мактаб фойдаланишга топширилди.

Ўрмонларга сайёрамизнинг «ўпкаси» дея таъриф берилади. Зеро, биз нафас олаётган кислороднинг салмоқли қисми айнан шу яшил масканлардаги ўсимликлар томонидан ишлаб чиқарилади. Умуман, ўрмонларнинг иқлим, инсон ва, албатта, мамлакатлар иқтисодиётига жуда катта ижобий таъсири бор. Аммо юртимиз ҳудудида табиий ўрмонлар кам. Бу эса, шубҳасиз, иқтисодиётнинг қатор соҳалари ривожига тўсиқ қўяди.

Ўрмон хўжалиги 1 ТРИЛЛИОН СЎМ фойда келтиради...(ми?)

Масалан, ерларимизнинг 75 фоизи чўл ҳудудларидан иборат. Ҳар йили ушбу майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинлари кучли қум кўчиш ва иссиқ шамол(гарм-сели)дан катта зарар кўради. Бундан ташқари, чўл ҳудудидаги 16 700 минг гектардан ортиқ яйлов ва пичанзорлар чорва молларининг меъёрсиз боқилиши оқибатида деградацияга учраб, нобуд бўлаётир. Шу каби муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли — ўрмонларни кўпайтириш.

Юртимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилган. Аммо режалар янада салмоқли. Мамлакатимиз ўрмончилик соҳасида нималарга эътибор қаратишимиз керак? Мазкур савол юзасидан **Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Низомиддин БАКИРОВ**-нинг фикрлари билан қизиқдик.

Хусусий ўрмонлар пайдо бўладими?

— Дарҳақиқат, ўрмон хўжалигини ривожлантириш иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларига катта фойда келтиради, — дейди **Н.Бакиров**. — Масалан, ўрмонлар мебелсозлик, туризм, доривор ўсимликларни етиштириш, пиллачилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа қатор соҳалар учун муҳим манба ҳисобланади. Бугун мебелчилик саноатида ишлатиладиган хомашёнинг 90 фоизи импорт қилинади. Айрим ҳудудларда чорвачиликни ривожлантириш учун яйловлар жуда кам.

Президентимиз яқинда соҳамиз вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Охириги уч йилда соҳамизда жадал ривожланиш кўзга ташланмоқда. Натижада 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Ўрмон хўжаликларида биринчи маротаба 64 та биологическая лаборатория ташкил этилди. Соҳада хусусий секторни жалб қилган ҳолда

ўрмон ерларини ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Бу йилдан бошлаб фойдаланишда бўлмаган ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартиби жорий қилинди.

20 минг гектар ўрмон ижарага берилган

Дориворчилик соҳасини оладиган бўлсак, сўнгги икки йилда бундай ўсимликлар ҳудуди 2 минг гектардан 3 минг гектарга кенгайди. Лекин бу кўрсаткич талабга нисбатан камроқ. 2021 йилдан доривор ўсимликлар ҳудуди 5 минг гектарга кўпайтирилади.

Бундан ташқари, овчилик экотуризмни ривожлантириш бўйича ҳам топшириқлар берилди. 2020 йилдан бошлаб ўрмон фонди хўжалиги ерларини ижарага бериш бўйича ҳам Президент қарори қабул қилинган эди. Ҳозирги кунгача 20 минг гектар ерларни тадбиркорлар ва фуқароларга ижарага берганмиз. 2020 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда ялпи даромадни 1 триллион сўмга етказиш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди.

Овчилик — туризмнинг муҳим тармоғи

Ўрмонлар сайёҳлар учун ҳам қизиқ. Ўтган йили экотуризм ва ов туризмидан жами 1 миллиард сўм фойда олинган. Лекин бу кам. Бўстонлик туманидаги янги тизим ўрмон ҳудудларида туризмни ривожлантириш бўйича жуда катта захиралар мавжудлигини кўрсатди. Мисол учун, Бурчмулла ўрмон хўжалигида хусусий шериклик асосида 300 ўринли экотуризм маскани барпо этилмоқда.

Шундай имкониятларни ишга солиб, келгуси йилда экология ва ов туризмидан даромадларни

Дарвоқе...

Сайёрамиз қуруқлик қисмининг **31** фоизи ўрмонзорлар билан қопланган. Дунёда энг катта ўрмон фонди ерларига эга давлатлар — Россия (**809** млн. гектар) ва Финляндия давлатининг умумий майдонининг **73** фоизини ўрмонзорлар ташкил этади. Мамлакатимизнинг жами ер майдони **44 896,9** минг гектар. Шундан республика умумий ер майдонининг **25** фоизи, яъни **11 242,3** минг гектардан ортиғи ўрмон фондига тўғри келади.



10-15 бараварга ошириш мумкин. Ҳудудларда сайёҳлик тизимининг йўлга қўйилишидан, албатта, маҳаллий аҳоли даромади ортади. Яна бир муҳим йўналишлардан бири — ҳудудларда табиат музейларини ташкил этиш мақсад қилинган. Бу музейлар аҳолининг табиат ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилади.

Писта нархи қачон арзонлашади?

Бозорларимизда энг қиммат маҳсулотлардан бири — писта. Бугун бир кило пистанинг нархи гўштикидан баланд. Ўртача юз, юз эллик минг сўм туради. Пистачилик ўрмон хўжаликларини ривожлантириш ана шу масалани ҳал этиши мумкин. Шу мақсадда маҳаллий пистанинг сувсизликка чидамли ва юқори ҳосил берадиган 13 турдаги янги навини рўйхатдан ўтказиб, кейинги йилдан тоғли туманларда экиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, доривор ўсимликларни маҳаллийлаштириш учун тажриба плантациялари ва илмий марказ, шунингдек, ўрмон тупроқшунослиги, «in vitro» ва уруғчилик лабораториялари ташкил этилади.

Муносабат ўзгариши керак

Бизнингча эса юқоридагилардан ташқари, аҳолининг экологик маданиятини ўзгартиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айрим ҳудудларда ёқилғи муаммоси сабаб одамлар табиий ўрмонлардаги ноёб тур дарахт ва буталардан ўтин сифатида фойдаланиши, баъзи хунаромандлар томонидан бундай дарахтлар ёғочга айлантирилиши ҳолатлари кузатилгани эсимизда.

Масалан, бир неча йил олдин ёғоқ дарахти ёғочи харидоргир хомашёга айланганди. Натижада айримлар ёғоқ кесиб сотишни касбга айлантириб олди. Худди шундай қисмат минглаб туп юз йиллик чинорлар бошига тушгани ҳам рост. Мавжуд ўрмонларда браконьерликнинг ҳар қандай турига қарши кескин кураш олиб бориш лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Меҳнат дафтарчалари юритиш тизими
тўлиқ рақамлаштирилди.

Мамлакатимизда маъмурий-худудий бўлиниш соҳасида қатор масалалар борлиги маълум. Масалан, юртимиз вилоятлари, туманлари иқтисодий-ижтимоий, коммунал таъминот, аҳоли зичлиги даражасига кўра, бир-биридан кескин фарқланади. Айтайлик, яқинда Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги учта маҳалла аҳолиси ўз худудларининг пойтахт вилоятига ўтказилишидан жиддий норози бўлиб чиқишди. Бу бир қараганда, арзимас муаммодек туюлади. Ҳеч ким уларга кўч деяётгани йўқ, фақат ҳужжатларда биров ўзгариш бўлади, холос, дейиш мумкин. Аслида эса асло ундай эмас.

ЯНГИ ТУМАНЛАРДА хизматлар сифати ошади, аҳоли бандлиги таъминланади

Аввало, коммунал таъминот ва хизмат, транспорт, бошқа қатор хизматлар сифати, мактаб ва мактабгача таълим, тиббиёт, ишга жойлашиш ва ҳоказолар Тошкент шаҳри ва вилоятида мутлақо турли даражаларда. Булар худуднинг пойтахтдан чиқарилиб, вилоятга ўтказилишининг айрим оқибатларигина, холос. Деярли шу каби шароитни бошқа вилоятлар, шаҳарлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, водий вилоятларида аҳоли зичлиги даражаси жуда юқори бўлса, айрим майдони йирик вилоятларимизда вазият мутлақо тескари тус олган. Бу бир хил функцияларни бажарувчи давлат идораларига турли худудларда турлича босим вужудга келишига сабаб бўлади.


Аммо маъмурий-худудий бўлиниш масаласидаги муаммоларни шошмашошарлик билан амалга ошириб бўлмаслиги ҳам аён. Янги туманларни ташкил қилиш бошқарув, ҳуқуқ-тартибот аппаратларининг кенгайиши оқибатида давлат бюджетига зарар келтириши, бюрократиянинг кўпайиши, коррупциянинг янги шохлари пайдо бўлиши каби зарарли оқибатларга олиб келиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Шу боис кун кеча Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларининг кўриб чиқиши аҳолининг ҳақли қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Мавзу юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси Кутбиддин БУРҲОНОВнинг фикрлари билан қизиқдик.


Янгиҳаёт Конституцияга мувофиқ тузилмоқда

— Давлатимиз раҳбари жорий



йилнинг май ойида Тошкент шаҳрининг Зангиота ва Сергели туманларига ҳамда июнь ойида Наманган вилоятига ташриф буюрган эди, — дейди Қ.Бурҳонов. — Ушбу ташрифлар давомида Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятининг салоҳиятини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган қатор янги ғоялар илгари сурилди, масъулларга тегишли амалий кўрсатмалар ва вазифалар берилди. Хусусан, Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда пойтахт ва Тошкент вилоятининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалага алоҳида тўхталиш жоиз.

Ҳозирда мазкур ташаббус доирасида Бош қомусимизнинг 78-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, «Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги Олий Мажлис Сенатининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Президентимиз ташаббуси жорий



йил июль ойида Тошкент вилояти ва пойтахт аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланиб, тегишли масала халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти Кенгашлари томонидан маъқулланган.

Тошкент шаҳри 4,5 минг гектарга кенгайди

Янгидан барпо этилаётган Янгиҳаёт туманига Тошкент шаҳридан 2 минг 131,2 гектар ҳамда Тошкент вилоятидан 2 минг 288,4 гектар, жами 4 минг 419,6 гектар ер майдони ажратилиб, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегаралари мувофиқлаштирилмоқда. Бу билан Янгиҳаёт туманида 115 та саноат корхонаси (шундан 13 та йирик ва 102 та кичик корхона), 277 та хизмат кўрсатиш корхонаси, 1 148,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер ва 388,8 гектар аҳоли томорқа ерлари бўлиши назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, янги ташкил этилаётган туман Тошкент шаҳар бўйсунувидаги туманлар тоифасига киритилиб, аҳолиси 147 минг нафарни ташкил этади. Бу пойтахт аҳолисининг 5,8 фоизи демакдир. Шунингдек, 47 штат бирлигидан иборат туман ҳокимлиги, вазирлик ва идораларнинг туман бўлимлари ташкил этилиши бошқарув самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Аҳоли бандлиги самарали таъминланадими?

Албатта, янги маъмурий бирликнинг ташкил этилиши-

дан асосий мақсад — халққа манфаат келтириш бўлмоғи лозим. Ҳокимлик тузилмаларининг олдида турган асосий масалалардан бири, шубҳасиз, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш бўлади. Янги туманда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш шароитини яхшилаш мақсадида комплекс ривожлантириш ва келгусида истиқболини белгилаш бўйича алоҳида Дастур ишлаб чиқилади.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганлар учун кредитлар олиш, янги уй-жой қилиш масалалари ҳам аввалгидан бирмунча осон кечиши муқаррар. Шунингдек, қатор бошқа хизматлар сифати ошиши, ҳукумат идораларига қатнашда оворагарчиликлар камаяди. Туманга бириктирилган маҳаллалар, 909 та кўп қаватли уй, 24 та мактабгача таълим муассасаси, 21 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-ҳунар коллежи, 7 та тиббиёт муассасаси ва 4 та маданият маркази объектлари ҳам янги талаблар асосида ишлай бошлайди.


Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини ташкил этилиши ҳам юқоридаги каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, янги худудий бирликнинг ташкил этилиши аҳоли ва корхона-ташкilotларга ҳужжатлар, архивлар билан боғлиқ масалаларда ноқулайликлар туғдириши мумкинлиги барчамизга аён. Демак, янги маъмурий худудлар ташкил этилишида аҳолига қулайлик яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилиши зарур. Қарорлар қабул қилиниши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун тушунтириш ишларини кучайтириш керак. Янги туманлар ташкил этилиши билан боғлиқ барча масалалар тизимли ҳал этилиши, қарор қабул қилингандан кейин одамлар қийналиб, сарсон бўлмаслиги зарур.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



«Ўзбектелеком» АКга Япония банкларидан кредит ажратилади.



УН

НАРХИ ЯНА ОШДИМИ?

Биламизки, 2018 йилнинг сентябрь ойигача Ўзбекистонда ноннинг нархини оширишга нисбатан чекловлар мавжуд эди. Натижада узоқ муддат битта қолипчи нон («буханка»)нинг дўкондаги расмий қиймати 650 сўмдан кўтарилмади. Аммо бу чеклов кўплаб ҳудудларда номигагина амал қилган. Аксар вилоятлардаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таққ расмий олиб ташланишидан анча аввал нархни ошириб улгурганди.

2019 йил октябрга қадар эса давлат маҳаллий ун нархини ҳам худди шундай назорат қилиб келди. Вазирлар Маҳкамасининг дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирларига оид қарори тасдиқлангач, бу чеклов ҳам бекор қилинди. Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар биржа савдоларида ун ва дон маҳсулотларини эркин сотишлари ва сотиб олишлари мумкин бўлиб қолди. Жорий йил апрелдан эса уннинг биржа савдоларисиз, ишлаб чиқарувчидан тўғридан-тўғри сотиб олинишига ҳам рухсат берилган.

Бугун дўконларда бир «буханка» ноннинг нархи 1600 сўм. Бу — соҳада ислохотлар бошланганидан буён, икки йил ичида қиймат тенг баробардан кўпроққа ошганини кўрсатмоқда. Карантин вақтида мазкур масала яна кўтарилмапти. Айниқса, коронавирусга қарши чоралар кўрила бошлаган дастлабки кунларда ваҳима кучайгани рости. Яхшики, вазият тезда назоратга олиниб, сотувчилар инсофга келди. Аммо айрим ҳудудларда ун нархи сунъий равишда ошириб юборилгани тўғрисидаги миш-мишлар яна авж олмоқда.

155,8 миллион сўмлик ун олиб қўйилган

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 16 апрелидан жорий қилинган вақтинча тартибга кўра, ун савдо дўконлари, қолипчи нон, нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга рўйхат асосида етказиб берилмоқда. Биринчи навли уннинг бир копи — 125 минг сўм, яъни бир килограмми 2500 сўмдан рўйхатдаги харидорларга сотилмоқда. Рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шакллантиради. Аммо мазкур нархда маҳсулот ҳаммага ҳам бирдек етиб бормаяпти.

— Икки йилдан буён Жиззах шаҳридаги қолипчи нон ишлаб чиқариш корхонасини бошқарман, — дейди тадбиркор Илҳом Турсунматов. — Ун тақсимои ҳокимиятга ўтгандан буён анча қийналиб қолдик. Сабаби, эҳтиёжimizга



керакли миқдордаги хомашёни беришмаяпти. Бир ойда ўртача 8-10 тонна унни қайта ишлаш қувватимиз бўла туриб, бизга 3,5 тонна ун берилмоқда. Бу 10-15 кунга зўрға етади. Мижозларни йўқотмаслик учун қолган кунларда бозордан қопини 190 минг сўмдан олишга мажбурмиз.

Тадбиркор нон ишлаб чиқариш учун ажратилган ун қайсидир йўллар билан бозорга чиқиб кетаётганини иддао қилади. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари ҳам бунини тасдиқлайди. Масалан, жорий йилнинг 8 август ҳолатида 437 минг 379 тонна, яъни 1 090,5 миллион сўмлик ун шу тарзда сотилиши таъминланган. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарига 140 минг 185 тонна, чакана савдо субъектларига 41 минг 131 тонна ун етказиб берилган. Бунда маҳаллалар ҳисоб-китоби алоҳида, яъни 8 минг 756 маҳаллада ташкил этилган кўчма савдоларда 252 минг 249 тонна ун аҳолига арзон нархда сотилган. Давлат солиқ хизмати органларининг назорат тадбирларида 158 ҳолатда белгиланган тартибда давлат

рўйхатидан ўтмасдан унни ноқонуний сотиш ҳолати аниқланган. Ҳукуқбузарлардан 481,5 миллион сўмлик ҳамда 13 ҳолатда тадбиркорлик субъектларидан тегишли ҳужжатлари бўлмагани учун 155,8 миллион сўмлик ун олиб қўйилган.

Журналистик суриштирув натижалари қандай?

Шу ўринда савол туғилади. Унни тақсимолаш ҳокимият зиммасига юклатилган бўлса, ноқонуний сотилаётган маҳсулотлар қаердан пайдо бўлди? Тадбиркорлар қопини 190 мингдан олаётган ун-чи?

— Мавзу юзасидан махсус суриштирув ўтказдим, — дейди журналист Сайёра Шоева. — Зеро, ростдан ҳам кейинги кунларда арзон нархдаги ун тақсимоида таниш-билишчиликка йўл қўйлаётгани тўғрисида айтилмоқда. Ўрганишларимиз натижасида ун маҳсулоти рўйхат асосида тақсимолинишига қарамасдан, айрим ҳудудларда маҳаллий уннинг ўртача бир килограмми 3500 — 4000 сўм атрофида сотилаётгани маълум бўлди. Қизиғи, маҳаллий уннинг бир килограмми учун нарх 2500 сўм этиб белгиланган. Бу унни ортиқча деб ўйлайдиган бўлсак, рўйхатларга кирмай қолган ёки рўйхатда бўлса-да, нисбатан кам ҳажмда харид қилаётган тадбиркорлар ҳам бор экан.

Ҳокимликлар нима дейди?

Ҳокимликларнинг бу борада ўз қарашлари мавжуд. Масалан,

Жиззах вилояти ҳокимлиги иқтисод бўлими етакчи мутахассиси Бобур Икромовнинг фикрича, уннинг қамлиги ҳокимиятга боғлиқ ҳодиса эмас. Вазият сабабларини ун ишлаб чиқарувчи корхоналардан излаш керак. Бундан ташқари, бозорда бир қоп ун 185-190 минг сўмдан сотилаётгани куруқ гап, холос. Бундай ҳолат аниқланса, солиқ ва бошқа мутасадди ташкилотлар чора кўришади.

Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Аҳмадалиев эса бошқа фикрда. Унинг айтишича, ун турли дўконларда турли нархда сотилаётганининг сабаби етказиб бериш харажатлари билан боғлиқ. Масалан, айрим маҳаллалар ун заводдан 3 километр узоқда бўлса, бошқаси 70 километр олислиқда жойлашган. Йўлқиранинг ҳисобига нархида 4-5 минг сўм фарқ бўлиши мумкин.

Ана холос

Ҳаммаси назоратда бўлса, 125 минг сўмлик ун «қора бозор»га қаердан келяпти? Айрим ҳолларда қолипчи нон ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ҳам бунга сабабчи бўлмоқда. Улар нон чиқаришни тўхтатиб, унни бозорда қимматроқ сотган ҳолатлар аниқланган. Ҳозирда қолипчи нон ишлаб чиқаришни ҳам тартибга олиш ҳаракати бошланган. Бунинг учун қолипчи нон ишлаб чиқарувчилар рўйхати тегишли ташкилотлар орқали текширилмоқда. Улар бу тадбиркорларнинг қанчалик ҳалол ишлаши ҳақида маълумот йиғиб, мониторинг қилишади. Кейин тасдиқланган рўйхат заводларга берилади. Шу тариқа нон ишлаб чиқарувчилар ун олиб чиқишини солиқ ва тегишли ташкилотлар назорат қилади.

Аммо назорат ишлари қанча кучайтирилмасин, факт фактгича қолмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган, рўйхат асосида тақсимолиниши учун мўлжалланган, аммо қайсидир йўллар билан бозорга келиб, ноқонуний сотилаётган ун маҳсулотлари бор. Бу масалада тегишли идоралар жиддий шуғулланиб кўришлари лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



2021 йилдан бошоқли дон экинлари бўйича давлат хариди тўлиқ бекор қилинади.

Оила куриш ва унинг тинчлигини асраш инсон учун катта масъулият. Бироқ уни ҳар ким ҳам ҳис қилавермас экан. Баъзилар «Қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим», деган нотўғри қараш билан яшайди. Улар учун фарзандининг бирон касбни эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини топиши масаласи ҳеч қандай қийматга эга эмас.

ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА ЙЎҚЛИГИ ҚОТИЛЛИККА ЕТАКЛАДИМИ?

Вазият яхшиланган бўлса-да...

Авваллари ажрашишларнинг сабаби оила куришнинг энг кичик ёши йигитлар учун 18, қизлар учун 17 этиб белгилангани билан изоҳланарди. 2019 йил 1 сентябрдан эса эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди. Ҳўш вазият ўнгандими?

Бу борада **Қашқадарё вилояти**да вазият анча яхшиланган бўлса-да, ижтимоий муҳит барқарорлигига эришмаган ҳудудлар хануз бор. Хусусан, Косон туманида балоғат ёшига тўлмаган қиз тўрт нафар фарзанди бор Ш.Ф. исмли оилали шахс билан шаръий никоҳдан ўтади.

Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейишганидек, бу қозон ҳам ёпиқлигича қолмади. Муқим яшаш жойининг йўқлиги, етишмовчилик доимий жанжалларга сабаб бўлди. Оқибатда жувон ўз жонига қасд қилган. Ўзиборлиси, М.Ж. шаръий турмуш қурган пайтда мамлакатимизда қатъий белгиланган никоҳ ёшига ҳам тўлмаган бўлган.

Ҳўш, бундан маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар, ҳудуд профилактика инспекторининг хабари йўқмиди? Масъуллар қаёққа қараган? Ачинарлиси, бу Косон туманида ёш аёл ва қизлар ўртасида рўй бераётган биринчи нохуш ҳолат эмас. Ўтган йили туманда 15 ёшли ўқувчи қиз она бўлгани ва бу ҳолатни масъуллар бир йилдан ортиқ вақт давомида яшириб юргани маълум бўлганди. Энди айтинг-чи, улар тегишли ҳулоса чиқариши, шу каби ҳолатларнинг олдини олиши, ишни самарали ташкил этиши учун яна нечта нохуш воқеалар рўй бериши керак?

15 ёшида ота бўлди

Бир-бирига узокроқ қариндош бўлган икки оила катталари қуданда бўлиб, қариндошлик ришталарини мустаҳкамламоқчи бўлишди. Шу боис тўй қилиб, шоду хурамлик ила фарзандлари – Салим ва Моҳирани (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) никоҳлаб қўйишди.

Ўзибор қилинг, бу вақтда куёв бўлимиш эндигина 14, келин эса 15 ёшга қадам қўйган эди. Шундай қилиб, оила 5 йил ичида уч фарзандли бўлди. Ўн тўққиз ёшида

на маълумоти, на ҳунари бўлган йигит зиммасига катта рўзгор ташвишлари тушди. Ҳали ўзи тарбияга муҳтож бўлган ота-она энди фарзандлар тарбияси учун ҳам масъул эди...

Эрта олаҳуржин бошига тушган Салимнинг ота-онаси уларни алоҳида қишлоқ чеккасидаги янги иморатга қўчиришади. Салим қишлоқдаги фермер хўжаликларида бирида оддий ишчи бўлиб ишлай бошлади. У кун бўйи, баъзан тунлари ҳам хўжалик ишлари билан елиб-югуриб юрар, қора қозонни қайнатиш ҳаракатида эди. Моҳира эса уй юмушлари ва фарзандларидан ортмасди.

Ҳаётий тажрибаси камлиги панд берди

Эри далада юрган пайтда Моҳирага қўшниси Комил гап отадиган одат чиқарди. Бир-икки марта уйига келиб, тегажонлик ҳам қилмоқчи бўлди. Моҳира бу вақтда бўлаётган гапларни ота-онасига ёки бирорта ёши каттароқ кишига айтиб, қўшнисининг таъзирини бердириб қўйиши мумкин эди. Аммо ўзига бегона эркакнинг гап отаётганини ошкор қилса номи қора бўлиб қолишидан қўрққан аёл ҳамма гапни ичига ютишга мажбур бўлди.

Ана шу ерда унинг ҳаётий тажрибаси камлиги, мустақил қарор қабул қила олмаслиги панд берди. Комилнинг эса хурмача қилиқлари ортиб бораверди. Аёлдаги ожизликни билган Комил энди турли гаплар билан Моҳирани кўрқитишга, қандай бўлмасин, ўзи билан бирга бўлишга мажбурлашга ўтди. Охир-оқибат мақсадига етди ҳам.

Қаттиқ руҳий изтироб исканжасида қолган Моҳира ўйлай-ўйлай охири қайнотасиникига келди ва бўлган воқеа ҳақида айтиб берди. Бу ердагилар жазавага тушиб, унинг ўзини айблаб кетишди. Ҳақоратлар исканжасида қолган аёл болаларини шу ерга қолдириб, йиғлаган қўйи ота уйига қараб йўл олди.

«Менинг айбим йўқ...»

Салим бор гапдан кечкурун, ишдан уйга қайтгач хабар топди. Эндигина йигирма ёшдан ошган йигит қаттиқ руҳий зўриқишдан қарахт бўлиб қолган, бун-

дай вазиятда қандай йўл тутиш кераклигига сира ақли етмасди. Унинг миясига келган ягона режа – хотинини ўлдириб, бу исноддан кутулиш эди. Эртасига шу мақсадда укаси билан бирга қайнотасиникига жўнади.

Моҳира зор йиғлаганча, ота-онасининг олдида бор гапни эрига айтди.

– Қилар ишни қилиб, энди нега бу ерга келиб олдинг? – дея ўда-ғайлади Салим. – Сен билан уйда гаплашаман...

– Йўқ, уйга бормайман. Комилнинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга арз қиламан, борсам ҳам уни қаматиб, кейин бораман, – дея йиғлади Моҳира.

Хотини шу гапда қатъий туриб олгач, Салим ноилоҳ уйига қайтди. Бир неча кун ичида ўз ёғида ўзи қовурилиб юрди. Унга тўғри маслаҳат бериши, тўғри йўл кўрсатиши лозим бўлган яқинларининг «хотинингдан ҳам бўлган» ёки «ғунажин кўзини сузмаса...» қабилидаги гаплари қалбидаги қасос оловини янада аланга олдириди. Охири бир қарорга келгач, эртасига тонгда хотинига телефон қилди.

– Моҳира, уйга келмасанг бўлмайди. Болалар жуда қийналишяпти.

Болаларининг аҳволини эшитган Моҳира уйга қайтишга рози бўлди. Шундан сўнг Салим қайнотасиникига бориб, хотинини олиб келди.

Ўша куни Салим тунги соат 24:00ларга қадар уйга кирмади. Молларга қараш баҳонасида ташқарида айланиб юрди. Тун ярмидан оғиб, ҳамма ширин уйқуда пайти уйга кирди. Моҳира ҳали ухламаган экан.

– Сен ҳамма ишни қилиб бўлиб, энди бундай ўтиришингга бало борми?

Салимнинг кўзларида ғазаб чакнаб, устига бостириб келаётганини кўрган Моҳира кўрқиб кетиб, югуриб ўрнидан турди. Аммо шу лаҳзанинг ўзида юзига устма-уст келиб тушган муштардан сўнг йиқилиб, ҳушини йўқотди.

Пайтдан фойдаланган Салим югуриб чиқиб, ташқаридан ип олиб келди ва хотинининг оёқ-қўлларини маҳкам боғлади. Яна

бир бўлак ипни бўйнидан айлантириб, бўға бошлади.

Жон талвасасида ҳушига келган Моҳиранинг оғзидан биргина гап чиқди: «Қўйворинг, менинг айбим йўқ». Аммо Салим бундай қилмади. У қўлидаги ипни бўшатганида хотинининг танаси аллақачон бўшашиб, қимирламай қолганди.

Уч нафар норасиданинг айби нима?

Судда Салим Жониев содир этган жиноят кўриб чиқилиб, унга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, жиноят содир этилишига имкон яратган бошқа шарт-шароитлар ҳам аниқланиб, бунга айбдор деб топилган шахсларга нисбатан хусусий ажримлар чиқарилди.

Ҳўш, бу воқеада мархума – Моҳира Ортиқовани айблаш мумкинми? Тасаввур қилинг, 15 ёшида турмушга чиққан қиз ҳали оқ-қорани таниган, яхши-ёмонни ажратиб улгурганмиди? Ахир, қиз боланинг турмушга тайёр бўлиши унинг фақат жисмоний етилишида эмас-ку. Ҳўш, 14 ёшида уйланиб, 15 ёшида оталик масъулиятини елкасига олган Салим-чи? Хотинининг «хиёнати» ҳақида эшитгач, унинг миясига муаммони юқоридаги тахлитда ҳал этишдан бошқа режа келмади. Келадиган ёшда эмасди ҳам... Уч нафар норасиданинг айби нима? Ахир, улар бу қисматга лойиқмиди?

Бугун дунё манзараси шу қадар тез ўзгармоқдаки, инсон зақоси ютуқлари қаторида айрим халқларнинг катта маънавий йўқотишларига сабаб бўлаётган хавф-хатарлар ҳам кенгайиб бормоқда. Мана шундай қалтис даврда ёнимиздаги инсонлар ҳаётига бефарқ қараш, ўз қобиғимизга ўралиб қўл қовуштириб туриш қанчалар тўғри?! Бинобарин, бир оиланинг бекаси ёхуд балоғат остонасидаги қиз қисматига кўз юмиб, қўл силташ – бунинг оқибати ҳам аслида ҳеч бир жиноятникидан кам эмас. Чунки аёл тимсолида миллатнинг, жамиятнинг тақдири туради.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»



Чет элга чиқишда «тақиқ» борлигини билиш
янада осонлашди.

Бухоро вилояти ИИБ ҳамда Бош прокуратуранинг иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментининг Бухоро шаҳари бўлими ходимлари томонидан Бухоро шаҳрида яшовчи, 35 ёшли Х.Ў. М.О.дан ҳар бир АҚШ долларини 10 100 сўмдан ҳисоблаб, жами 3600 АҚШ долларини 36 360 000 сўмга сотиб олган вақтда ушланди. Х.Ўга тегишли новвойхона ва «Lsaetti» русумли автомашина кўздан кечирилганда, унинг қонунга ҳилоф равишда валюта айирбошлаш фаолиятига алоқадор бўлган 802 АҚШ доллари, 78 650 Россия рубли ва 9 580 000 сўм пуллари борлиги аниқланиб, жами 64 944 023 сўм қийматдаги валюта қимматликлари ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди...

Давлат хавфсизлик хизмати Қашқадарё вилояти бошқармаси ва Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан Муборак туманидаги «Дўстлик» маҳалласида Б.Орипов қонунга ҳилоф равишда кўп миқдорда чет эл валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш мақсадида Т. Тўймуродов билан ҳар бир АҚШ долларини 10200 сўмга сотишга келишиб, 2500 АҚШ долларини 25 миллион 500 минг сўмга сотаётган вақтида ушланди...

ВАЛЮТА СИЁСАТИ: қачонгача «ҚОРА БОЗОР»ДАН кўнгил узолмаймиз?

Афсуски, юқоридаги каби ҳолатларга кўп бор дуч келамиз. Бу эса шунча имкониятлар яратилганига қарамай, валюта айирбошлаш бўйича юртимизда «қора бозор» ҳамон фаолият юритаётганини кўрсатади. Бошқа давлатларда деярли учрамайдиган, иқтисодиётга, фуқаролар манфаатига зид бўлган бу «амалиёт»га барҳам бериш учун кейинги пайтда кўплаб чоралар кўрилди. Валютанинг расмий курси анча юқори бўлсада, уни қонуний сотиб олиш ёки алмаштириш имконияти яратилгани, албатта, энг тўғри қарор. Ахир авваллари «қора бозор»дан валюта олишга мажбур бўлган кишилар расмий курс бўйича олганимда шунча маблағ йўқотмасдим, деб изтиробда яшагани сир эмас.

Оғриқли муаммолар ўз ечимини топдими?

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси доирасида валюта сиёсати тартибга солинишига эришилди. 2017 йилдан валюта курсини иқтисодиётда чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифга асосан белгилаш тизими жорий этилди, чет эл валюталарининг сотилиши, сотиб олиниши ва тасарруф қилиниши борасидаги аввал мавжуд бўлган барча чекловлар бекор қилинди. Бир сўз билан айтганда, ички валюта бозори эркинлаштирилди.

— 2017 йилдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришларга кўра, тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинди, — дейди Марказий банк департамент

раҳбари Акмал Назаров. — Шунингдек, товарлар (иш, хизматлар) экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчилар учун бутунлай бекор қилинди. Бир сўз билан айтганда, фуқаро ва тадбиркор банкдан эркин ҳолатда валюта сотиб олиши ва сотиш ҳуқуқига эга бўлди. 2018 йилда эса мамлакат ҳудудида товар (иш ва хизматлар) учун нарх ва тарифлар фақат миллий валютада ўрнатилиши белгиланди.

Шунингдек, халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банкларида нақд шаклда ечиб олиш тизими жорий этилди. Ўтган уч йил мобайнида валюта сиёсатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. Қонундаги янгилекларни мувофиқлаштириш мақсадида Президент фармони, Вазирлар Маҳкамаси қарори имзоланди. Улар асосида 41 та ҳужжатга ўзгартириш киритилиб, 17 таси бекор қилинди. Бу каби ислохотлар валюта сиёсатидаги кўп йиллардан бери оғриқли масала бўлиб келаётган қатор муаммоларга барҳам берди.

«Қора бозор» буткул йўқолади...(ми?)

Ҳозирги кунда валюта айирбошлаш учун ҳеч қандай қўғозбозлик ишларини бажариш шарт эмас. Ортиқча оворагарчиликларга ҳам йўл қўйилмайди. Уларни исталган банк ва унинг



филиалларидан бемалол олиш мумкин.

Аммо айти пайтда ҳам жамоат жойларида «қора бозор» буткул йўқолиб кетмаган. Ҳали-ҳануз валюта сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланувчилар бор. Нега? Бунинг бир қанча сабаблари бор, бизнингча.

Хусусан, ҳамон кўпчиликнинг онгида тўғри, қонуний йўлдан эмас, эгри йўлдан юриш «туйғуси» сақланиб қолмоқда. Айримлар яратилган имкониятдан фойдаланиш ўрнига ҳамон «қора бозор»дан кўнгил узмаётир. Бозорга йўлингиз тушса, валюта сотиб оламан, деб ўтирган эски «валютафуруш»ларга ҳамон кўзимиз тушади. Уларнинг хизматидан воз кеча олмаётганлар ҳам кам эмас. Бунда у қонунбузарликка йўл қўйиши билан бирга, ўзи ҳам фирибгарлик қурбонига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунингдек, марказдан олис ҳудудларда банк филиаллари кассасида кўп ҳолларда навбат кўпайиб кетади. Бу эса аҳолига қийинчилик туғдириб, уларнинг «қора бозор»га мурожаат қилишига сабаб бўлади. Валюта алмаштириш шохобчалар эса республика бўйича бир хил тақсимланмаган. Туман бўлимларида биргина касса бўлгани учун тўлов қабул қилиш ва пул бериш ҳам биттагина жойдан амалга оширилади.

— Айти масалаларнинг ечими сифатида онлайн валюта харид ва сотиш имконини берувчи мобил иловалар ишга туширилди, — дейди А.Назаров. — Шунингдек, аҳоли гавжум жойларда 24/7 режимида ишловчи чакана банк хизматлари марказлари ҳамда автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилди. Агар

2018 йилда валюта айирбошлаш шохобчалари 633 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 748 тага етди. Йилдан-йилга уларнинг сони янада кўпайтирилади. Ҳудудларда ҳозирча бу борада муаммолар учраб турибди, аммо тез орада бундай шохобчалар республикамиз бўйлаб тўлиқ таъминланади. Валюта айирбошлашда янгидан-янги технологиялар ҳаётга татбиқ этилади.

Тартиблар соддалаштирилади

Яқинда Марказий банк Бошқаруви томонидан «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари» тасдиқланди. Ушбу қоидаларга мувофиқ, валютани тартибга солиш соҳасидаги тартиботлар соддалаштирилиб, ўз аҳамиятини йўқотган нормалар бекор қилинди. Шу билан бирга, унга асосан, амалдаги меъёрий ҳужжатларни унификация қилиш мақсадида 5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилди, улардаги нормалар халқаро тажрибага мувофиқ ягона ҳужжатда ўз аксини топди.

Бу ҳам соҳанинг янада такомиллаштишига ва қонуний нормаларнинг аҳоли учун тушунарли бўлишига хизмат қилди. Бир сўз билан айтганда, валюта сиёсатида кейинги йилларда катта ислохотлар амалга оширилди. Келгусида бу ислохотларни узвий давом эттириш аҳоли ва тадбиркорларга қулайлик яратади ҳамда давлат иқтисодиётининг барқарорлаштишига хизмат қилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



«UzAuto Motors» пули тўланган заҳоти олиб кетиш мумкин бўлган автомобиллар рўйхатини эълон қилди.

Ҳозирги вақтда нафақат Самарқанд вилояти, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги кўплаб маҳаллаларда ҳам аҳолини қийнаб келаётган ва ўз ечимини кутаётган ижтимоий муаммолар истаганча топилади. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда мутасаддилар билан бирга, турли даражадаги халқ вакилларининг ҳам ўрни бор. Аммо бу борада баъзи ҳолларда ноибларнинг ўрни сезилмаётган бўлса, гоҳида муаммолар ечими юзасидан юборилаётган депутатлик сўровларига панжа орасидан қаралапти.

ХАЛҚ САЙЛАГАН ВАКИЛЛАР: қаердадир улар бор, қаердадир...

Одамлар додини кимга айтсин?

Жумладан, Ургут тумани маҳаллаларидаги ички йўлларнинг таъмири масаласи бир неча йиллардан бери масъул идораларнинг кун тартибидан тушмай келаётир.

— Мазкур муаммога ечим излаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўлларни таъмирлаш инспекциясига депутатлик сўрови юборган эдим, — дейди 70-Ургут сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Ғайрат Абдиев. — Аммо мазкур ташкилотнинг жавоби мени мутлақо қониқтирмади. Чунки бу жавобда аниқ рақам, факт, манзил кўрсатилмаган. Бир сўз билан айтганда, барча ташкилотларга бериладиган шаблон-хат. Бу ерда фақат сана, хат олувчининг манзили ва исми-шарифи ўзгартирилади, холос.

Мана, ўша хатдан жумлалар: «Масала муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, йўлларни таъмирлашни 2021 йилги Дастурга киритиш чораларини кўрамиз...», «Режадаги йўлларни таъмирлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилади...» ва ҳоказо. Ургутдаги қайси йиғинга қарашли йўллар ким томонидан ва қачон таъмирланади? Бу юмушларга қанча маблағ ажратилади? Таъмирлаш қайси муддатда якунланади? Афсуски, инспекциянинг жавоб хатида бу саволларга жавоб тополмадик.

Сухбатдошимизнинг сўзларига қараганда, Ургут тумани маҳаллалари ҳудудида бир неча йилдан буён қурилиши тугалланмаётган ижтимоий соҳа объектларининг кейинги тақдири юзасидан Молия вазирлигига юборилган депутатлик сўровига ҳам худди шу шаклдаги жавоб хати келган.

Ғайрат Абдиевнинг сўзларини тинглаб туриб, беихтиёр кишида савол туғилади. Вазирлик ва идоралар мутасаддилари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сўровигаки, шу даражада юзаки муносабат билдирсалар, унда оддий одамлар додини кимга айтсин? Ҳудудларда одамларни қийнаётган айрим ижтимоий муаммолар ечим топмаётгани, Халқ қабулхоналарию, порталларга тушаётган мурожаатларнинг кети узилмаётганига асосий



сабаблардан бири шу эътиборсизлик эмасмикан?

— Бахтимизга масъуллар орасида бизнинг мурожаатларимизга жиддий эътибор билан қарайдиган, эл манфаати, юрт равнақи учун куюнадиган одамлар ҳам бор, — дея сухбатга қўшилади 65-Зиёвуддин сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Шербек Бўронов. — Масалан, эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолган Нарпай туманидаги 30- ва 43-умумтаълим мактаблари биноларини Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағи ҳисобидан капитал таъмирлаш бўйича Халқ таълими вазирлигига депутатлик сўрови киритган эдим. Натижада мазкур объектлар таъмири учун 4 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилиб, қисқа муддат ичида бинолар мутлақо янги қиёфа касб этди. Жорий ўқув йилидан бошлаб нарпайлик болалар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган янги синфхоналарда таълим олишни бошлайди.

«Сайловдан сўнг депутатни кўрмадик...»

Кези келганда айтиш жоизки, 2019 йил 22 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлардан сўнг, Самарқандда бирор марта депутатнинг қадами етмаган фуқаролар йиғинлари ҳам талайгина. Жумладан, Пайариқ туманидаги «Эрназаркўрғон» маҳалласи шундай ҳудудлардан бири. Бу ердаги Тўполок ва Қўриқбўйрак қишлоқларида истиқомат қилувчи 5 мингга яқин аҳолини қатор йиллардан буён яроқсиз йўл ва эскирган симёғочлар муаммоси қийнаб келади.

— Ҳатто сал қаттиқроқ шамол турса ҳам юрагимизни ҳовучлаб хавотирга тушамиз, негаки, бу



симёғочларнинг аксариятини тортилган симларгина ушлаб турибди, улар кутилмаган вақтда кулаб тушиши мумкин,

— дейди Қўриқбўйрак қишлоғида яшовчи Ойбек Эрназаров. — Бу масала бўйича бир неча марта маҳаллий раҳбарларга мурожаат қилдик. Аммо ҳозирча бирор натижа йўқ. Йўлнинг ҳолатини ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳозир-ку ҳаво иссиқ, қуруқ. Қишда келсангиз, кўрасиз томошани. Ёғингарчилик туфайли йўлда пайдо бўлган сунъий «кўллар» пиёдаларнинг ҳам, автомашиналарнинг ҳам ҳаракатига катта тўсиқ бўлади. Олий Мажлисга сайлаган депутатимизни эса сайловдан сўнг кўрганимиз йўқ. Кўпчилик уни ҳатто танимайди ҳам. Умуман олганда, қишлоқ одамлари номзод ва депутатларни 4 йилда бир, у ҳам бўлса, сайловлар олдидан бўладиган учрашувлардагина кўришга одатланиб қолишган. Шундай бўлгач, уларнинг борлиги ҳатто эсимизга ҳам келмайди.

Одамларга «бегоналик» қачонгача давом этади?

Худди шу каби муаммолар Жомбой туманидаги «Халвойи», «Наймантепа» каби маҳаллалар ҳудудида ҳам мавжуд. Бу ердаги қисқа туташувлар туфайли куйиб, қорайиб кетган симёғочларни, таъмирланавериб яроқсиз ҳолга келиб қолган трансформаторларни янгисига алмаштириш масаласи ҳар йили «Йўл харитаси»га киритилади, аммо негача йил якунига қадар бажарилмайди.

— Қишлоғимиз марказидаги икки карра зўриқиш билан ишлаётган эскирган трансформаторни алмаштириш бўйича маҳаллий ва республика газеталарида бир неча бор чиқишлар қилинди, аммо аҳвол ўзгаргани йўқ, — дейди Туркман қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Эркин Омонов. — Янги трансформатор олиб ке-

либ ўрнатамиз, тезда жой ҳозирланглар, дейишгани учун махсус супача ҳам қуриб қўйдик. Мана, икки йилдирки, супача ҳамон бўш турибди. Қанийди, маҳаллий идораларнинг имкониятлари етмаётган шу каби масалаларга депутатларимиз ҳам аралашиб, бош кўшсалар, нур устига нур бўларди. Ахир, кўпчилик бирлашса, тоғни талқон қилиши мумкин. Қолаверса, сайловлар олдидан улар шу халқнинг муаммоларини ҳал қилишга ваъда берган эдилар. Мана, 9 ой ўтибдики, улардан дарак йўқ. Яна сиз депутат назорати дейсиз-а!

Депутат назорати нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, балки маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятининг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзини таништиришни истамаган маҳаллий Кенгаш депутатларидан бирининг айтилишича, яқинда ўтказилган сессияда депутатлар ҳуқуқ-тартибот идораси ва туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарларининг ҳисоботини эшитишган. Шу ерда у кишига бир савол бердик: Кенгаш сессияларида ҳисоботларни тинглашдан бошқа одамларни қийнаётган ижтимоий муаммолар неча марта муҳокама қилинди ва қандай чора-тадбирлар белгиланди? У елкасини қисиб: «Бу ҳақда бирор нарса дея олмайман, кенгаш раисидан сўраб кўринг, у билиши керак» деди.

Мана, сизга халқ сайлаган вакилнинг муаммоларга нисбатан муносабати. Юқоридаги мулоҳазалар билан кимнидир айблаш ёки қоралаш фикридан йироқмиз, шунчаки мавжуд вазиятга кўзгу тутяпмиз, холос. Қолган масалалар эса масъулларнинг ўзларига ҳавола. Ҳар не бўлса-да, шу халқ, шу эл уларни ўз номидан маҳаллий органларга вакил этиб сайлаган экан, шунга муносиб бўлиш, масъулиятни оқлаш ҳам керак-да.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»



Сариосиё туманида
иккита меҳмон уйи ташкил этилди.

Шўровулнинг йўллари НИМАДАН ШЎРЛАНЯПТИ?

Шимолий минтақа — Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудларни ободонлаштириш, газ, сув, электр таъминоти, йўлларни таъмирлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётган бўлса-да, мутасадди ташкилотларга турли мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳолининг ҳақли эътирозларини ўрганиш ва ҳал этиш масаласига эътибор қаратилмаётганидан далолат беради. Қиш фасли яқинлашаётган бир паллада фуқароларнинг яшаш тарзи билан боғлиқ муаммолари ҳал этилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?



«Уй-жой қуряпмиз, аммо яшашга шароит йўқ...»

Тахياتош тумани «Нурли келажак» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Шўровул масканида янги ҳовли-жойлар бунёд этилгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо бу ерда истиқомат қилувчи аҳолига қай даражада яшаш шароити яратиб берилган?

— Икки йил аввал кам таъминланган оилалар қаторида бизга ҳам маҳалла ҳудудидан аукционсиз, бепул ер участкаси ажратиб берилган эди, — дейди **Рустам Жуманов**. — Елкамизга офтоб тегадиган бўлди, деб бу хабардан бошимиз кўкка етди. Кўп йиллардан буён 3 нафар фарзандим, аёлим билан ижарада яшаб келардим. Бор кучимизни тўглаб, иморат қуришнинг азобини тортдик. Уч хонали уйни амал-тақал қилиб қуриб олдик. Биз қатори кўпчилик қўни-қўшниларимиз уй-жой қуришга киришди. Лекин ҳозир бу ҳудудга ҳамма ҳам кўчиб келолмаяпти. Фақат 15-20 та оила мажбурликдан кўчиб келдик. Ахир, ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган жойда қандай яшаш мумкин?

Мана, икки йил бўлди, биронта



коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ишламайди. Худудимизга яқин жойда қурилаётган ипотека уйлари-га марказий газ қувири тортилган. Биз эса уйимизни газ билан таъминлаш учун ўзимиз харажат қилишимиз керакка ўхшайди. Ичимлик суви умуман йўқ. Электр энергияси таъминоти учун бор-йўғи иккита симёғоч қуриб беришди. Қолганига ҳар ким ўзича қўлбола устун қуриб, электр энергиясига уланишяпти. Йўллар созми, ишқилиб, дерсиз? Ҳудуд номига яраша шўр. Яёв юришнинг имкони йўқ. Мактабга қатнайдиغان фарзандларимизни аяймиз. Бу борада туман ҳокимлиги, Президентнинг тумандаги Халқ қабулхонасига бир неча маротаба мурожаат қилганмиз. Ва-

киллар аҳоли билан учрашиб, вазиятни ўрганишди, лекин натижа қани?

Дарҳақиқат, Тахياتош туманида янгидан барпо этилаётган аҳоли пунктидаги вазият билан танишган киши мурожаатчилар тўла маънода ҳақ эканини англайди. Уйлар ўртасидаги очиқ майдонни йўл деб бўлмайди. Шўр тупроқнинг ўйдим-чуқурларидан юрган одам оёғини лат едириб олиши ҳеч гап эмас. Қурилиш ишлари учун қазилган хандақлар эса шундоқ очиқ ётибди. Қурилиш материаллари қолдиқлари шу қадар кўплигидан бу ерда ҳеч қандай улов, ҳаттоки эшак ҳам бемалол юра олмайди. Умидли дунё. Ўз уй-жойини қуриб олган аҳоли Шўровулда аҳвол ўнгланишига умид қилмоқда.

Муаммога ечим борми?

Излаган имкон топади, бу бор гап. Камбағал оилаларга бепул ер ажратиб берилиши мақтовга лойиқ. Лекин ажратилган ерда қурилиш ишларини олиб бориш учун уларга ҳеч қандай имконият яратилмаган бўлса, бундан нима наф? Камбағални туянинг устида ит қопавериши керакми? Уй-жой қуриш учун ер участкасига эгалик қилган шахс майдонни бир амаллаб текислаши, пойдевор қуриши мумкин. Коммуникация-муҳандислик тармоқларини ўрнатиш, электр энергияси таъминоти ҳар қалай унинг вазифасига кирмаса керак? Ахир, бунинг учун озмунча маблағ кетадими? Шўровулда кузатилаётган ҳолат республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам учрайди. Туман ҳокимлиги бу муаммога қандай қарайди?

— Муаммоларга ечим, албатта, топилади, — дейди **Тахياتош тумани ҳокими ўринбосари Абдурашид Омонов**. — Тўғри, аҳолининг сув, газ, электр энергияси билан

таъминланишини қисқа фурсатда ҳал қилиш қийин. Бунинг учун олдиндан режа тузилиб, маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади. Айни пайтда Шўровулнинг йўллари текис ва равон қилишга киришдик. Яқин кунлар ичида транспорт қатнови йўлга қўйилади. Бунинг учун йўллар текисланиб, қум тўшаб берилиши керак. Қолган муаммолар йўл-йўлакай ҳал қилинади. Мутасадди идораларга тегишли топшириқлар берилган.

Аҳвол ўнгланадими?

Мақолани тайёрлаш жараёни кетаётган пайтда мазкур ҳудуддаги айрим муаммолар ечимига киришилгани ҳақида туман ҳокимлигидан маълумот олдик. Ўйлаб қоласан, киши. Нима учун аҳоли мурожаатларига ўз вақтида эътибор қаратилмайди? Кимнингдир турткисини кутиш керакми? Бизга маълумот беришларича, йўлларни текислаш, вақтинча қум ёйиб бериш ишлари бошланиб, устунлар олиб келинган. Уйлар электр энергияси билан таъминланмоқда. Шунингдек, табиий газ ва ичимлик суви билан боғлиқ масала келгуси йил дастурига киритилади.

Аҳоли мурожаатларига бефарқ қараш ярашмайди. Агар шундай ҳолат ҳукм сурса, яхшиси, халқ дардини тингламайдиган, унинг оғирини енгил қилмайдиган мансабдор шахслар ўз курсисини бўшатиб қўяверсин. Биз эса Шўровулнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонамиз. Янги барпо этилаётган аҳоли пунктида мактаб, болалар боғчаси, оилавий поликлиника, спорт майдончаси ва бошқа кўплаб иншоотлар, тадбиркорлик субъектлари қад ростлайди. Бунинг учун эса халқ мурожаатлари ўрганилиб, муаммолар ечимига ўз вақтида киришилиши керак.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

ЖАРАЁН

Қорақалпоғистонда янги канал қурилмоқда

Хитой ва маҳаллий 14 та пудратчи компания томонидан Эллиққалъа, Беруний ва Тўрткўл туманларини кесиб ўтувчи Бўстон канали қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган бу лойиҳанинг умумий қиймати 376,7 млн. долларни ташкил этади. Қурилиш ишлари Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Қайд этилишича, канал ишга тушгандан кейин Эллиққалъа, Беруний ва Тўрткўл туманларидаги 100 минг гектар суғориладиган ерда сув ресурсларини бошқариш яхшиланади. Йилига 269 млн. м³ сув иқтисод қилинади. 402 та насос станцияси фаолияти тўхтатилиб, йилига 6,9 млн. долларлик электр энергияси ва фойдаланиш харажатлари иқтисод қилинади.



Фуқаролар пахта йиғим-терими ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳар қандай масала юзасидан 1092 рақамга мурожаат қилиши мумкин.

ФХДЁ

тизимдаги муаммоларга
чек қўйилади...(ми?)

Соҳани тартибга солиш, одамларга қулайлик яратиш борасида кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йил 26 август куни Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хўш, ҳужжатнинг қандай аҳамиятли жиҳатлари бор? Қарор соҳадаги бюрократия, расмийлик ҳолатларига чек қўй оладими? Одамларга қандай қулайликлар яратилади?

— Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 январга қадар туман (шаҳар) ФХДЁ бўлимлари ходимлари Адлия вазирлиги томонидан аттестациядан ўтказилади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев. — Улар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари бўйича Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бўлимлари ходимларига тенглаштирилади. Яна муҳим жиҳат: ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари мудирлари, инспекторларининг туман (шаҳар) ҳокимликлари тизимидаги ишлаган даври кўп йил ишлагани ҳамда мартаба даражалари олиш учун устамалар тўлашга зарур бўлган иш стажига қўшилади.

Рақамлаштириш бюрократияга барҳам беради

Маълумки, ФХДЁ органларининг статистика дафтарлари 2019 йил 1 июлдан электрон тарзда юритила бошланди. Туғилганлик, никоҳ, никоҳдан ажралиш ва ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномаларни фақат компьютер ёрдамида



тўлдириш тартиби жорий этилиб, уларни қўлда ёзиш талаблари бекор қилинди.

— Айтиш керакки, рақамлаштириш ишларининг тезкорлик билан амалга оширилиши фуқароларнинг вақтини тежаш ва бир ҳужжат ортидан турли идоралар эшиги олдида навбат кутилишига чек қўяди, — дейди Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими Севара Зокирова. — Тасаввур қилинг, авваллари бирор бир ҳужжатни ўзингизга қарашли ФХДЁ бўлимидан олишингиз учун қанча вақт сарф этиларди. Устига-устак, ортиқча қоғозбозлик, дегандай. Янги тизимга ўтилаётгани ана шундай ортиқча вақт йўқотишга чек қўйишдан ташқари, идоралараро ахборот алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни давлат идоралари кўплаб маълумотларни инсон омилисиз олиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, соҳада «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими жорий этилган эди. 2020 йил якунига қадар мазкур тизим блокчейн технологиясига ўтказилади. Блокчейн тизимга қўшимча махсус аппарат воситаларидан фойдаланмасдан хавфсиз кириш ва ундан фойдаланиш имконияти-

Никоҳ, туғилиш, ажралиш ва ўлим каби ҳаётий воқеалар бор экан, уларни қонуний қайд этишга эҳтиёж бўлади. Кундалик турмушда бундай ҳолатлар ҳар куни учрайди. Шунинг учун ҳам уларни қайд этувчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари бинолари доим одамлар билан гавжум. Мана шу гавжумлик ушбу соҳада айрим муаммолар юзага келишига сабаб бўлган. Турнақатор навбатлар, ишни тезроқ битириш учун пора бериш, фойда келмайдиган ишларни ҳал этишни пайсалга солишдек иллатлар илдиз отгани сир эмас.

засига кўра ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

— Шунингдек, қарор билан бир қатор ҳужжатларни олиш тартиби соддалаштирилди, — дейди С.Зокирова. — Масалан, фуқаролик ҳолатлари, жумладан, никоҳ ёки туғилганликни қайд этиш эндиликда гербли гувоҳномалар тақдим этилгандагина эмас, балки ФХДЁ архиви маълумотномалари асосида ҳам амалга оширилади. Бола туғилганда бериладиган суюнчи пули, дафн маросими учун бир маротабалик нафақа пулларини олиш учун маълумотлар энди қўлма-қўл фуқароларга берилмасдан, Пенсия жамғармасига махсус электрон тизим орқали тўғридан-тўғри юборилади. Бу эса фуқароларнинг нақди ва вақтини тежашга хизмат қилади.

Қарорга кўра, энди никоҳланувчи шахслар ўз хоҳишларига кўра, иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолишлари мумкин. Никоҳланувчилар фамилияларининг қўшилиши орқали ҳосил бўлган фамилия умумий фамилия сифатида танланиши мумкин. Масалан, куёв Аҳмедов, келин Шўхратова бўлса, шунда куёв Аҳмедов-Шўхратов, келин эса Аҳмедова-Шўхратова бўлиши мумкин.

Қўшфамилияли фуқароларнинг фарзандига қандай фамилия берилишига келсак, бундай ҳолатда Оила кодексининг 69-моддасига асосан, боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда уларнинг келишувига биноан, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Шунингдек, ота-онанинг хоҳишига кўра, бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қарор ижроси ФХДЁ тизимида учраётган муаммоларга чек қўйишга хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг манфаатларини таъминлайди, уларга кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тезкорлиги янада ошади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



«АРМИ—2020»: Ўзбекистон ҳарбийлари
ғолиблар сафидан жой олди.



Мехри БЕКЖОНОВА:

«ҲАЁТНИНГ ЎЗИ чек-чегараси йўқ сахнадир»

Муסיқа, кўшиқ, образ. Ана шу уч бирлик билан намоён бўлувчи санъат тури бор: муסיқали драма театри. Муסיқасиз сахна асарига актёр ёки актриса икки-уч карра куч сарфласа, ария, дуэт орқали образ руҳий кечинмаси очиб бериладиган драматик асарга тўрт-беш ҳисса кўпроқ ижод қилинади. Санъатнинг бу турида ижодий чўққига эришган актрисалардан бири — Муқимий номидаги муסיқали драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Мехри Бекжоновадир. Таниқли актриса билан театрнинг бугунги ҳолати, ёшлар тарбиясидаги ўрни, санъаткор одоби, соҳадаги муаммо ва камчиликлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Муқимий номидаги муסיқали драма театрида меҳнат қилиб келаётган фахрий санъаткор сифатида ижодий жамоанинг ҳозирги фаолияти сизни қониқтирадими?

— Театримиз 1939 йилдан бери халқимизга хизмат қилиб келяпти. Бу санъат қошонасига кимлар келиб, кимлар кетмади? Четдан кузатганда, уч авлод — ёшлар, ўрта қатлам ва ёши улуғ санъаткорлар театримизда ижодий муҳитни жипслаштириб турибди, назаримда. Драма то сахна юзини кўргунича асар муҳокамаси, ролларнинг тақсимланиши, репетиция, премьерара жараёнлари кетади. Бир йилда 3-4 та асарни томошабин ҳукмига ҳавола этамиз, бу кам, албатта. Мухлис қалбини забт этадиган, тарбиявий таъсир доираси катта, замондошларимиз руҳий-маънавий оламини акс эттирувчи муסיқали драматик асарлар кўпроқ яратилса, бизда танлаш, саралаш имконияти кўпроқ бўлар эди. Сюжети ўткир ва композициясига катта юк берилган муסיқали драма фақат актёрлар жамоасига эмас, балки томошабинларга ҳам манзур бўлиши аниқ.

— Актёр драматик асарда бошдан-оёқ ўша образнинг ичига кирмаса, образ томошабинни тўлқинлантирмайди, таъсирлантирмайди. Сизнингча, яна қайси жиҳатлар актёр ёки актрисани томошабинга боғлайди?

— Истеъдодли ёш ҳамкасбларимни қадрлайман. Уларнинг образ яратиб, мухлис қалбини забт этиши ўз келажига учун тамал тоши қўйишидир, аслида. Кўп йиллик хулосам шундай: актёр ҳам, актриса ҳам яратган образи билан мухлис юрагига муҳрланади. Жамоат жойларида

юрган санъаткорни кўриб қолса, мухлис зоти худди мўъжизага дуч келгандек, унинг ёнига шошади, саломлашади, суратга тушгиси келади. Санъаткор эса: «Вақтим йўқ, шошиб тургандим!» дея рад этса, ҳаттоки бир энлиқкина дастхатини ҳам ёзиб бермаса, ўша актёр сиймосини қалбида асраб-авайлаб юрган мухлиснинг қандай аҳволга тушишини тасаввур қилаверинг. Ўйлаб кўрайлик, энди у ўша санъаткорни ҳурмат қиладими, ўйнаган ролларини қадрлайдими? Менимча, санъаткор ўз одоб-ахлоқи, бой маънавий дунёси билан ҳам мухлисни лол қолдириши керак.

— Мазмунли, ҳаётий сценарий яратилса, бу театр репертуарининг бойлигидан далолат беради. Сиз ишлаётган даргоҳда драматургларнинг театр ижодий жамоаси билан ҳамкорлиги қандай йўлга қўйилган?

— Аслида, ҳаётнинг ўзи чек-чегараси йўқ сахнадир, инсон зоти унда турлича қиёфаси билан из қолдиради. Сценарий кишилиқ жамиятининг қайсидир воқелигини ўзида акс эттирар экан, томошабин унда ўзини, таниш-билишини, қариндош-уруғини кўради. Демак, театр санъати ҳаётни акс эттирмаса, актёрнинг сахнага чиқиб, роль ўйнашдан не наф? Муқимий номидаги муסיқали драма театрида 1982 йилдан ўз фаолиятимни бошлаган бўлсам, Собир Абдулла, Ҳамид Ғулом сингари адибларимизнинг асарлари сахналаштирилди. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зухра», «Гул ва Наврўз» сингари классик асарлар ҳамон сахнамизни безаб турибди.

Очиғини айтганда, муסיқали драматик асар ёзишга кунт қиладиган ёзувчи-шоирлар кам. Қанийди, бир йилда 10-15 та сценарий тақдим этилса. Афсуски,

сценарийлар жуда кам, яратилганлари ҳам саёз, савияси паст. Бу эса ижодий жамоамизга саралаш имкониятини бермайди, борини сахналаштиришга мажбурмиз. Кейинги йилларда Холи Хурсандов, Нурулло Аббосхон, Кўчқор Норқобил, Хосият Рустамова каби ижодкорлар ўз муסיқали драматик асарларини ҳавола этишяпти. Сценарий, аввало, режиссёр «чиғириғи»дан ўтказилиб, актёрлар гуруҳига берилади. Агар унинг айрим жиҳатлари маъқул келмаса, муаллиф қайтадан кўриб беради. Қисқаси, сценарий мазмунли, таъсирли, ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, бу муаллиф, қолаверса, актёрлар меҳнати маҳсули бўлиб қолади.

— Ҳозирги вақтда телевидение орқали намоёйиш этилаётган Туркия, Корея давлатлари сериаллари ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатяпти. Нима учун ўз халқимиз тарихи, буюк аждодларимиз ҳаётига бағишланган тарбиявий характердаги сериаллар яратилмаяпти?

— Бу масала кенг жамоатчиликни ўйлантиряпти. Ўзбекча сериаллар бор, аммо аксарияти маиший-ахлоқий мавзуларда, мазмунан бир-бирига эгизакдек ўхшаш бўлгани боис эътироф этилмаяпти. Шу ўринда «Авлоний», «Илҳақ» бадий фильмларининг яратилиб, томошабин аҳлига манзур бўлганини таъкидламоқчиман. Бўлар экан-ку, яратса. Кўп қисмли бадий сериалларга катта маблағ керак. Балки бу борада тадбиркорлар, ишбилармон доиралар билан ҳамкорлик қилиш керакдир.

Она тилимизга таржима қилинган хорижий сериаллар эса «оммавий маданият» унсурларини акс эттираётгани ва ўткир сюжети билан ёшлар аудиториясини ўзига ром этиб олмоқда.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Мехри Бекжоновара 1962 йилда Наманган вилояти Поп туманида оддий ишчи оиласида дунёга келган. 1984 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтини актёрлик йўналиши бўйича битирган. 1982 йилдан бери Муқимий номидаги муסיқали драма театрида ишлайди. Актрисага 2009 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилган.

Агар оилавий даврада, таълим масканларида таъсирчан тарбия усулларига мурожаат қилинса, менимча, хориж сериалларига тақлид қилиш, қахрамонларидек бўлишга интилиш ҳисси ёшларда кучайиб кетмайди.

— Кино, театр, кўшиқчилик ва санъатнинг бошқа турларида бир марталик ролга тақлиф қилинадиган қиёфалар учрайди. «Чумчуқ сўйса ҳам қас-соб сўйсин» дейишади, ахир. Нима учун санъатдан беҳабар ҳаваскорга роль берилади?

— Фикрингиз тўғри, онда-сонда шундай ҳолатлар учрайди. «Конфетка» режиссёрнингми ёки таниқли актёрнингми қариндоши бўлиб чиқади. Аммо барча соҳадаги сингари кино, театр санъатида ҳам касбий салоҳият, яъни профессионализм юксак туриши керак. Роль ўйнайдиган киши назариядан хабардор бўлмаса, амалиётни қойиллата олмайди. Ўзбекистон санъат ва маданият институтида «Саҳна маданияти», «Актёрнинг нотиклиқ маҳорати» каби касбий ўқув курсларидан зарурий даражада билим эгалламаган бўлса, собиқ талаба таваккал қилиб сахнага чиқмагани афзал. Чунки бўлғуси актёрда касбий пойдевор бўлмаса, ўйнаган роли сохта, сунъий чиқади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири
Хулқар КУЗМЕТОВА
суҳбатлашди.



«Лазги», «Шашмақом», аския ва палов
ЮНЕСКО рўйхатига тавсия этилди.



Донорлик — беморларга ёрдам беришнинг, инсонларга яхшилиқ қилишнинг оддий усули. Ҳар куни минглаб инсонлар донор қонига муҳтож бўлади. Афсуски, қонни сунъий тарзда ишлаб чиқишнинг имкони йўқ. Унинг ягона манбаи — беғараз донорлардир.

ДОНОРЛИК — ОДДИЙ, АММО ОЛИЙ ҚАҲРАМОНЛИКДИР

Кимлар донор бўла олади?

18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, оғирлиги 50 килограммдан юқори, ўзини соғлом деб билган, ирқи, касби, жинсидан қатъи назар, ҳар бир инсон қон ва унинг компонентлари учун донор бўла олади. Бунинг учун аёлларда гемоглабин даражаси 120, эркакларда эса 130 дан юқори бўлиши керак. Ана шу талабларга жавоб берадиган соғлом аёллар ҳар уч ойда, эркаклар икки ойда бир марта донорлик қилишлари мумкин. Плазма ва қоннинг бошқа компонентларини ҳар 14 кунда топириши мумкин.

Инсон организмда 4,5-5 литр қон бўлади. Кўп йиллик илмий изланишлар шуни кўрсатдики, 500 мл.гача қон топириши организм учун хавфсиздир. Ҳар бир донорлик амалиётида ўртача 350-400 мл. қон олинади. Унинг ўрни эса 36 соат ичида қайта тикланиш хусусиятига эга. Фақат маълум муддат оғир жисмоний ҳаракатлар қилмай, кўпроқ суюқлик ичиши тавсия этилади.

Донор нималарга риоя қилиши керак?

Қон, унинг таркибий қисмлари ва препаратлари инсон ҳаёти хавф остида қолганда қўйилади. Жумладан, оғир даражали кам-қонлик, лейкоз, қон ивиш тизими бузилиши, саратон касалликлари, оғир туғуруқлар, жарроҳлик амалиёти, қуйишлар ва турли фавқуллодда ҳолатларда қон қуйиш тирик қолишнинг ягона усулидир. Бунда эса қоннинг сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳўш, донор қон топиришидан олдин нималарга эътибор бериши керак?

Энг аввало, мунтазам равишда тўлақонли овқатланиш, кун давомида кўпроқ суюқликлар истеъмол қилиш зарур. Амалиётдан 2-3 соат олдин ёғли, аччиқ таомлар истемол қилмаслик лозим. Ёғли овқатлар қоннинг сифатига таъсир қилади ва унинг даво самарасини камайтиради. Шу билан бирга, оч қоринга қон топириши мумкин эмас, шунинг учун донор эрталаб енгил нонушта қилиб келиши лозим бўлади.

Тунги навбатчиликдан кейин қон топириш тавсия этилмайди, чунки навбатчиликда кўп қувват сарфланади, бу эса организмда модда алмашинувига таъсир қилади. Донорликкача икки кун мобайнида спиртли ичимликлар ичиш мутлақо тақиқланади. Донорлар қон маркаларида тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилади. Шундан сўнг шифокор тавсиясига кўра донорлик қилиши мумкин.

Донорлик кимларга мумкин эмас?

Қон олишдан аввал уни қабул қилаётган инсон хавфсизлигини таъминлаш учун донорнинг қандай касалликлар билан оғиргани, соғлиғи, яқин орада ичган дори-дармонлари ва ҳаёт тарзи ҳақида маълумот йиғилади. Ҳар қандай маълумотлар сир тутилиши кафолатланади. Қон топиригач, донор доимий ҳаёт тарзини давом эттириши мумкин.

Қон донори бўлишга тўсқинлик қилувчи қатор омиллар ҳам мавжуд. Хусусан, ОИТС, ОИВ, захм, вирусли гепатитлар, сил, қон касалликлари, миопия (узоқни кўра олмаслик, кўриш даражаси минус 6 дан паст бўлса), юрак, ўпка, жигар ва буйрак етишмовчилигини бошдан кечирган шахслар касаллик қачон ва қай даражада кечгани ҳамда даво муолажаларининг натижасидан қатъи назар, донор бўла олмайди.

Қон бериб, янада соғлом бўласиз

Донорлик нафақат қон олувчи, балки қон берувчининг саломатлиги учун ҳам фойдали ҳисобланади. Абу Али ибн Сино ҳам қон олдириш танадаги «мўллик», яъни томирлардаги яроқсиз хилтларни чиқариб юборишини таъкидлаган. Қони кўпайиб кетиб, касалликка

чалинувчан бўлиб қолган ҳамда айрим хасталиклар билан оғирган беморлар қон олдириши зарурлиги ўқтирилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, донорлар бошқаларга қараганда 5 йил кўпроқ умр кечиришади. Айниқса, 40 ёшдан ошган кишиларнинг йилда бир марта қон топириши юрак-қон томир тизими учун янгиланиш, демалки, умрни узайтириш дегани. Йиллаб ишлаган томирлар гўё «курум босган»дек ёмон аҳволга келиб қолади. Қон топириш эса уларни тозалаш, ҳужайраларнинг табиий янгиланишига ва организм ёшаришига олиб келади.

Бахтсиз ҳодисалар, операциялар чоғида организмнинг оғир талафотларга учраш эҳтимоли донорларда бошқаларга қараганда камроқ бўлади. Чунки донор организми қон йўқотишга мослашган бўлади ва оғир асоратларни ҳам нисбатан енгилроқ ўтказади. Донорлик инфаркт ва бошқа юрак-қон томир касалликлари келиб чиқиши хавфини ҳам бир неча бор камайтиради. Олимлар эркак донорлар орасида юрак инфаркти бошқаларга қараганда 30 фоиз камроқ учрашини аниқлашган.

Бундай амалиёт юрак, қон-томир тизими касалликлари, атеросклероз, подагра, овқат ҳазм қилиш, ошқозонности беши, жигар ва асосий модда алмашинуви фаолиятлари бузилишининг олдини олишда фойдали ҳисобланади. Иммуни тизими касалликларининг олдини олишда ҳам доимий равишда қон топириш фойдалидир, чунки у ҳам организмнинг умумий янгиланиши билан боғлиқ. Қон донорларида ўпка, тўғри ичак, ошқозон ва ҳиқилдоқ саратони учраш хавфи камаяди.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ҳамда бепул топирувчи донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланади ва базавий ҳисоблаш миқдорининг беш барава-ри миқдорида бир марта тўлиқ бериладиган пул мукофоти олади.

Динда нима дейилган?

Ислом дини вужудга келган еттинчи асрда қон қуйиш амалиёти бўлмаган. Аммо ҳозирги кунга келиб тиббиётнинг ажралмас қисми бўлган бу амалиётнинг диний жиҳатлари савол туғдириши табиий.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси маълумотларига кўра, қонни бир кишидан иккинчи кишига қуйишда маън қилувчи омиллар йўқ. Тиббий нуқтаи назардан тўғри келса, яъни донорнинг қонидида хавфли касалликлар бўлмаса, руҳсат берилади. Ёш-қари, аёл-эркак, мусулмон-мусулмон эмаслигидан қатъи назар, бир кишидан иккинчисига қон қуйиш мумкин.

* * *

Умуман олганда, донорлик ҳар қандай инсон қилиши мумкин бўлган оддий, лекин олий қаҳрамонликдир. Қон донорлиги жамият саломатлиги учун берилиши мумкин бўлган беғараз ёрдамдир. Бу яхшилиқ, албатта, бир куни қайтади...

Муҳаррам ПЎЛАТОВА,
Республика қон қуйиш
маркази донорларни жамлаш
бўлими бошлиғи.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» парвозларида ПЗР усулида олинган таҳлил натижаларини тақдим этиш зарур.

ЧАНОҚ БЎҒИМИНИНГ

туғма касаллигига нима сабаб бўлади?

— 2 ёшли қизимга шифокорлар дисплазия ташхисини қўйишди. Айтишларича, бу туғма касаллик экан. Унинг келиб чиқиш сабаблари, даволаш муолажалари, асоратлари ҳақида маълумот берсангиз...

Ноила ШУКУРОВА.
Қашқадарё вилояти.

— Дисплазия — чаноқ-сон бўғимининг туғма касаллигидир. Айтиш керакки, чаноқ-сон бўғими дисплазияси ва унинг туғма чиқиши болаларда учрайдиган ортопедик касалликлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Унда чаноқ-сон бўғими барча элементларининг нотўғри ривожланиши оқибатида бўғим косачаси ва сон суяги бошчасининг бир-бирига нисбатан тўлиқ силжиши кузатилади. Сон суяги бошчаси бўғим косачасидан ташқарига ва юқорига силжийди.

Аслида бу ҳолат бола бўғимидаги бойлам ва мушаклар тонусининг бўшлиғи сабаб юзага келади ва бир ойлигида ўз-ўзидан ўтиб кетади. Лекин ҳар минг чақалоқнинг тўрт-беш нафари сон суягининг чиқиши кучли бўлиши сабаб шифокорга мурожаат қилади.

Ушбу хасталик қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан 5-6 марта кўпроқ учрайди. Бу туғма нуқсоннинг илк белгиларини аниқлаш жуда қийинлиги туфайли ота-оналар ҳамда баъзида тиббиёт ходимлари томонидан касаллик вақтида аниқланмайди ва бола юра бошлагандан кейингина, оқсоқланиб юрганида бунга аҳамият бера бошлайди. Ваҳоланки, чаноқ-сон бўғими дисплазияси ва туғма сон чиқишини бола юрмасдан олдин аниқлаб, даволагандагина яхши натижалар олиш мумкин.

Наслдан-наслга ўтадимми?

Айтиш керакки, дисплазия айрим ҳолларда наслдан-наслга

ўтиши мумкин. Аслида касаллик ривожланишига ва сон суяклари-нинг туғма чиқишига бир нечта омиллар сабаб бўлади. Кўп ҳолларда думбаси билан туғилган чақалоқларда учраса, ҳомиладорликнинг биринчи ярмидаги турли хасталиклар, жумладан, оғир ўтган токсикоз ҳам касалликни келтириб чиқарувчи асосий омил ҳисобланади. Бўлажак онанинг яшаш ва иш жойидаги экологик ҳолат ҳам катта аҳамиятга эга. Булар дисплазия ривожланишига ва ҳатто, сон суякларининг туғма чиқишига олиб келади.

Айрим ҳолларда эса эрта турмушга чиққан ва оила, фарзанд парвариши хусусида тажрибага эга бўлмаган оналарнинг етарли маълумоти йўқлиги сабабли бу касаллик ўз вақтида бартараф этилмасдан қолади.



Соғлом чаноқ



дисплазия

Белгилари қандай намоён бўлади?

Дисплазиянинг илк белгиларида оёқ ташқарига қарashi, бир томонлама чиқишда бир оёқнинг иккинчисига нисбатан калталиги, сон соҳасидаги ички тери бурмаларининг паст-баланд жойлашиб,

бир-бирига мос келмаслиги кузатилади.

«Қирсиллаш» белгиси чақалоқларда уч ойликкача кузатилади. Бунини аниқлаш учун чақалоқнинг оёқлари чаноқ-сон ва тизза бўғимларидан тўғри бурчак остида букиб туриб, ўрта чизикка келтирилиб, сўнг-ра секин очилади, шунда чиқиш томонда қирсиллаш эшитилади. Меъёрда боланинг оёқлари ёзилган ва бирлаштирилганда олд ва орқа сонда тери бурмалари симметрик бўлади. Уларнинг асимметрияси ўша томонда чаноқ-сон бўғими дисплазияси борлигини кўрсатади.

Касалликдан тўлиқ фориғ бўлиш мумкинми?

Агар болада юқоридаги белгилардан бирортаси аниқланса, кечиктирмай болалар ортопед-шифокорига мурожаат қилиш керак. Болалар клиник, ультрато-вуш аппарати ёрдамида ва рентгенография усули билан текширилиб, ташхис қўйилади ва даволаш муолажалари бошланади. Даволаш усуллари ҳар хил бўлиб, у боланинг ёшига, туғма сон чиқиш даражасига қараб белгиланади.

Бола қанчалик ёш бўлса, уни ҳар хил мосламалар (махсус шиналар, Виленский шинаси ва «махсус памперс») билан даволаш мумкин. Боланинг оёғи калталиги катта бўлса, у ҳолда нуқсон ҳар хил гипсли боғламлар («Тер-Егизаров-Шеп-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Туғма маймоқлик ногиронликка олиб келадими?

Бу хасталик энг кўп учрайдиган туғма ортопедик касалликлардан бири бўлиб, ўрта ҳисобда ҳар 1000 нафар туғилган боладан 4 нафарида учрайди. Туғма маймоқликнинг пайдо бўлиши бўйича аниқ бир хулосага келинмаган бўлса-да, лекин баъзи вақтларда наслдан-наслга ўтиши, она ҳомиладорлик даврида касаллангани, жароҳат олгани бунга сабаб бўлиши мумкин.

Агар бу нуқсонга ўз вақтида, тўғри ва замонавий стандартларга мос ташхислаш ва даво чоралари кўрилмаса, оғир ногиронликка олиб келади. АҚШда бу нуқсонни даволаш учун Понсети усули кашф қилинган. Бу усул ривожланган давлатларда стандарт усул ҳисобланади.

тун», «Ланге», «Лоренц» усуллари-да), баъзи ҳолларда эса хирургик йўл билан даволанади. Шунингдек, чақалоқлар 2 ойлигида оилавий поликлиникада ортопед-шифокор кўригидан ўтказилиб, профилактика мақсадида оёқларини кенг йўргаклаш ёки «керувчи мосламалар» тақиш тавсия қилинади.

Даволаш давомийлиги ўртача тўққиз-ўн бир ойни ташкил этади. Касаллик ўз вақтида аниқланиб (3-12 ойликкача), шифокор кўрсатмасига риоя қилинса, ундан тўлиқ фориғ бўлиш мумкин.

Умуман олганда, дисплазияни ўз вақтида даволаш, унинг олдини олиш чораларини кўриш зарур. Бунда оналар, аввало, ўз соғлиғига, сўнг-ра эса янги дунёга келган фарзанди соғломлигига жиддий эътибор беришлари зарур бўлади.

Раҳим ТИЛОВОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия
илмий-амалий тиббит маркази
шифокори, тиббиёт фанлари
номзоди.



Коронавирус: Тошкентда касалланиш ҳолатлари кескин кўпайди.

«Қориннинг учдан бири таом, учдан бири ичимлик ва учдан бири нафас олиш учун бўлсин!»

Ислом динининг фарз ва суннатларига амал қилиш нафақат инсон хулқининг гўзаллашишига сабаб бўлади, балки кишининг жисмонан соғлом ва баркамол бўлишини ҳам таъминлайди. Айниқса, таомланишдаги талаблар саломатликни сақлашга хизмат қилади. Хўш, ислом таомилларига кўра, овқатланиш қоидалари қандай ва бу қоидалар киши саломатлигига қанчалик ёрдам беради? Таомлар қайси хусусиятига қараб ҳалол ва ҳаромга ажратилади?

Ерга тушган луқмани олиб ейиш тўғрими?

Овқатланишдан олдин ва кейин қўлни ювиш барча мусулмонлар учун бирдек суннатдир. Ушбу қоида санитария-гигиена қоидаларининг биринчи талабидир. Тиббиёт ходимлари ҳам тозалikka жиддий эътибор бериш саломатлик учун кони-фойда эканини таъкидлашди. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Таомдан олдин ва кейин қўллари ювиш фақирликни даф қилади ва у пайғамбарларнинг суннатларидандир», дедилар (Имом Табароний ривояти). Бошқа ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Таомнинг баракаси ундан олдин ва кейин қўлни ювишдадир», деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Шунингдек, ислом динида овқатланишдан олдин «Бисмиллаҳ»ни айтиш, ўнг қўл билан, таомни ўз олдидан ейиш, унга пуфламаслик ҳамда айбламаслик буюрилади. Ушбу қоидаларга амал қилиш инсоннинг маданиятини ҳам билдиради.

Ислом дини талабларининг тиббиёт илмига мос келишини биргина мисол билан исботлаш мумкин. Ислом динида ерга тушиб кетган луқмани зарарсизлантириб, тезда ейиш буюрилган. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бирортангиздан бир луқма тушиб кетса, ундаги зарарни кетказсин, сўнгра есин», деганлар (Имом Муслим ривояти). Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар бирингизнинг егулигингиз ерга тушиб кетса, уни кўтариб, сиртини бегона нарсалардан тозалаб есин, наси-



басини шайтонга қолдирмасин», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Қизиғи шундаки, Астон университети профессори Энтони Хилзнинг олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, ерга тушиб кетган егуликни беш сония ичида ердан олиб истеъмол қилиш соғлиқ учун хавфсиз экан. Чунки бу вақт ичида ҳеч қандай микроорганизм егуликка тегишга ёки уни зарарлашга улгурмайди.

Меъёр бузилмаса, соғлиқ ҳам жойида бўлади?

Ривоят қилишларича, Мадинаи Мунавварага табиблар одамларни даволагани келишди. Улар олти ой ишлади, лекин шу вақт ичида бирор киши соғлигидан шикоят қилиб келмади. Табиблар Муҳаммад (с.а.в.)нинг олдиларига бориб, олти ойдан бери бирорта одам даволаниш учун келмаганидан шикоят қилишди. Шунда Набий (с.а.в.): «Сизга даволанишга ҳеч ким келмаслигининг сабаби шундаки, бизда бетоблар йўқ, чунки қорнимиз жуда очмасдан овқат еймиз, қорнимиз жуда тўймасдан қўлимизни овқатдан оламиз», деган эканлар.

Ҳар нарсанинг ортиқчаси зарарли ҳисобланади. Масалан, тиббиётда кам-камдан, аммо тез-тез овқатланиш тавсия этилади. Ислом динида ҳам тўйиб овқатланишдан қайтарилган. Хусусан, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамзот қорнидан кўра ёмонроқ идишни тўлдирмагандир. Аслида, унга қоматини тиклаб турадиган овқат етарлидир. Агар зарурат бўлса: қориннинг учдан бири таоми, учдан бири ичимлиги

ҲАДИС

Чап қўлда таом ейиш мумкин эмасми?

Узрсиз чап қўлда таомланиш суннатга хилофдир. Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: Набий (с.а.в.): «Қачон бирортангиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон бирортангиз ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади», дедилар (Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти). Демак, чап қўли билан еб-ичган одам Раҳмоннинг амридан юз ўгириб, шайтонга эргашган ва унинг ишини қилган бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўп ишларини ўнг қўлларида бажаришни хуш кўрганлар. Кийим кийиш, соч тараш, оёқ кийим кийишда ўнг томондан бошлаганлар. Чунки ўнг томонда ва ўнг қўлда барака бор. Бунинг хилофида истинжо ва у каби тоза бўлмаган ишларга чап қўлни хослаганлар.

ва учдан бири нафас олиши учун бўлсин!» (Имом Термизий, Имом Ибн Можа ривояти).

Шунингдек, тик туриб ёки ён бошлаб овқатланиш ҳам ислом динида қораланган. Абу Жухайфа (р.а.)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мен суянган ҳолимда емайман», деганлар (Имом Бухорий, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насай ривояти). Анас (р.а.) айтадилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) тик туриб ичишдан қайтардилар». Шунда саҳобалар: «Тик туриб ейиш мумкинми?» деб сўрашди. У зот алайҳиссалом: «У яна ҳам

оғирроқ», дедилар (Имом Муслим, Имом Термизий ривояти).

Ҳалол-ҳаром қандай фарқланади?

Инсон тановул қиладиган таомлар ўз аслига қараб иккига: наботот ва ҳайвонот таомларига бўлинади. Nabototдан бўлган таомлар нажас, зарарли ва маст қилувчи бўлмаса, барчаси ҳалолдир. Nabototлардан турли мева ва дон маҳсулотларига ўхшаш зарар етказмайдиган нарсалар ҳалол қилинган.

Ҳайвонлар уч қисмга тақсимланади: сув ҳайвонлари, қуруқлик ҳайвонлари ва сув ҳамда қуруқликда яшовчи ҳайвонлар. Сув ҳайвонларининг барчаси жумхур уламо наздида ҳалолдир. Ҳанафийлар эса сув ҳайвонларидан фақат балиқ ҳалол, дейишган. Қуруқлик ҳайвонларига келганда, улардан ўзи ўлиб қолгани, оққан қон, чўчка гўшти ва Аллоҳнинг номи айтиб сўйилмаганини еб бўлмайди. Бир сўз билан Қуръон ва суннатда ҳаромлиги баён қилинган ҳайвонларнинг барчаси ҳаром, ҳалоллиги баён қилинганларининг барчаси ҳалол ҳисобланади.

Қуръон ва суннатда ҳалол ёки ҳаромлиги ҳақида бирор нарса дейилмаган ҳайвонлар ҳақида ўтмишдаги уламолар: «Ақли расо кишилар пок деб юрганлари ҳалол, нопок деб юрганлари ҳаром», дейишган. Аммо замондош уламолар: «Қуръон ва суннатда ҳалол ёки ҳаромлиги ҳақида бирор нарса дейилмаган ҳайвонлар ҳалол-ҳаромлиги баён қилинган ҳайвонларга солиштириб кўрилади, агар ҳалол ҳайвонларда бор сифатлари бўлса, ҳалол, ҳаром ҳайвонларда бўладиган сифатлари бўлса, ҳаром», дейишган.

Ислом шариаатида ҳаром қилинган нарсаларни таом сифатида тановул қилган одам хасталикка чалинади. Чунки Ислом зарарли нарсаларни ҳаром қилган. Шунингдек, овқатланишда исломда суннат қилинган амалларга риоя қилиш инсон саломатлигининг гарови ҳисобланади.

Таваккал КЕНЖАЕВ,
Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур
туманидаги «Эшон Бобоҳон»
жоме масжиди имом-хатиби.



Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд ҳақида
фильм суратга олинади.

Бугунги кунда Ғарб матбуоти жўр бўлиб Россияни таниқли мухолиф сиёсатчи Алексей Навальнийни заҳарлашда айбламоқда. Чунки Россиянинг ошиб бораётган ҳарбий қудрати, биотехнологиялар, фармацевтика соҳасида қўлга киритган ютуқлари Ғарбдаги трансмиллий корпорацияларга тинчлик бермай қўйди. Агар эътибор қилсак, Навальнийнинг заҳарланиши Беларусдаги сайлов машмашаларига ҳамоҳанг юз берди. Демакки, бу заҳарланиш ортида айрим давлатлар разведкасининг узоқни кўзлаган мақсадлари яширинган бўлиши ҳам мумкин.

Бежизга Россия ҳукумати ҳам таниқли мухолифатчининг тўсатдан бетоб бўлишида қўли борлиги ҳақидаги айбловларни инкор этмаяпти. Сибирга сафари чоғида самолётда чой ичиб, ҳушидан кетган Навальний Омск касалхонасида бир неча кун ётиб, 22 августда тиббий-кўрик учун Германияга юборилган. Немис мутахассислари Навальний совет иттифоқида ишлаб чиқарилган асаб агенти билан заҳарланган, деган хулосага келди.

Германия канцлери Ангела Меркелнинг айтишича, мухолифатчини «новичок» деб номланувчи модда билан заҳарлашган ва бу ишга давлатга алоқадор шахслар қўл урган. Кремль зудлик билан ташхисга шубҳа билдириб, россиялик шифокорлар ўтказган текширувлар натижаси асаб агенти ёки заҳар борлигини кўрсатмаганини айтди. Бу фикрда ҳам жон бор. Агар Россия ҳукуматининг заҳарланишга алоқаси бўлганида Навальнийнинг Германияга кетишига рухсат бермаган бўларди.

Россия ва Ғарб муносабатларига таъсир кўрсатадими?

2018 йилда Англиянинг Салсбери шаҳрида россиялик собиқ жосус Сергей Скрипаль ва унинг Юлия исмли қизи ҳам худди шу асаб агенти билан заҳарланган эди. Шундан кейин Россиянинг Ғарб билан алоқалари кескин ёмонлашди. Кузатувчилар бу гал ҳам шундай бўлишни башорат қилмоқда.

Канцлер Меркелнинг айтишича, немис терговчиларининг хулосаси Европа Иттифоқи ва НАТОдаги ҳамкор давлатларга ҳам узатилди. АҚШда Демократик партиядан президентликка номзод Жо Байден Кремлни Навальнийнинг ҳаётига

Навальнийни ЗАҲАРЛАШ операцияси уюштирилганми?



қасд қилганликда, Президент Дональд Трампни эса Россия раҳбарига қарши тура олмаётганликда айблади. АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши сўзловчиси Жон Улиот Қўшма Штатлар Германия ҳисоботидан хавотирда эканини айтиб, Россияда бу ишга алоқадор шахсларни жавобгарликка тортишда иттифоқчи давлатлар ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда иш кўрилишини билдирди.

Россия парламентининг куйи палатаси Навальнийнинг бетобланиши юзасидан ўз терговини бошлади. Депутатларга кўра, мамлакат обрўсини тўқиш ҳамда Россия ва Германия билан ҳамкорликда амалга оширилаётган газ лойиҳасини издан чиқариш мақсадида Навальнийни Ғарб разведкаси агентлари заҳарлаган. Президент Трамп «Шимолий оқим-2» лойиҳасига қарши чиқар экан, қувурни Германияга узатишда Россияга ёрдам бераётган Европа компанияларига санкциялар киритди. Навальний заҳарланишини кутиб туришган эканми, шу кундан бошлаб Германияда, лойиҳага қарши Европанинг айрим пойтахтларида 8 миллиард еврога тушган газ қувури лойиҳасини тўхтатишга чақириқлар пайдо бўлди. Германия парламентидаги айрим депутатлар келишувни беқор қилишга чақирди.

Алексей Навальний ким ўзи?

Алексей Навальний юқори лавозимли амалдорларни коррупцияда айблаб, уларни фош этувчи терговлари билан кенг танилган. У ҳокимият мухолифларининг энг ёрқин вакилига айланган.

Навальний бир томондан Кремль учун бир «тикон» бўлса, бошқа томондан, мухолифат орасида ҳам унинг миллатчилиги учун танқид қиладиганлар оз эмас. 2014 йилда ундан Россиянинг Қрим ярим оролини аннексия қилишига муносабати сўралганда, Навальний гарчи Қрим халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда «тортиб олинган» бўлса-да, «ҳозир у Россиянинг бир қисми», «Қрим бизники» деб жавоб берган эди.

У Россия сиёсатида 2008 йилда — мамлакатдаги давлат назорат қилувчи корпорациялардаги коррупцияни танқид қилиб, блог юриштишни бошлаганида пайдо бўлди. У қўллайдиган тактикалардан бири — катта нефть компаниялари, банкларнинг акциясини сотиб олиб, кичик акциядор сифатида уларнинг молиявий ҳолатидаги тешиқлар ҳақида суриштириш эди. Ўз фикрини, асосан, ёшлардан иборат тарафдорларига етказиш учун ижтимоий медиада ўтқир, тиканли сўзлардан фойдаланади, ҳукуматга садоқатлиларни масҳаралаши унинг сиёсий услуги рамзига айланди.

2011 йилги парламент сайловлари арафасида, Навальний унда номзод сифатида қатнашмаган эди, у ўз ўқувчиларини сайловда «Ягона Россия» партиясига қарши ҳар қандай бошқа партияга овоз беришга чақирди. Сайлов якунида «Ягона Россия» ютиб чиқди, аммо аввалгидек кўпчилик овоз билан эмас. Унинг ғалабасидан сўнг овозларни сохталаштириш билан боғлиқ иддаолар урчиб, Москва ва баъзи йирик шаҳарларда намоийшлар бошланишига сабаб бўлди.

Гарчи Навальний собиқ қамалган

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

олигарх Михаил Ходорковский каби жамоат эътиборида бўлмаган эса-да, бу икки шахс ўртасида муайян ўхшашликлар бор. Ходорковский ўн йил Россия ҳибсхонасида умрини ўтказгач, 2010 йилда суд уни иккинчи муддатга яна ҳукм қилди ва янги ҳукм 30 декабрь куни — аксар россияликлар Янги йил байрами билан андармонлигида эълон қилинди. Ҳозир Швейцарияда яшаётган Ходорковскийдан фарқли ўлароқ, Навальний курашни Россияда давом эттиришга ваъда берди.

Навальний либералларда хавотир уйғотиб, ўта миллатчиларнинг тадбирларида нутқ сўзлаган. Рус миллатчилари ҳам унинг 2010 йилда Йел университетида ўқигани, АҚШ билан эҳтимолий алоқаларидан хавотирга тушади. Шунга қарамай, мухолифат 2012 йилда Путиннинг ветеран танқидчиларидан, шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни эмас, Алексей Навальнийни ўзига лидер қилиб сайлади. Ваҳоланки, сайловчилар унчалик кўп эмас, атиги 81 801 нафар эди.

Ўтган йигирма йилда ҳокимият сиёсатининг бир неча машҳур танқидчилари — собиқ жосуслар, журналист ва сиёсатчилар заҳарланган. Ва фақат Россиянинг ўзида эмас. Дунёдаги сирли заҳарлашлар кўпинча сирлилигича қолади. Лондондаги Қиролик мудофаа тадқиқотлари бирлашган институти профессори Марк Галеоттининг айтишича, «заҳарлашнинг кўринмас ва театрлаштирилган» жиҳатлари бор. 2006 йилда отиб ўлдирилган россиялик тадқиқотчи, журналист, ҳукумат танқидчиси Анна Политковская 2004 йилда Шимолий Кавказга учаётган пайти заҳарлангани иддао қилинган. У ҳам Навальнийга ўхшаб ҳушидан кетган ва йиқилган. 2006 йилда «Полониум-210» радиоактив моддаси собиқ жосуслик хизмати ходими Литвиненкони аста-секинлик билан ўлдирган. Заҳарли модда аниқланганича бир неча ҳафта ўтган эди. Ҳозирда Берлиндаги «Шарите» шифохонасида ҳаёт учун курашаётган Навальний сунъий комада ва «холинэстераза ингибитори гуруҳидаги модда билан заҳарланишдан» муолажа қилинмоқда.



Японияда ниқоб тақмаган йўловчи сабаб самолёт фавқулодда қўндирилди.

Қиличбозлик — тезкорлик ва аниқликни талаб қилувчи, нозик ҳаракатлардан иборат бўлган машғулотлардан бири. Бу спорт тури Ўзбекистонда эндигина ривожланиб бораётган бўлса-да, гўзаллиги, саломатлик учун фойдали экани билан аҳоли орасида тезда оммалашиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда жаҳон рейтингда миллий терма жамоамиз кучли ўнталикдан жой олган.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

ривожининг қандай камчилиги ва муаммолари бор?

Аммо тан олиш керакки, соҳанинг янада оммалашшига тўсиқ бўлаётган камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Сабаби, бу спорт тури билан шуғулланиш учун иштиёқмандларга махсус кийим ва керакли спорт анжомлари зарур бўлади. Хўш, соҳадаги муаммолар нималардан иборат? Уларнинг ечимлари бўйича аниқ дастур борми?

Минтақада ягона академия ташкил этиладими?

Қиличбозлик машғулотлари ёшларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилади. У билан шуғулланаётганда инсон танасидаги барча мушаклар фаол ҳаракатланади. Айниқса, боланинг координацияси, тезкорлиги, зеҳни ортади. Уларнинг қомати тик ва бенуқсон бўлиши таъминланади. Шу боис бу спорт тури мамлакатимизда қисқа фурсатда оммалашиб бормоқда.

— 2020 йил 1 июнь ҳолатига кўра, республикада доимий равишда 2 минг 189 нафар спортчи қиличбозлик билан шуғулланмоқда, — дейди **Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси бош котиби Гулнора Саидова**. — Бундан уч йил илгари уларнинг сони атиги 842 нафар бўлгани ҳам бу соҳанинг кейинги йилларда жадал оммалашиб бораётганини кўрсатади. Айни пайтда йигирмадан ортиқ қиличбозликка ихтисослаштирилган спорт заллари мавжуд бўлиб, республика бўйлаб 56 та қиличбозлик йўналиши очилган. Қиличбозликнинг оммалашшида Халқаро қиличбозлик федерацияси шафелигида юртимизда бир қатор нуфузли мусобақалар ўтказилгани ҳам айтиш мумкин бўлди. Хусусан, ўтган йили пойтахтимизда сабля йўналиши бўйича ўсмир қизлар ўртасида Жаҳон кубоги, рапира ва шпага йўналишлари бўйича «Сателлит» халқаро турнири ҳамда катталар ўртасида Марказий Осиё қиличбозлик федерацияси очик чемпионати ташкил этилди. Шунингдек, Халқаро



қиличбозлик федерацияси мамлакатимизда Марказий Осиёда ягона бўлган Қиличбозлик академиясини тузишни таклиф қилмоқда.

Вакилларимиз халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда аёллар терма жамоаси Жазоирда бўлиб ўтган Жаҳон кубогида кумуш медалларни қўлга киритди. Миллий терма жамоамиз эса Эронда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон кубогида 4-ўринни эгаллади.

Эндиликда терма жамоа аъзолари Сенегалда бўлиб ўтадиган 2022 йилги ўсмирлар Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари ва 2024 йилги Олимпия ўйинларига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Малакали мураббийларсиз максадга эришиб бўлмайди

Терма жамоамизнинг муваффақиятлари бардавом бўлиши, юртимиз байроғи жаҳон ареналарида бундан-да баландроқ ҳилпираши учун истеъдодли ёш спортчилар захирасини шакллантириш талаб этилади. Бунинг учун, албатта, малакали мураббийларга талаб юқори бўлади. Ўтган уч йилда қиличбозлик билан шуғулланувчилар сони бир ярим баробарга кўтарилган бўлса, мураббийлар сони

56 нафардан 74 нафарга етди.

— Чиндан ҳам, малакали мураббийларга эҳтиёж юқори, — дейди **Г.Саидова**. — Айниқса, марказдан олис ҳудудларда кадрлар муаммоси сезиларли даражада. Федерациямизнинг 2020-2024 йилларда Стратегик ривожланиш режасида бу масалага жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, ОТМларда қиличбозлик бўлимларини очиш режалаштирилган. Бундан ташқари, мураббийлар сонини кўпайтириш, республика ва халқаро даражадаги мураббийлар ва ҳакамларнинг малакасини ошириш ҳам кўзда тутилган. Қайд этиш жоиз, айни пайтда юртимизда ФИЕ лицензиясига эга 3 нафар судья фаолият юритмоқда. Малакали мураббий ва судьялар салмоғини ошириш учун хорижий мутахассислар иштирокида ўқув-семинарлари ва халқаро конференциялар ташкил этилади.

Қиличбозлик ривожига вақт ва маблағга боғлиқми?

Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда бошқа таълим муассасаларида қиличбозлик бўлимларини ташкил этиш учун, аввало, у ерда кийим-кечак ва соҳага ихтисослашган спорт анжомлари базасини яратиш зарур. Шу жиҳати билан ҳам бу спорт турининг

ДАРВОҚЕ...

Қиличбозлик — қоида асосида тифли спорт қуроллари — рапира, сабля, шпага воситасида яккама-якка ўтказиладиган мусобақа.

Рапира — узунлиги 110 см., оғирлиги 500 г. бўлган спорт анжومي. Мусобақада гавда ва кўкрак қафасини ёпувчи электрон нимча кийилади. Фақат унга санчилган укол ҳақиқий дейилади ва ҳисобга олинади. Сабля — узунлиги 105 см., оғирлиги 500 г. бўлган спорт анжومي. Мусобақада гавданинг белдан юқори қисмига зарба беришга рухсат берилади. Шпага — узунлиги 110 см., оғирлиги 770 г. бўлган спорт анжومي. Шпаганинг уч қисмида махсус мослама бор ва у рақибга тегса, махсус чироқ ёнади. Агарда у ерга, махсус қиличбозлик йўлагига ва шпага гардасига тегса, ён томондаги кичик сариқ чироқ ёнади ва у ҳисобланмайди. Мусобақада иштирокчилар рақибининг хоҳлаган жойига оёғидан то бошига қадар санчиши (укол) ҳақиқий деб ҳисобга олинади.

оммалашши узоқ вақт ва маблағ талаб этади. Шу боис айни пайтда қиличбозлик заллари ва тўғаракларининг катта қисми пойтахтда фаолият юритмоқда.

— 2018 йилда Ўзбекистонда биринчи марта Миллий қиличбозлик клуби ташкил этилди, — дейди **Г.Саидова**. — Бугунги кунда клубда 100 нафардан ортиқ бола шуғулланмоқда. Кейинги йилларда Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг барча туманларида клуб бўлимларини очиш режалаштирилмоқда. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида янги залларни барпо этиш ишлари бошлаб юборилган. Амалий ишлар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, маҳаллий ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.


Бир сўз билан айтганда, қиличбозлик спорти мамлакатимизда тез сурутлар билан тараққий этиб бормоқда. Келгусида спортчиларимиз Ўзбекистон байроғини энг баланд жаҳон ареналарида ҳилпиратиб, юртимиз донғини дунёга таратиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



Ўзбекистонда Nike ва Adidas кроссовкалари ишлаб чиқарилади.

УСТЮРТДА ТОПИЛГАН «МАУГЛИ»: нега у одамлардан олисда яшаган?



1957 йилда бир гуруҳ геологлар вертолётдан бўриларни отиб ташлаш учун Устюрт саҳросига (Туркменистон билан Қорақалпоғистоннинг чегарасида, Сариқамиш кўли атрофларида) овга чиқади. Геологлар бўри тўдасига қувиб етиб олади, аммо қочаётган ҳайвонлар орасида тахминан беш ёшли боланинг югуриб кетаётганини кўриб, ҳайратдан қотиб қолишади. Бола ҳам бўрилар билан бирга осмондаги душмандан қочиш қутулишга ҳаракат қилар эди.

Одамлар болани ҳар томонлама қутқаришга қарор қилишади ва барча бўриларни отиб ташлаб, вертолётни ерга қўндириб, болани ушлашга ҳаракат қилишади. Лекин уларга болани тутиш осон бўлмайди. Бола худди бўри боласи каби ириллаб яқинлашганини тишлаб, тепар эди. Геологлар амаллаб тутиб, уни, биринчи навбатда, шифокорларга етказишади. Кичкина боланинг бўрилар орасига қандай қилиб тушиб қолгани ва унинг ота-онаси ким бўлгани номаълум эди. Касалхонада унга олигофрения ташхиси қўйилади ва Тошовуз руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилади.

Бундан кейин унинг учун одамлар турмушига кўникиш каби жуда қийин ва фожияли турмуш бошланди. Болага Жума Жумаев деб исм қўйилиб, инсоний одатлар ўргатила бошлайди. Жума тўрт оёқлаб бўрига ўхшаб ҳаракат қилар эди, шу боис тиззалари ва кафтларида қадоқлар пайдо бўлди.

У аста-секин юришни, ичишни ва овқатланишни, кейинроқ тишларини ювишни, сочларини тарашни, ҳожатхонадан фойдаланишни ва ҳаттоки шахмат ўйнашни ҳам ўрганди. Баъзи шифокор-аёллар кичкина болага раҳми

келиб, уйларида ҳар хил пишириклар олиб келиб, овқатлантириб турди, кийимларини ювишди.

Ўн беш ёшида Жума ёзишни, ўқишни ва ҳатто бўрилар билан қандай яшаганлигини айтиб беришни ўрганди. Жуманинг сўзларига кўра, бўрилар унга одамлар каби муносабатда бўлишган, унга озиқ-овқат ва бошпана беришган, одамлар эса аксинча унинг «оиласини» вайрон қилиб, ваҳшийлар каби муносабатда бўлган. У одамлар онасини, отасини, ака-ука ва опа-сингилларини (бўриларни) ўлдиришганини кўзларида ёш билан айтиб, бармоғи билан осмонга ишора қилган, яъни юқоридан отиб ўлдиришганини тушунтирган.

У бўрини «Бу — менинг онам» дерди

Жумани бир касалхонадан иккинчисига тинмасдан кўчириб туришди. У Тошовуздан Ашхободга, сўнг Ашхобод яқинидаги тоғлар орасидаги Калининский қишлоғига кўчиб ўтди. Бу ерда, тоғлар орасида моховлар ҳам сақланар эди. У, шунингдек, уран кони билан танилган Қизилқоя (Красноводск вилояти)га ҳам юборилди. Шу вақтларда туркменистонлик кинорежиссёрлар бу даҳшатли

1992 йилда Жумани Ашхободга олиб келганида, унга режиссёр Булат Мансуров онасининг расмини чизишни илтимос қилади. Аммо Жумаев бўрини чизарди. Жума ёмон гапирганига қарамай, унга нима дейилганини жуда яхши тушунган. Мансуров унга: «Жума, бу бўри» деса, у шунчаки жилмайиб қўйиб, кўзларида ёш билан «Бу — онам» деб жавоб берган.

жой ҳақида гапиришга ҳаракат қилишди, аммо уларга бундай қилиш тақиқланди.

90-йилларнинг бошларида оммавий ахборот воситаларида Маугли ҳақида маълумот пайдо бўлгандан сўнг, Москвадан «Московский комсомолец» газетаси, «Огонёк» журнали каби йирик нашрларнинг журналистлари у ҳақида материал тайёрлаш учун Туркменистонга ташриф буюрди. Шу вақтда ОРТнинг «Взгляд» дастурининг бошловчиси Влад Листьев Жума Жумаев ҳақида кўрсатув тайёрлаб, унинг машҳурлигини янада оширди.

Келган журналистлар Жумани ҳайвонот боғига олиб бориб, қафасда ўтирган бўриларни кўрсатишар эди. Влад Листьевнинг сўзларига кўра, Жума қафасдаги бўриларни кўрганда жуда ҳаяжонланган ва узоқ вақтгача гапира олмай, бўрилар қафасига киришга жон-жаҳди билан уринган.

1992 йилда Жумани Ашхободга олиб келганида, унга режиссёр Булат Мансуров онасининг расмини чизишни илтимос қилади. Аммо Жумаев бўрини чизарди. Жума ёмон гапирганига қарамай, унга нима дейилганини жуда яхши тушунган. Мансуров унга: «Жума, бу бўри» деса, у шунчаки жилмайиб қўйиб, кўзларида ёш билан «Бу — онам» деб жавоб берган.

Жума 37 ёшида паспорт ва нафақага чиқиш ҳуқуқини олади, лекин у умрининг охиригача руҳий касалликлар шифохонасидан чиқа олмайди.

Жума Жумаев фан учун янги кашфиёт бўлди

Жуманинг навбатдаги жойи, аввалги уран конларида жойлашган Красноводскдан 300 километр узоқликдаги Қизилқоя тумани руҳий касалликлар шифохонаси бўлди. Бу жойда нурланиш кучли эди. Москвадан келган психиатр шифокор шахсан ўзи нурланиш бор-йўқлигини текшириш учун шахталарнинг бирига тушади, лекин шундан кейинги қолган 3 йил умрини ўзи шифохонада ўтказади.

Касалхонанинг янги бош шифокори лавозимига тайинланган Мищенко Владимир Панфилович ўз хизматини биринчи навбатда, шифохона жойлашган бутун ҳудудни дозиметр билан ўлчашдан бошлаган. Кейин у ўз беморлари учун хавфсиз янги жойдан шифохона излашни талаб қилади. Лекин, кўп ўтмай, у ҳам сирли равишда ўлим топади.

Сўнг Жума махсус мактаб-интернатга ўтказилади. Журналистларнинг охириги интервьюси 1996 йилда бўлиб ўтган, шундан кейин касалхона эшиклари ҳамма учун батамом ёпилади ва Жума ҳақидаги маълумотлар тўлиқ махфий бўлиб қолади. Унинг кейинги ҳаёти қандай кечгани қоронғу. Қачон ва қандай шароитда вафот этгани номаълум.

— Устюртдаги Мауглини, яъни Жумани Қорақалпоғистон ҳудудида, яъни Сариқамиш кўли атрофларида тутган, — дейди қорақалпоғистонлик ёзувчи Ўмирбай Ўтеулиев. — Мен Устюртдаги чўпонлардан бу воқеани кўп эшитганман. Бўриларда жуда кўп каромат бор.

Шуни таъкидлаш керакки, Жума дунёдаги бошқа Мауглиларга нисбатан кўпроқ умр кўрди. Бошқалар 40 ёшгача ҳаёт кўрган бўлса, Жума тахминан 50 йил яшаган. Лекин у бўрилар билан тахминан 5 йил ва одамлар билан 40 йилдан ортиқ яшаганига қарамай, одамлар жамиятини тушуна олмасдан кетди. Жума Жумаев феномени фан учун ҳам янги кашфиёт бўлди. Унинг исми илмий адабиётларга ҳам киритилди.

Есимхан ҚАНААТОВ,
журналист.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги жамоаси
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари

Шарап УСНАТДИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН

2019 йил 23 июнда Баҳодир Назаровга Андижон вилояти Асака тумани 24-дават ихтисослаштирилган мактаб интернати томонидан берилган U № 0178591 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



Ўзбекистонда Усмонлилар империясининг махсус аскарларига тегишли паспорти сақланмоқда.

ХУҚУҚ

«Отпуска»да касал бўлсам, таътил узайтириладими?

— Меҳнат таътилидаман, аммо касаллигим сабабли кеча шифохонага тушиб қолдим. Бир ҳафтадан сўнг ишга чиқишим керак эди. Айтинг-чи, бундай вазиятда таътил кунларини бошқа вақтга кўчирсам бўладими?

Нуриддин КОМИЛОВ.
Тошкент вилояти.



Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Ҳа, албатта, бундай ҳолатда меҳнат таътилини узайтиришингиз ёки бошқа муддатга кўчиришингиз мумкин. Меҳнат кодексининг 145-моддасига мувофиқ, ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга.

Яъни агар таътил даврида таътидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан, таътилни фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади. Бундай ҳолларда ходим таътидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

ТАЪЛИМ

«Олти ёшли қизимни мактабга олишмаяпти...»

— 2014 йил февраль ойида туғилган фарзандимни ҳудудимиздаги мактабга қабул қилишмаяпти. Бунда қандай йўл тутсам бўлади?

Искандар ШОЙҚУЛОВ.
Андижон вилояти.



Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомга кўра, мактабнинг 1-синфига 6-7 ёшли болалар тиббий ҳулосага мувофиқ қабул қилинади. Фарзандингиз жорий йилнинг 31 август кунига қадар 6,5 ёшга тўлишини инобатга олсак, тегишли ҳужжатларни мактаб маъмуриятига тақдим этиш ҳуқуқига эгасиз.

Ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриши шарт. Шу боис ушбу масала юзасидан туман халқ таълими бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз, болалар умумтаълим муассасасининг 1-синфига тайёргарлик даражасидан қатъи назар, танловсиз қабул қилинади (муסיқа ва санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасалари бундан мустасно).

TRANСПОРТ

«Машина рафиқамнинг номида бўлса, компенсация берилмайдими?»

— Мен болаликдан II гуруҳ ногирониман. Бензинга тўланадиган компенсация бўйича маҳаллага мурожаат қилган эдим. Улар машина ўзингизнинг номингизда бўлса, компенсация тўланади, дейишди. Машина рафиқамнинг номида бўлса, компенсация олмайдими?

Хуршид ТОЖИБОЕВ.
Самарқанд вилояти.



Муроджон САДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси:

— Йўқ, олмайсиз. Ойлик пул компенсацияси тўлови уни олиш ҳуқуқига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, енгил автомобиль, мотоаравача ёки мотоциклга эга бўлган шахсларга тайинланади. Автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ишончнома бўйича бошқа шахсга берилганда, ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи йўқолади.

Башарти, соғлиғининг ҳолати бўйича автомобилотранспорт ҳайдаш тўғри келмайдиган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари билан доимий равишда бирга яшайдиган, у билан бирга бир тураржой майдонида рўйхатдан ўтган оила аъзолари автомобилотранспортни ишончнома бўйича ҳайдаган тақдирда уларга ҳам компенсация тайинланади. Бунда ойлик пул компенсацияси тўлаш фақат ишончноманинг амал қилиш муддатига тайинланади.

TRANСПОРТ

Таксичиларга қачон қулайлик яратилади?

— Яқинда ўзини ўзи банд қилган касблар рўйхати эълон қилинди. Нима учун рўйхатга киракшлар (таксичилар) киритилмаяпти?

Носирбек СОРИЕВ.
Тошкент шаҳри.



Дилшод СУЛТОНОВ,
Молия вазири ўринбосари:

— Таксичилик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган киши юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Шунингдек, улар ҳар кунлик тиббий ва техник кўриқдан ўтиши лозим. Бу бўйича ҳозирда Транспорт ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан иш олиб бораёмиз. Лекин техник нуқтаи назардан жуда қийин бўляпти. Чунки давлат рухсат бергандан кейин кафолатланган бўлиши керак.

Шунингдек, таксичиларга қўйиладиган айрим талаблар бор. Масалан, албатта, агрегатларга уланган бўлиши лозим. Яъни сиз ким билан кетаётганингизни билишингиз керак. Қолаверса, муайян вақтда техник ва тиббий кўриқдан ўтиши лозим. Бир-икки ой ичида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритилади. Сабаби, бир томонда, ўзини ўзи банд қилган киракшлар манфаати турган бўлса, иккинчи томонда, жамоатчилик манфаати турибди.

ИМТИЁЗ

Ёш оилаларга уй-жой ажратиш шартлари ўзгарди

— Ёшлар уйларида олмоқчи эдик. Яқинда уни ажратиш шартлари ўзгаргани ҳақида эшитдик. Қандай ўзгариш бўлди? Фоизлари кўтарилдими?

Мафтуна ШУКУРОВА.
Тошкент шаҳри.



Нодир АБДУҚОДИРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими:

— Ҳукуматнинг жорий йил 27 августдаги тегишли қарорига кўра, эндиликда ёш оилаларга уй-жойлар 1 йиллик имтиёзли давр билан (илгари 3 йил эди) ҳамда дастлабки 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрга ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида 20 йил муддатга берилади (илгари қишлоқ жойларидаги уй-жойлар учун бу муддат 15 йил эди).

Бунда квартиранинг дастлабки бадали шаҳарларда – ёш оилаларга, эскирган уйлarda яшовчиларга ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга сотиш шартларига мувофиқ (илгари қатъий 25 фоиз), қишлоқ жойларида – сотиб олинган квартира қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (илгари 10, 25 фоиз) белгиланади.